

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Абдулҳамид НУРМОҒОВ
Азаматжон РАҲИМОВ**

ЛИНГВОСИНЕРГЕТИКАГА КИРИШ

**Тошкент
«Akademnashr»
2013**

УЎК: 811.512.133 (072)

КБК: 81.2Ўзб -
Н87

Н87

Нурмонов А.

Лингвосинергетикага кириш / А. Нурмонов, А. Раҳимов; масъул муҳаррир А. Собиров. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 112 б.

ISBN 978-9943-4255-0-7

УЎК: 811.512.133 (072)

КБК 81.2Ўзб-5

Мазкур рисола тилшуносликда аста шаклланиб бораётган нисбатан ёш йўналиш – лингвосинергетика фанининг назарий асослари, келиб чиқиш илдишлари ва манбалари, тадқиқот йўналишлари, истиқболли ҳақидаги назарий қарашларни илмий таҳлил этишга бағишланган ўзбек тилшунослигидаги илк маърифий асар ҳисобланади. Бунда дастлаб синергетик парадигма, унинг моҳияти, категориал аппарати, таянч тушунчалари, синергетика ва диалектика муносабати ҳақида маълумот берилиб, сўнг лингвосинергетикага бағишланган тадқиқотлар, синергетика нуқтаи назаридан тил ҳодисаларининг таҳлили каби масалалар ёритилган.

Рисола тилшунослик назарияси билан қизиқувчи катта илмий ҳодимлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар, тилшунос мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

А.Собиров, филология фанлари доктори

Тақризчилар:

Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор.

Д.Бозоров, фалсафа фанлари номзоди

Анджон давлат университети Илмий кенгашининг 2013 йил 29 августдаги 1-сонли йиғини қарори билан нашрга тавсия этилган.

© А.Нурмонов, А.Раҳимов
«Лингвосинергетикага кириш»
© «Akademnashr». 2013

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
Кириш.....	10
I. ОЛАМНИНГ СИНЕРГЕТИК МАНЗАРАСИ.	
1.1. Синергетиканинг илдишлари ва ўзига хос хусусиятлари.....	16
1.2. Синергетиканинг таянч тушунчалари.....	24
1.3. Синергетика ва диалектика муносабати.....	37
II. ЛИНГВОСИНЕРГЕТИКА.	
2.1. Лингвосинергетиканинг назарий асослари.....	48
2.2. Тилшунослик ва синергетика муносабати.....	57
2.3. Тил ҳодисаларининг синергетик парадигма асосидаги талқини.....	69
ХУЛОСА.....	91
Фойдаланилган адабиётлар.....	94
Синергетикага доир интернет сайтлар рўйхати.....	104
ГЛОССАРИЙ.....	105

СЎЗБОШИ

Даврлар ўтиши билан инсоннинг олами билиш имкониятлари кенгайиши туфайли фанлар системаси ҳам янги-янги йўналишлар билан ривожланиб боради. Ҳар қандай фан кишиларнинг амалий эҳтиёжларини қондириш талаби билан майдонга келади. Математика, геометрия, астрономия, мантиқ, грамматика сингари фанларнинг ана шундай эҳтиёж сабаб пайдо бўлганини «*Муаллим ус-соний*» номи билан дунёга танилган бобокалонимиз Абу Наср Форобий ҳам таъкидлайди.

Тарихда ҳар бир фанни фанлар системасида алоҳида, автоном ҳолда ўрганиш маълум вақт ҳукм сурди. Хусусан, илгари адабиёт, фалсафа, мантиқ, тарих билан узвий алоқада фаолият кўрсатган тилшунослик ҳам структурализм ҳукм сурган даврда фақат тилнинг ички структурасини ўрганувчи фанга айлантирилди.

Л.Ельмслев тилшуносликнинг шу кунга қадар тилга ёндош ҳодисаларни билиш воситаси бўлиб келганини, масалан, классик филология тилдан кўра адабиёт ва маданиятни, қиёсий-тарихий тилшунослик тарихни ўрганишга кўпроқ эътибор қаратганини, аслида, лингвистик назария тилни тилдан ташқаридаги ҳодисалар билан аралашган ҳолда эмас, балки ўз ичидаги яхлит структурани ўрганиши лозимлигини кўрсатади.¹

Бунинг натижасида тил ўз эгаси бўлган сўзловчи шахсдан, халқ тарихидан, маданиятидан ажралган, қуруқ муносабатлар системаси сифатида ўрганила бошланди. Унинг физиологик, акустик, психологик, бадий-эстетик, культурологик, кумулятив томонларини ўрганиш назардан четда қолди.

¹ Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. – М.: Комкнига, 2006. – С.31 – 32.

Тилшунослик тил эгалари билан боғлиқ бир қатор масалаларни четлаб ўтувчи, структур схемалар билангина шуғулланувчи қуруқ фанга айлантирилди. Бу фаннинг ана шу чекланган томонларини тўлдириш, тилни унга ёндош ҳодисалар билан биргаликда ўрганиш учун лингвистика билан унга ёндош бўлган фанлар оралиғида лингвопозитика, лингвогеография, лингвокультурология, лингвосоциология ёки социолингвистика, лингвокогнитология ёхуд когнитив лингвистика, психолингвистика, менталингвистика, нейролингвистика каби қатор тилшунослик йўналишлари майдонга келди.

Оламдаги нарса ва ҳодисалар, катта-кичиклигидан қатъи назар, системавий табиатга эгадир. Системавийлик объектнинг муайян ички узвлар муносабатидан ташкил топган бутунлик эканида намоён бўлади. Системалар орасида ўзаро таъсир, бир-бирини тақозо этиш, шартланганлик, поғонавийлик каби муҳим белгилар мавжуд.²

Ҳар бир нарса ва ҳодиса доимо ўсишда-ўзгаришдадир. Лекин бу ўзгаришлар кўпинча яширин ҳолда кечади. Ички ўзгаришлар бир тартибдан иккинчи тартибга ўтиш орқали юзага чиқади. Айрим ўзгаришларни тартибга солишга субъект ташқаридан аралашади. Масалан, машинанинг электр системасидаги ўзгариш машина устасининг аралашуви билан тартибга солинади.

Табиат ва жамиятда шундай нарса ва ҳодисалар борки, улардаги ички ўзгариш ташқаридаги субъектнинг аралашуви-сиз, ўзини ўзи тартибга солади. Масалан, инсон организмнинг бирор аъзосига путур етса, унинг вазифаси бошқасига юкланади. Айтайлик, кўз ўз вазифасини бажармай қўйса, ожиз бўлиб қолса, унинг функцияси эшитиш ва тана сезгисига ўтади. Бу сезги аъзоларининг вазифаси кучаяди. Демак, организм ўз ўзини бошқаради.

Тил системаси, бир томондан, ўз-ўзидан ташкилланиш хусусиятига эга бўлса, иккинчи томондан, субъект аралашуви билан тартибга тушиш (лексик муқобилларни танлашда, адабий тил меъёрларини белгилашда, тил сиёсати таъсирида) белги-

² Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Akademnashr. 2012. – Б.12 – 14.

сига эгадир. Ана шундай ички ташкилланиш хусусиятига эга объектларни, уларнинг умумий жиҳатларини ўрганувчи фанга амалий эҳтиёж туғилди. Бунинг натижасида синергетика майдонга келди.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб синергетика³, 90-йилларидан бошлаб лингвосинергетика⁴ атамалари фан оламида тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Ҳозирги кунда бу атамалар анчайин оммалашди. Хусусан, юртимизда ҳам синергетика юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультетида грант лойиҳаси асосида чоп этилган тўплам, шунингдек, И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Наманган давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган анжуман материаллари, О.Файзуллаев, Н.Шермуҳаммедова, М.Абдуллаева, И.Раҳимов, А.Ўтамуродов каби олимларнинг илмий асарлари, айниқса, ёш тадқиқотчи Д.Бозоровнинг «*Синергетик парадигма*» номли монографияси ва «*Синергетика парадигмасининг*

³ Қаранг: Haken H. Synergetics. – Berlin: Springer, 1978; Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М.: Мир, 1985; Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М., 2003; Синергетическая парадигма. Многообразие поисков и подходов. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. Т.I; Синергетическая парадигма. Нелинейное мышление в науке и искусстве. – М.: Прогресс-Традиция, 2002. Т.II; Синергетическая парадигма. Человек и общество в условиях нестабильности. – М.: Прогресс-Традиция, 2003. Т.III; Синергетическая парадигма. Когнитивно-коммуникативные стратегии современного научного познания. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. Т.IV.

⁴ Қаранг: Kohler R. Zur linguistischen Synergetik. Struktur und Dynamik der Lexik. – Bochum: Brockmeyer, 1986; Герман И.А., Пищальникова В.А. Введение в лингвосинергетику. – Барнаул, 1999; Лингвосинергетика: проблемы и перспективы: Материалы первой школы-семинара 1 – 2 июля 2000. – Барнаул, 2000; Лингвосинергетика: проблемы и перспективы: Материалы второй школы-семинара 2 июля 2001. – Барнаул, 2001; Герман И.А. Лингвосинергетика. – Барнаул, 2000; Пиотровский Р.Г. Лингвистическая синергетика: исходные положения, первые результаты, перспективы. – СПб., 2006.

фалсафий-методологик таҳлили» мавзуйдаги номзодлик диссертацияси кабиларни алоҳида таъкидлаш лозим.⁵ Қўлингиздаги рисола ҳам бу йўналишдаги изланишлар самарасидир.

Метафорик тил билан айтганда, ҳозирги кунда турли соҳа вакиллари «синергетика» қалъасига хужум бошладилар.⁶ Натижада синергетика физика, кимё фанлари чегарасидан чиқиб, бошқа фанлар учун ҳам методологик жиҳатдан аҳамият касб эта бошлади. Бу жараён лингвистика фанини ҳам четлаб ўт-

⁵ Қаранг: Шермухаммедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005; Файзуллаев А.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент, 2006; Абдуллаева М.Н. Синергетика – новые возможности познания и действия // Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2009; Абдуллаева М.Н. Философия случайности // Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари: илмий анжуман (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2010; Раҳимов И., Ўтамуродов А. Синергетика – ўз-ўзини ташкил қилиш тўғрисидаги назария // Синергетиканинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет, 2005; Синергетиканинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет, 2005; Бозоров Д. Синергетик парадигма. – Тошкент, 2009; Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2009; Numonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. – Toshkent: Akademnashr, 2010; Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари: илмий анжуман (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2010; Бозоров Д. Синергетика парадигмасининг фалсафий-методологик таҳлили: Фалсафа фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2010; Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). – Тошкент, 2013; Rakhimov A.U. Synergetics as a new methodology in linguistics // International Scientific and Practical Conference: Science and Society Proceedings. – London, 2013. – P.310 – 313.

⁶ Қаранг: Mainzer K. Thinking in complexity. the complex dynamics of matter, mind, and mankind. – N.-Y., 1994; Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Законы эволюции и самоорганизации сложных систем. – М.: Наука, 1994; Kauffman S. At Home in the Universe. The Search for Laws of Selforganization and Complexity. – London: Viking, 1995; Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. – М.: Наука, 1997. Синергетика и методы науки. – СПб., 1998; Каран М.С. Синергетика и культурология // Синергетика и методы науки. – СПб., 1998; Синергетика и социальное управление. – М., 1998; Занг В.Б. Синергетическая экономика. Время и переменны в нелинейной экономической теории. – М.: Мир, 1999; Синергетика и психология: тексты. Вып.1. – М., 1997; Вып.2. – М., 2000; Синергетика, философия, культура. – М., 2001.

мади. Лингвистика ва синергетика «чорраҳаси»да янги бир йўналиш тетапоя қила бошлади. Олимлар бу фанни турлича номладилар.

«Синергетик лингвистика» («Synergetic Linguistics») атамаси илк марта олмониялик олимлар Р.Келер, В.Вильдген, Г.Альтман томонидан 1986 йили илмий истеъмолга киритилди.⁷

«Лингвосинергетика» атамаси эса биринчи бор 1999 йили И.А.Герман ва В.А.Пищальникованинг **«Лингвосинергетикага кириш»** номли китобида қайд этилган.⁸ Кейинчалик В.Н.Базылев, Г.Г.Москальчук, Б.Гёрцель, Н.И.Бялоус каби олимлар лингвосинергетикага оид махсус тадқиқотлар олиб бордилар.⁹

И.А.Герман ва В.А.Пищальникованинг **«Лингвосинергетикага кириш»** асарида лингвосинергетиканинг фақат бир томонига – нутқий фаолиятнинг, матн симметрияси ва асимметриясининг синергетик система эканлигини, яъни нутқ ҳосил қилишнинг, шунингдек, матн таржимасининг синергетик жараёнлигини, бу жараённи ўрганишнинг физиологик, нейрофизиологик ва психофизиологик асосларини ёритишга қаратилади.

Кўринадики, бу муаллифлар нутқий фаолиятнинг фақат бир қисми – нутқда рўй берадиган синергетик жараёнларни ўрганиш-

⁷ Kohler R. Zur linguistischen Synergetik. Struktur und Dynamik der Lexik. – Bochum: Brockmeyer, 1986; Kohler R. System Theoretical Linguistics // Theoretical Linguistics. 1987. Vol. 14. – P.241 – 257; Wildgen W. Basic Principles of Self-Organization in Language // Synergetics of Cognition. – Tokyo, Hong Kong: Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 1990. – P.415 – 426.

⁸ Герман И.А., Пищальникова В.А. Введение в лингвосинергетику. – Барнаул, 1999.

⁹ Қаранг: Аршинов В.И., Свирский Я.И. Синергетическое движение в языке // Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. – М., 1994; Герман И.А. Речевая деятельность как самоорганизующаяся система (к становлению лингвосинергетической парадигмы). – Барнаул, 1999; Базылев В.Н. Новая метафора языка (семиотико-синергетический аспект). – М., 1999; Москальчук Г.Г. Структурная организация и самоорганизация текста. – Барнаул, 1998; Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс. – Барнаул, 1999; Goertzel B. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994; Бялоус Н.И. Принципы фрактальности в структуре художественного текста // Лингвистические парадигмы и лингводидактика. – Иркутск. 1997.

га эътибор қаратадилар. Тил ўз-ўзидан ташкилланувчи объект сифатида тил системасидаги синергетик жараёнлар тадқиқотчилар назаридан четда қолади. Шунингдек, асар **«Лингвосинергетикага кириш»** деб номланса ҳам, ўз номига мувофиқ келмайди. Унда лингвосинергетиканинг асосий атамалар системаси, ўрганиш объекти, ёндош фанлар билан муносабати сингари масалалар ёритилмаган. Натижада «лингвосинергетика»га қизиқаётган ўқувчи бу фан ҳақида етарли тушунчага эга бўлолмайди.

Гарчи шу кунга қадар лингвосинергетикага оид кўплаб монография тадқиқотлар яратилган бўлса ҳам, лекин мазкур йўналиш нимани ўрганади, қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд деган саволларга жавоб берувчи бирон-бир асарга эга эмасмиз. Ўзбек ўқувчиларини лингвосинергетика йўналишининг келиб чиқиш илдизлари, ўзига хос хусусиятлари, тил системасига татбиқ этилиши кабилар билан таништирувчи маърифий асарга эҳтиёж юзага келди. Мазкур рисола ана шу мақсадни ўз олдига қўяди. Агар ушбу асар орқали лингвосинергетика ҳақида муайян маълумотга эга бўлсангиз, муаллифлар ўзларини мақсадга эришган ҳисоблайдилар.

Рисола ўзбек тилшунослигида лингвосинергетикага бағишланган илк асар бўлганлиги учун унда айрим хамчиликлар бўлиши табиий. Асарни такомиллаштириш, мазмунан бойитиш учун билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

Муаллифлар

КИРИШ

Тил маълум жамиятнинг оламини билиш, ахборот узатиш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилувчи мураккаб хилқат саналади. Ижтимоий эҳтиёжлар тилнинг хилма-хил функцияларини белгилайди. Ана шундай функциялар сифатида коммуникатив, кумулятив, экспрессив, аксиологик, когнитив, фатик (контакт ўрнатиш) ва бошқа функцияларни ажратиш мумкин.

Профессор Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, тилнинг моҳияти, вазифаси кўпинча бениҳоя жўн талқин этилади. Гўёки тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса. Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг жуда кўплаб вазифаларидан фақат биттасидир. Аслида, тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Айни пайтда, тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик лозим.¹⁰

Э.Сепир тилнинг ана шундай полифункционаллигига эътибор берган ҳолда унинг инсон хулқига чуқур сингиб кетганини, кишилар онгли фаолиятининг тил иштирок этмаган томони жуда кам бўлса ҳам, бирламчи функцияси сифатида, одатда, кишилар ўртасида алоқа воситаси вазифаси эътироф этилганини баён қилади.¹¹

Буюк немис тилшуноси В.Гумбольдт ҳар бир тилда тил эгаларининг дунёқараши акс этиши, халқ руҳи ва тили ўртасидаги муносабат ўзаро зич боғланганлиги, уларни айро тасаввур қилиб бўлмаслигини, тил халқнинг руҳи, халқнинг руҳи эса унинг тили эканини, тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг хилма-хиллиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижаси эканини таъкидлайди.¹² Унинг фикрича, инсон оламини идрок қилишда тамомила тилнинг асирида бўлади. Тил ёрдамида олам таснифланади.

¹⁰ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент, 2012. – Б.10.

¹¹ Сепир Э. Язык // Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960. – С.189.

¹² Қаранг: Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984. – С.50 – 54.

В.Гумбольдтнинг инсоннинг тил асирида бўлиши ғоясидан илҳомланган инглиз олими Э.Сепир: *«Кишилар ўзини қуршаб турган нарсалар ва ижтимоий муносабатлар таъсиридагина эмас, балки ўзи мансуб бўлган тил таъсирида ҳам яшайди. Тил ёрдамига суянмай туриб борлиқни тўла англай олишимиз мумкин деган хаёл янглиш хаёл бўлар эди... Аслида, реал борлиқ маълум даражада тил меъёрлари асосида қурилади»*¹³, – дейди.

Тилшунослик тарихида тил шу кунга қадар *«аморф борлиқ»* (В. фон Гумбольдт, Ф. Шлегель), *«структура»* (Ф. де Соссюр), *«экзистенциал ва динамик жараён»*, *«борлиқнинг уйи»* (М. Хайдеггер), *«ишлаб чиқариш, яратиш жараёни»* (Н. Хомский), *«ўз қоидаларига эга бўлган ўйин»*, *«одамлар устидан ҳукмронлик қилувчи, зиддиятларни келтириб чиқарувчи, инсон кўнглини жароҳатлайдиган, онгни кишанлаб, асоратга соладиган куч»* (Л. Витгенштейн) каби белгилар асосида талқин этилган. Лекин ҳалигача тилнинг сеҳрли ва мураккаб моҳияти тўла очилгани йўқ. Шу маънода Мартин Хайдеггер ёзади: *«Тилнинг моҳиятини ҳеч бир фан тушунтириб беролмайди, у барча сирларнинг сиридир»*¹⁴.

Борлиқдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса ўсиш-ўзгаришда. Бу ўзгаришларни кўпинча кўз билан қузатиб бўлмайди. Перцептив илганмайдиган ана шундай ўзгаришлар даврлар ўтиши билан аниқ сезилиб қолади.

Тил ҳам, бир томондан, барқарорлик, иккинчи томондан, ўзгарувчанлик белгисини ўзида мужассам қилади. Тилшунослик тарихида тилнинг ана шундай ички ўзгаришларига эътибор қаратган В.Гумбольдт унинг ҳаракатсиз ҳолатдаги ҳодиса – *«эргон»* (фаолият маҳсули) эмас, балки доимий ҳаракатда бўлган *«энергия»* (ўз-ўзини ташкил этувчи, яратувчи фаолият) эканини таъкидлайди.¹⁵

Олимнинг фикрича, тилнинг яшаш шакли унинг ривожлани-

¹³ Қаранг. Уорф. Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960. – С.198.

¹⁴ Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. – М., 1991. – С.170.

¹⁵ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984. – С.69.

шидир. Бундай қараш ўша даврда тилга ўлик механизм сифатида ёндашувчи метафизик ёндашувга қарама-қарши равишда майдонга келди ва тилнинг ички ривожланиш қонуниятини очиб беришга имкон яратди.

Тилни фаолият сифатида тушунган В.Гумбольдт унинг фақат динамиклигинигина эмас, балки фаоллигини ҳам кўрсатади. Тил фаоллиги, олимнинг фикрича, ижтимоий, социал ҳодиса сифатида индивидга таъсирида намоён бўлади. Индивид тилдан ўзининг ички ва ташқи эҳтиёжларига мувофиқ қанчалик онгли фойдаланса, тил шунчалик унинг онгига таъсир қилади.

Тилнинг ижтимоийлиги ҳамда индивид нутқида фаоллашиши ҳақидаги мазкур ғоя тилшунослик тарихида тил ва нутқни бир-биридан ажратишга замин яратди.

В.Гумбольдт ғояларидан илҳомланган структур тилшуносликнинг асосчиси Ф.де. Соссюр нутқий фаолиятда тил ва нутқни фарқлар экан, барча ўзгаришлар нутққа хослигини, тил эса ўзгармас, барқарор хусусиятга эгалигини кўрсатади. У тил системасидан замон моментини тўлиқ истисно қилади.¹⁶

Шуни таъкидлаш керакки, нутқдаги ҳар бир ўзгариш тил системасига таъсир этади. Бу ўзгаришларнинг айримлари вақтлар ўтиши билан тил системасидан ўрин олади. Шунинг учун ҳозирги кунда тил ўз-ўзини ташкиллантурувчи система сифатида баҳоланмоқда.

Тилнинг ўз-ўзини ташкиллантурувчи система эканлиги бу системада вақт моментига ўрин мавжудлиги, ички ривожланиш тил системасига ҳам дахлдор эканидан далолат беради. Машҳур француз тилшуноси Ш.Балли ҳам тилларнинг узлуксиз ўзгаришини, лекин фақат ўзгармас ҳолда функцияланишини баён қилади.¹⁷

Э.Касериунинг фикрича, икки давр «ҳолати» ўртасида система сақланган ҳолда муайян ўзгариш рўй берар экан, бу ўзгариш тил системасидан ҳам ўрин олиш имкониятига эга.¹⁸

¹⁶ Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. – М., 1933. – С.88.

¹⁷ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1965. – С.29.

¹⁸ Касериу Э. Синхрония, диахрония и история // Новое в лингвистике. Вып. III. – М., 1963. – С.220.

Кўринадики, тил, бир томондан, система сифатида нисбий барқарор, иккинчи томондан, тарихий, ижтимоий ҳодиса сифатида доимий ҳаракатда, ўзгаришда бўлади.¹⁹

Ўз-ўзидан ташкилланиш, ўз-ўзини бошқариш хусусияти фақат тилгагина хос эмас. Бундай хусусият бир қанча табиий ҳодисаларда ҳам учрайди. Шунинг учун ҳозирги кунда ана шундай ички ташкилланиш жараёнини ўрганувчи фан сифатида синергетика шаклланди. Демак, тил системасидаги ички ўзгаришларни ёритиб беришда синергетика методологик асос ролини ўйнаши мумкин. Проф. Ш.Сафаров ҳам сўз ва тушунча муносабати масаласига тўхталар экан, уни диалектик ва синергетик ёндашувлар асосида муҳокама қилиш маъқуллигини таъкидлайди.²⁰

Тилнинг мўъжизавий ва сирли моҳияти, серқирра табиати барча олимлар томонидан эътироф этилса ҳам, тилшуносликдаги ҳар бир йўналиш унинг қайсидир бир қиррасини очишга ҳаракат қилади. Шу маънода тилшунослик учун нисбатан янги ва ёш соҳа саналган лингвосинергетика ҳам тилнинг сирли моҳиятини очишда муҳим аҳамият касб этади.

Тил ўз-ўзини ташкил этувчи мураккаб динамик тизим сифатида узлуксиз тарзда ривожланади, у жамият тараққиётининг ўзига хос барометри ҳисобланади. Тилларнинг фонетик, лексик ва грамматик структураси эволюцион тарзда тараққий этади, даврий равишда айрим типологик ўзгаришларни бошидан кечиради. Хусусан, ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисасининг деярли учрамаслиги, агглютинатив табиатга эга бўлган бу тилда фузион тилларга хос унсурларнинг мавжудлиги ёки фузион-аналитик тил ҳисобланган инглиз тилида агглютинация ва синтетизм тенденциясининг кучайиб бораётганлиги каби ҳолатлар²¹ тиллар типологиясидаги трансформациянинг ёрқин

¹⁹ Негматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII вв. – Ташкент, 1989. – С.7.

²⁰ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент, 2013. – Б.70.

²¹ Раҳимов А.У. Фузия лисоний типини квантитатив ва синергетик ёндашув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.13; Rakhimov A.U. Synergetics as a new methodology in linguistics // International Scientific and Practical Conference: Science and Society Proceedings. – London, 2013. – P.310 – 313.

исботидир. Демак, тадрижий тараққиёт натижасида географик, хронологик ва ижтимоий омиллар таъсирида тилларнинг структурал-типологик хусусиятлари ҳам ўзгариб, ривожланиб боради.

Ўзбек тили учун синкретизм (бир неча грамматик маъноларнинг бир грамматик шакл ёрдамида ифодаланиши, маъноларнинг қоришиқлиги), ҳам аналитизм, ҳам синтетизмнинг хослиги, агглютинация билан бирга фузия тенденциясининг мавжудлиги тил тизимидаги узлуксиз тарихий жараёнлар ва синергетикадаги ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг маълум кўринишлари ҳисобланади.

Айни шу жараёнлар диалектика ва синергетиканинг умумий қонуниятларига бўйсунди, ушбу ўзгаришлар тилнинг динамик, очиқ ва ночизиқли тизим, В.фон Гумбольдт назарда тутган «*energeia*» («доимий фаолият»), Н.Хомский таъкидлаганидек «*product*» (тайёр маҳсулот) эмас, балки «*generation*» (ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш фаолияти) эканлигини тасдиқлайди.

Маълумки, синергетика дастлаб немис физиги Герман Хакен ва бельгиялик олим Илья Пригожин томонидан табиатдаги ҳодисаларга, термодинамик жараёнларга, лазер нури, молекулалар, суюқликлар, кристаллар, кимёвий структуралар, биологик турларга нисбатан фаол татбиқ этилди.²²

Фандаги янги методология таъсирида кейинчалик С.П.Капица, С.П.Курдюмов, Г.Г.Малинецкий, А.Ю.Данилов, В.В.Кадомцев, Е.Н.Князева каби олимлар ўз тадқиқотларида синергетик ёндашувни ижтимоий ва маданий ҳодисаларга нисбатан қўлланини кузатиш мумкин. Айниқса, В.И.Аршинов, Я.И.Свирскийнинг ишларида тил феномени ҳам синергетик нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, унинг ўз-ўзини ташкил этувчи мураккаб тизим эканлиги таъкидланади.

Бугунги кунда иқтисодий синергетика, синергетик менежмент, ижтимоий синергетика, юридик синергетика, психосинергетика, педагогик синергетика сингари йўналишлар майдонга келгани каби, серқирра табиатга эга тил тизимидаги

²² Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М.: Институт компьютерных исследований, 2003. – С.10 – 17.

ички ташкилланишни ўрганувчи «лингвосинергетика» йўналиши ҳам эътироф этилмақда.

Лингвистик синергетика тилда ўз-ўзини ташкил этишнинг умумий қонуниятларини, лисоний тартиб ва тартибсизлик муносабатдорлигини, тилнинг тадрижий тараққиётидаги типологик ўзгаришлар, янгиланишлар, бошқа сифат босқичига ўтиш жараёнларини бифуркация (ривожланишнинг иккига айрилиши), полифуркация (ривожланишнинг бир неча йўналишга тармоқланиши), аттракция (магнит кутблари каби ўзига тортувчи ривожланишнинг барқарор ҳолати), флуктуация (барқарор қонуниятдан оғиш, четлашиш ҳолати) тамойиллари асосида талқин этишга йўналтирилган парадигмадир.

Маълумки, Гегель диалектик фапсафасида ривожланиш бир тартибдан иккинчи тартибга ўтувчи «чизиқли», спиралсимон ўсиб боровчи жараён сифатида эътироф этилади. Лекин табиат ва жамиятдаги бир қатор ҳодисаларнинг ривожланиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, кўпвариантlilik, кўпмуқобиллик, тасодифий ўзгаришлар, беқарорлик хусусиятларига эга бўлган «чизиқсиз» характерга эгадир.

Бир тил материалида бир неча лисоний типларнинг мавжудлигини, тилларнинг политипологик ва тилларнинг келиб чиқиши ягона манбага эмас, балки турли (хронологик, географик ва ижтимоий) омилларга боғлиқ тарзда кўпгина манбаларга оидлиги, яъни тилларнинг полигенетик хусусиятларини синергетиканинг «чизиқсиз» тараққиёт, бифуркация, аттракция каби тамойиллари билан изоҳлаш мумкин.

I. ОЛАМНИНГ СИНЕРГЕТИК МАНЗАРАСИ

1.1. Синергетиканинг илдишлари ва ўзига хос хусусиятлари

Америкалик олим Томас Кун «*Structure of scientific revolution*» («Илмий инқилоб структураси») номли тадқиқотида ёзишича, илм-фандаги инқилоб ҳодисага ёндашувнинг ўзгариши ва парадигманинг янгиланиши билан ўлчанади.²³

Янги парадигма эскисининг бағрида дунёга келади ва маълум муддат параллел равишда амал қилади. Дарҳақиқат, фанлар тарихидан маълумки, дастлаб геоцентризм концепцияси асосий парадигма саналиб, турли ғоя ва қарашларнинг юзага келишига муҳим туртки бўлган. Фақат XVI асрга келиб Николай Коперник гелиоцентризм концепциясини яратиб фанда туб бурилиш ясади, натижада эски парадигманинг ёнида янги парадигма юзага келди. Бу парадигмалар маълум давргача ёнма-ён яшаб, кейинчалик янги парадигма устуворлик қилди.

Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти, квант физикаси, диалектика фалсафаси, тилшуносликда Ф.де Соссюр номи билан боғлиқ структурализм таълимотларининг яратилиши турли фанларда инқилобий ўзгаришлар қилади ва мазкур парадигмалар таъсирида янгидан-янги қарашлар, соҳалар, таълимотлар юзага келди. Мана шундай фанлар тизимида кескин ўзгаришлар, янгиланишларга сабаб бўлаётган илмий парадигмалардан бири синергетикадир.

Синергетиканинг фанда янги методология сифатида юзага келиши XX асрнинг 70-йилларида немис олими, Штутгарт университети профессори Георг Хакен ва бельгиялик олим, Брюссель университети профессори Нобель мукофоти совриндори Илья Пригожин номи билан боғлиқ.

1973 йили Г.Хакен ўз-ўзини ташкил этиш муаммоларига бағишланган биринчи конференцияда «*Кучли нотенг ва нофизик системаларда кооператив ҳодисалар*» номли нутқ сўзла-

²³ Kuhn T. *The Structure of Scientific Revolution*. – Chicago: University of Chicago Press, 1970. – P.11.

ган эди, мана шу сана синергетиканинг туғилган йили ҳисобланади.²⁴

Олим корпоративлик турли тизимларда, масалан, астрофизик ҳодисаларда, гидродинамик беқарорлик ҳодисаларида, атмосферада циклонларнинг ҳосил бўлишида, популяциялар динамикасида ҳам кузатилишини «*Синергетика*» (1977), «*Табиат сирлари*» (2003) каби китобларида аниқ далиллар билан исботлаб берди.²⁵

У кўпгина фанларда – астрология, физика, кимё, биология, иқтисодиёт, ҳатто социологияда ҳам тизим қисмларининг бирлашиши макроскопик тузилмалар ёки функцияларга олиб келишини кузатиш мумкинлигини қайд этди.

Г.Хакен муҳаррирлиги остида Штуттарт университети Назарий физика ва синергетика институти олимлари томонидан кейинги ўн беш йил ичида «*Шпрингер*» нашриётида синергетикага оид 70 жилддан кўпроқ китоб нашр этилган бўлиб, ҳозирги кунда 20 дан ортиқ фан соҳаларида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Россияда синергетика бўйича 400 дан ортиқ монографиялар, илмий рисоалар чоп қилинган.²⁶

Бу далиллар синергетиканинг ривожланиш суръатини кўрсатади. Синергетика табиий ва гуманитар фанлар интеграция-

²⁴ Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент, 2005. – Б.181.

²⁵ Haken H. Synergetics. – Berlin: Springer, 1978; Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М.: Мир, 1985; Хакен Г. Синергетика как мост между естественными и социальными науками // Синергетическая парадигма. Человек и общество в условиях нестабильности. – М.: Прогресс-Традиция, 2003; Haken H., Knyazeva H. Arbitrariness in Nature Synergetics and Evolutionary Laws of Prohibition // Journal for General Philosophy of Science. 2000. Vol.31. №1. – P.57 – 73; Хакен Г. Принципы работы головного мозга: Синергетический подход к активности мозга, поведению и когнитивной деятельности. – М.: ПЕР СЭ, 2001; Хакен Г. Можем ли мы применять синергетику в науках о человеке? // Синергетика и психология. Тексты. Вып.2: Социальные процессы. – М., 2000; Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М., 2003.

²⁶ Бозоров Д. Синергетика парадигмасининг филозофий методологик тахлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. А-Б-С-4.

сини тезлаштирмоқда, бунда синергетика ҳар икки соҳа учун умумий методология бўлиб хизмат қилмоқда.

Синергетика фанлик мақомини олгунга қадар турлича номлар билан атаб келинди: Германияда «ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси» (Г.Хакен), АҚШда «динамик хаос назарияси», «хаосология» (М.Фейгенбаум), Францияда «бифуркация ва катастрофалар назарияси» (В.И.Арнольд ва Р.Том), Бельгияда «диссипатив структуралар назарияси» (И.Пригожин), «мураккаблик ҳақидаги фан» («complexity science»), Чилида «аутопоззия назарияси» (У.Р.Матурана), Россияда «ночизиқли динамика назарияси» (С.П.Курдюмов) ва бошқалар.

Синергетика ўзигача бўлган таълимотлар ва ёндашувлар асосида ривожланди. Бунда, айниқса, А.И.Богданов номи билан боғлиқ тектология назарияси, Л. фон Берталанфининг системалар назарияси, Н.Винернинг кибернетика назарияси синергетиканинг гоъвий жиҳатдан бойишида муҳим ўрин тутган.

Синергетика атамаси 1969 йили Герман Хакен томонидан қўлланган бўлса-да, у 1977 – 1978 йиллардагина фан соҳаси вакиллари томонидан қизгин қабул қилинган.²⁷ Синергетика атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, «биргаллик», «бирлашган ҳолда», «ҳамкорлик», «кўмаклашиш», «иштирокчилик» деган маъноларни англатади. У илмий тадқиқотларда кўпинча «мувофиқлаштирилган ҳаракат», «узлуксиз ҳамкорлик», «биргалликда фойдаланиш», «муроса фалсафаси» каби маъноларда ишлатилади.

Синергетика системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, чизиқсиз ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услубидир.²⁸

У табиатдаги мураккаб тизимларда ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнини, эволюциянинг қай босқичида хаос (тар-

²⁷ Данилов Ю.А., Кадомцев Б.Б. Что такое синергетика? // Нелинейные волны. Самоорганизация. – М.: Наука, 1983. – С.3 – 4.

²⁸ Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.284.

тибсизлик) ижобий роль ўйнаши, хаосдан тартибнинг пайдо бўлиши, қонуниятдан четлашиш ҳолатлари (флуктуация), беқарор ва барқарор ҳолат, чизиқли ва чизиқсиз тараққиёт, ҳозирги замон дунё манзарасининг янги устуворликларини – мувозанатсиз беқарор дунё концепциясини, ривожланишнинг чизиқсизлиги ва кўпмуқобиллиги ҳодисаси каби масалаларни ўрганади.²⁹

Синергетика умумфалсафий методология сифатида структурогенезнинг энг умумий қонуниятларини аниқлашни ўз предметиға айлантирган ўз-ўзини ташкил этиш назариясидир.

Г.Хакен янги фанни нима учун «синергетика» деб номлаганини қуйидагича тушунтиради: *«Биринчидан, унда макроскопик даражада тузилмани вужудга келтирадиган кўплаб кичик тизимларнинг биргаликдаги фаолияти тадқиқ қилинади.*

Иккинчидан, тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш тамойилларини топишга у турли фанларни жалб этади. Яъни билимнинг тор ихтисослашган соҳаларида содир бўлаётган инқироз муносабати билан ахборотни оз сонли қонунлар, концепциялар ёки ғояларга зичлаштириш лозим, синергетикага эса мана шундай уринишлардан бири сифатида қараш мумкин.

Учинчидан, турли табиатли тизимларнинг бир хил ўз-ўзини ташкил этиш тамойиллари мавжуд, бу эса табиий ва ижтимоий жараёнларнинг умумий аниқловчиларини топиш тўғрисида сўз юритиш лозимлигини тақозо қилади.

*Синергетика айнан мана шу умумий аниқловчиларни топишга йўналтирилган».*³⁰

Г.Хакен каби Ю.Л.Климантович ҳам синергетиканинг турли соҳаларни боғлаб турувчи кўприк эканига алоҳида урғу берган: *«Синергетика мустақил илмий соҳа эмас, у фанлараро янги илмий йўналишдир; унинг мақсади табиатшуносликнинг турли соҳалари, шунингдек, социология ва ҳатто лингвистиканинг умумий қонуниятлари, умумий ғоя ва методларини юза-*

²⁹ Князева Е.Н. Саморефлексивная синергетика // Вопросы философии. – М., 2001. №10. – С. 106 – 107.

³⁰ Хакен Г. Синергетика. – М.: Мир, 1993. – С.380.

га чиқариш, синергетика доирасида турли махсус соҳаларнинг ижобий ҳамкорлигини таъминлашдир».³¹

Г.Хакеннинг қарашларини давом эттирган ҳолда И.Пригожин нотенг тизимлар физикасини ўрганиб янги эффе́ктларни кашф қилди. И.Пригожин бошчилигидаги Брюссель мактаби вакиллари термодинамикада беқарор жараёнларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратдилар. Олим «Вақт, хаос, квант: вақт парадоксига ечим», «Флуктуациялар, барқарорлик ва структураларнинг термодинамик назарияси», «Хаосдан тартиб: инсоннинг табиат билан янги мулоқоти», «Беқарор тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш» каби қатор китобларида ўз таълимотини илмий жамоатчиликка ҳавола этди.³²

Олимнинг термодинамика назариясини янги ғоялар, хусусан, беқарор жараёнлар, диссипатив структуралар ҳақидаги концепциялари билан ривожлантиргани сабабли унга 1977 йили халқаро Нобель мукофоти топширилди.

Бунга кўра, тизимдаги таъсирлар тарқаладиган тизим диссипатив тизим ҳисобланади, ҳар хил таъсирларга ўта таъсирчанлик ва бунинг натижасида ҳаддан ташқари мувозанатсизлик диссипатив тизимнинг асосий хоссасидир.

И.Пригожин ғояларидан қаттиқ таъсирланган рус математики В.И.Арнольд ва француз математики Р.Том бифуркация назариясини ишлаб чиқдилар.

Мувозанатдан узоқ шароитларда бифуркация (*лотинча bifurcus – «иккиланган», «бўлинган»*) механизмлари фаолият кўрсатиб, улар иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ва ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутлади. Бифуркация тизимнинг мураккаблашувидан далолат беради.³³

³¹ Климонтович Ю.Л. Введение в физику открытых систем // Соросовский образовательный журнал. 1991. №8. – С.111.

³² Glansdorff P., Prigogine I. Thermodynamics of Structure, Stability, and Fluctuations. – New-York: John Wiley and Sons, 1971; Nicolis G., Prigogine I. Self-Organization in No Equilibrium Systems. – New-York: Wiley-Interscience, 1977; Prigogine I., Stengers I. Order out of Chaos: Man's New Dialogue with Nature. – New-York: Bantam Books, 1984.

³³ Қаранг: Ласло Э. Век бифуркации: постижение изменяющегося мира // Путь. 1995. №1. – С.3 – 129.

Бифуркация бир қанча параметрларга боғлиқ ҳолда янги сифат босқичига ўтишнинг математик кўринишидир, у янги структураларнинг пайдо бўлишида муҳим босқич.

Бифуркацияни қуйидаги аниқ мисол билан тушунтириш мумкин: биз тошни болға билан урайлик. Бунда ҳар бир зарбадан тош деформацияга учрайди, биз ҳар бир деформациянинг характери ни олдиндан айта оламиз, лекин тошнинг иккига бўлиниши қанча тош парчалари ажралганининг оқибати эканлигини аниқ айтиб беролмаймиз. Шу ўринда бу ҳолатни тушуниш учун бизга бифуркация ёрдам беради. Яъни бутун тошни болға билан уриш давомида шундай бир пайт келадики, у бошқа сифат босқичига ўтаётган бўлади, худди шу пайтдаги тошнинг ҳолати бифуркацияга мисол бўлади.

Академик Н.Н.Моисеев ҳам синергетикани янгича ёндашув ва талқинлар билан бойитган. Олим «Тараққиёт алгоритмлари» китобида синергетиканинг муҳим хоссаси сифатида универсал эволюционизм ва козволюцияни белгилайди.³⁴

Козволюция глобал эволюционизмнинг туб негизи бўлиб, у табиат ва жамиятдаги мавжуд системаларнинг биргалиқда яшashi, ривожланиши ёки бутунликнинг ички бўлаклари ғоясидир, бу тушунча турли биологик турларнинг ҳамкорликдаги эволюциясини ўрганиш, уларнинг структураси ва ташкиллашув даражасида пайдо бўлган.

Ҳозирги кунда козволюция моддий ва маънавий ривожланувчи тизимларнинг эволюцион ўзгаришлари корреляциясини изоҳлайди. Бунга кўра, борлиқнинг умумий қонуни системалар ўртасидаги бирлик, муштараклик ва ҳамкорлик асосида ривожланишни тақозо этади.

Бундай козволюцион тизимларни биологияда кўплаб учратиш мумкин. Хусусан, балиқлар тўдаси, амёбалар, чумолилар колоннаси, қушларнинг гала бўлиб учиши, ҳайвонлар тўдаси ҳаракати синергетик тизимнинг мувофиқлик тамойилини ёрқин кўрсатади. Буни қисмлар орасидаги муроса (консенсус), тартиб параметрлари ва ҳолат векторлари орасидаги ўзаро мувофиқлик сифатида талқин этиш мумкин. Мазкур ҳолат синергетика-

³⁴ Қаранг: Моисеев Н.Н. Алгоритмы развития. – М., 1987.

да «козволюция» («биргаликда яшаш санъати») номи билан аталади.

Синергетика, фикримизча, **парадокслар фалсафасидир**. Масалан, хаос бу тартибсизлик, лекин моҳиятан олиб қараганда, аслида, хаос структураларнинг уюшганлиги ва тартиблилигининг асосидир. Бир қарашда хаос деструктив (бузувчи омил) унсурга ва тизим тараққиётининг сўнги босқичи, хотимасига ўхшаб кўринади. Аслида, у тизим ва структуралар ичида конструктив (яратувчи омил) унсур ҳисобланади ҳамда аввалги тизимдан янги бир тизимга, янги бир тартибга ўтишнинг бош манбасидир.

Синергетикага кўра, ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши материя эволюцияси ва ўз-ўзини ташкиллантириш жараёнларининг оқибати, бошқачароқ айтганда, хаоснинг ҳосиласидир.

Дунёнинг яралиши ҳам, диний ва илмий тушунтиришда хаосга таянилса, бир-бирига зид келмаслиги, мувофиқлиги кўринади. Айниқса, «**Big Bang**» («**Катта портлаш**») назарияси ва борлиқнинг Аллоҳ таоло томонидан яратилганлиги, бу жараён хаосдан тартибнинг (тартибсиз ҳолатдан тартибли ҳолатнинг) яралиши сифатида талқин қилинади.

Қадимги Шарқ фалсафасида (қадимги ҳинд, қадимги хитой фалсафасида) ҳам, қадимги юнон мифологиясида ҳам хаос материянинг барча форма ва моҳиятини яширин тарзда ўзида акс эттирган субстанция сифатида баҳолангани бежиз эмас. Хаоснинг яратувчанлик хусусияти ҳақида Антуан де Сент-Экзюпери образли тарзда шундай ёзади: «*Ҳаёт тартибни яратади. Лекин тартиб ҳаётни яратиш учун кучсиздир*».

Демак, хаос тушунчаси янгича ёндашувлар асосида қайта идрок этилмоқда. Шу боис хаосни ўрганишга бўлган зътибор кучаймоқда. Ҳатто замонавий фалсафий талқинда «онтология» (борлиқни, мавжудликни, объектив реалликни ўрганувчи таълимот) тушунчаси ўрнига «хаосология»³⁵ (йўқликни ўрганувчи таълимот) термини асосий аҳамият касб этиб

³⁵ Levin A. Complexity: Life at the Edge of Chaos. – N.-Y., 1992; Waldrop M. Complexity: The Emerging Science at the Edge of Order and Chaos. – N.-Y., 1992.

бормоқда. Шунга монанд ҳолда хаос билан боғлиқ қатор тушунчалар ҳам юзага келмоқда: «гирдобсимон (турбулент) хаос», «динамик хаос», «детерминлашган хаос», «квант хаос», «креатив (яратувчи, бунёдкор) хаос», «жозибадор хаос» каби.

Тасодифийлик синергетикага кўра муҳим аҳамиятга эга бўлган категория сифатида баҳоланади, бир қарашда система ичида факультатив ҳолатлар, тасодифий ўзгаришлар аҳамиятсиздек кўринади, аслида, ўша тасодифий ҳолатлар аста-секинлик билан системани емиради ва унда сифат ўзгаришларининг юзага чиқишига олиб келади. Шунинг учун тасодифият синергетикада ночизикли дунёнинг имманент белгиси сифатида номён бўлади.³⁶

Синергетикада эволюция системанинг босқичма-босқич тартибли тадрижи сифатида эмас, балки системанинг спонтан ва хаотик тадрижи тарзида баҳоланади. Демак, синергетика бизга тартибсизлик, системанинг издан чиқиш ҳолати, тасодифият каби бир қарашда салбий кўринган ҳолатларни креатив принцип сифатида баҳолашга ўргатади.

Синергетикадан фойдаланиш учун ўрганилаётган тизим очик ва ночизиқ бўлиши, кўп унсур ва тизимлардан иборат бўлиши³⁷ (электронлар, атомлар, молекула, тўқима, ижтимоий гуруҳ, шу жумладан, тил ҳам) мумкин, улар орасидаги ўзаро таъсир фақатгина кичик флуктуацияларга, аҳамиятсиз, тасодифий ўзгаришларга бой ва ноустувор ҳолатда бўлиши мумкин.

³⁶ Абдуллаева М.Н. Философия случайности // Синергетика: ривожланиши ва истиқболари. – Наманган, 2010. – Б.49.

³⁷ Шермухамедова Н.А. Дунёнинг постноклассик манзараси ва синергетика // Синергетика: ривожланиши ва истиқболари. – Наманган, 2010. – Б.61.

1.2. Синергетиканинг таянч тушунчалари

Инглиз олими Ж.Уотсоннинг фикрича, янги вино учун янги қадаҳга эҳтиёж бўлгани каби, янги назария ҳам янги терминларни талаб қилади. Шу маънода синергетика билишнинг янги илмий парадигмаси сифатида ўз тушунчавий аппаратига эга.

Синергетиканинг таянч тушунчалари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ❖ *Чиқиқсиз тараққиёт*
- ❖ *Хаос*
- ❖ *Флуктуация*
- ❖ *Диссипация*
- ❖ *Аттрактор*
- ❖ *Бифуркация*
- ❖ *Козволюция*
- ❖ *Беқарорлик*
- ❖ *Мувозанатсизлик*
- ❖ *Поғонавийлик (иерархиялилиқ)*
- ❖ *Фракталлик*
- ❖ *Тасодиф*
- ❖ *Очиқлик*
- ❖ *Қайтарилмаслик*

Синергетика бу ва бошқа бир қатор категориялар ёрдамида ривожланишнинг муайян фундаментал қонунларини ифодалаб беради. Синергетика кашф этган ушбу қонуниятлар диалектиканинг универсал ривожланиш қонуниятларига ҳамоҳангдир.

Синергетика қонуниятларидан ўринли фойдалана билган тадқиқотчи энг замонавий методология асосида иш олиб бораётган бўлиб, ўз илмий соҳасида катта ижодий ютуқларга эришиши мумкин.³⁸

Синергетика парадигмасига кўра тараққиёт узоқ вақт оралиғида давом этадиган кўп босқичли жараён сифатида тушунтирилади, бунда флуктуация, бифуркация босқичларидан ўтиб,

³⁸ Каримов Б.Р. Синергетика ва заристиканинг илмий билиш жараёнидаги ўрни // Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). – Тошкент, 2013. – Б.62 – 63.

тизим барқарор ҳолатга келади. Синергетиканинг мақсади мураккаб динамик тизимларнинг универсал қонуниятларини, тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллаши умумий қонунларини топиш, эволюцион жараёнларнинг такрорланмаслигини ва хаоснинг ўз-ўзини ташкил этиш жараёнидаги конструктив аҳамият касб этишини илмий асослаш санапади.

Тизимдаги ушбу хаотик жараёнлар охир-оқибат ўз-ўзини ташкиллаш жараёнларига йўл очади, тизим ичида конструктив (яратувчилик, бунёдкорлик) аҳамият касб этади. Бу жараёндаги тараққиёт И.Пригожин томонидан «флуктуациялар орқали тартиб», «хаосдан тартиб» деб номланди.

Флуктуация (лотинча «*fluctuatio*» сўздан олинган бўлиб, «тебраниш» маъносини англатади) системаларнинг барқарор ҳолатидан фавқулдда четлашиши демақдир. Синергетика назариясига кўра, система янги ҳолатга ўтиши учун барқарорликни йўқотади. Тизимнинг янги сифат босқичига ўтиши турли тасодифий ўзгаришлар ва флуктуациялар ҳисобига амалга ошади.

Ўзаро мувофиқлашган (корпоратив) таъсирланишларни тавсифлаш учун когерентлик ва аттрактор тушунчалари ишлатилади. Когерентлик турли тебранишли жараёнлар босқичлари ўртасидаги муносабатларнинг сақланиши ҳодисаси бўлиб, у кичик, лекин ҳамкорликдаги кучсиз ўзаро таъсирланишларга ва жараёнлар оқимига минимал аралашигга нисбатан ишлатилади.

Аттрактор (инглизча «*attract*» – «ўзига жалб этмоқ», «ўзига тортмоқ» маъноларини англатади) – динамик тизимлар фазали нуқталарининг кўплиги билан характерланадиган, вақт ўқи давомида динамик тизим траекториясига тортилувчи ҳолат. Аттракторнинг ортида системани тўла эгаллаши, қоплаши мумкин бўлган нисбатан барқарор ҳолатлар ётади.

Масалага синергетик нуқтаи назардан қараганда, дунёда ривожланишнинг аксарият қисми чизиқсиз тараққиёт динамикасига эга бўлади. Шу кунга қадар олам классик фаннинг қатъий қонуниятлари, математиканинг квазиалгебраик формуллари ёки тадқиқотчининг ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда

ўтказган тажриба ҳамда кузатишлари асосида тавсифлаб келинган. Бир сўз билан айтганда, синергетика юзага келгунча олам аспидан йироқлаштирилиб, «идеаллаштирилган» ҳолда ўрганилган. Ваҳоланки, оламда барқарорликдан кўра беқарорлик, тартибдан кўра тартибсизлик, заруриятдан кўра тасодиф, аниқ статистикадан кўра эҳтимоллик кўпроқ устуворлик касб этиши аён бўлмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилиши табиий: *Нега олам қатъий қонунлар асосида муваффақиятли ўрганилган?*

Бу саволнинг жавоби эса оддий. Илгари олимлар борлиқни, табиатни аниқ методлар орқали ўрганганлар. Яъни табиатдаги беқарор жараёнлардан кўра барқарор жараёнларни, тартибсизликдан кўра тартибни, индетерминизмдан кўра детерминизмни тадқиқ этиш осонроқ ва тадқиқотчи учун оптимал объект саналган. Шу боис ўрганилган билимлар оламнинг реал манзарасининг тўлиқ тавсифини эмас, балки «айсбергнинг учи»ни, юзага қалқиб чиққан, кўриниб турган қисминигина ташкил этган. Айсбергнинг сув остидаги «улкан» қисми тадқиқотчилар нигоҳидан четда қолган. Буни эса синергетика ўрганишга имкон беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, синергетика назарияси шаклланган бугунги кунда ҳам ҳамон олимлар «хаос», «беқарорлик», «мураккаблик», «чизиқсизлик» каби оламнинг моҳиятини акс эттирувчи категорияларни мукамалроқ ўрганиш устида бош қотирмоқдалар. Бу хусусда И.Пригожин ёзади: *«Мен хаос, мураккаблик, беқарорлик, тарихий вақт каби туншунчалар қачонлардир математика йўли билан аниқланишига ишонмайман. Муҳими, улар турли хил ёндашувлар асосида ўрганилганда ҳам, реал оламнинг туб сифатлари бўлиб қолаверади».*³⁹

Дунёнинг постноклассик манзарасида чизиқсизлик ва тартибсизлик воқеликнинг объектив, универсал хусусиятлари деб эътироф этилган, улар ривожланишнинг барча структуравий даражаларида намоён бўлади. Бунда хаос (тартибсизлик) чизиқсиз тараққиётнинг устувор белгиси сифатида талқин қили-

³⁹ Синергетическая парадигма. Когнитивно-коммуникативные стратегии современного научного познания. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. – С.46.

нади ва у моддий ўзаро таъсирларнинг дастлабки беқарорлиги ҳосиласи бўлган ҳолат деб тушунтирилади.

Мазкур ҳолат спонтан структурогенезнинг, системанинг янги сифат босқичига ўтиши сабаби бўлиши мумкин. Буни образли тарзда шундай тушунтирса бўлади: *«Маълум бир тошнинг тоғдан тушиши ҳеч нарсага таъсир кўрсатмаслиги, бошқа бирининг тушиши эса қор кўчкисига сабаб бўлиши мумкин»*.

Синергетика учун кўчкени келтириб чиқарган тош муҳим, у тизимнинг эволюциясини кескин ўзгартириб юборади. Энг сўнги тадқиқотларда хаос шунчаки шаклсиз масса тарзида эмас, балки ўта мураккаб уюшган кетма-кетлик тарзида баҳоланмоқда.

Синергетиканинг асосчиси Г.Хакен хаосга шундай таъриф беради: *«Хаос – нодаврий тарзда такрорланиб турадиган, беқарор траекторияларга эга, замон ва макон кўрсаткичларининг корреляциясига тасодифий тақсимланиш хос бўлган номунтазам ҳаракат»*.⁴⁰ Демак, синергетик парадигмада хаос система учун аҳамиятли бўлган конструктив функция бажарувчи ҳолат сифатида тушунилади.

Синергетика ҳар қандай системани эмас, балки муайян динамик тизимларни ўрганади. Динамик тизимларга қандайдир оний (кўз очиб юмгунча, бир онда юз берадиган) ҳолатларни тавсифлаш мумкин бўлган ҳар қандай жараёнларни киритиш мумкин. Динамик тизимларга *маятникнинг эркин тебраниши*ни мисол сифатида келтириш мумкин. Чизиқли динамик тизимларнинг бу жиҳати бир стационар ҳолатга яқинлашган пайтда юз беради.

Ночизиқли динамик тизимлар эса барқарор ва беқарор стационар ҳолатларга эга бўлади, у мураккаб ва турфа хил феноменларни келтириб чиқаради. Барқарор мувозанат ҳолат ва динамик мувозанат ҳолат ўртасидаги фарқни *бильярд шарининг лузада турган барқарор ҳолати ва ҳаракатланаётган велосипеднинг барқарор ҳолати* мисолида аниқ белгилаш мумкин.

Бошқа тизимлар билан ўзаро таъсирланиш жараёнида, шу-

⁴⁰ Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М., 2003. – С.225.

нингдек, тизимнинг ўз ичидаги флуктуациялар таъсирида вақт ўтиши билан тизим параметрлари аста-секин бошқа ҳолатларга ўзгаради, бунда бифуркация механизми ишлайди.

Бифуркация шароитида системанинг келажақдаги ҳолати тимсоли бўлган диссипатив динамик микроструктуралар, яъни **фракталлар** юзага келади. Бундай фракталлар қулай вазиятларда йириклашади ва янги макроструктура сифатида шаклланади, мазкур ҳолат диалектикадаги инкорни инкор қонуни тамойилларига мувофиқдир.

Фрактал (лотинча *«fractus»* – *«бўлинган», «парча»* маъноларини англатади) масштаби инвариантликни ифодалайди. У моддий ва ижтимоий тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллашида кейинги шакллар тузилишига кўра олдингисини эслатади. Бундай ҳодисани биз кўпроқ табиатда учратамиз, бунда фигуралар ўз қисмига ўхшаш ва симметрик бўлади.

Буна Мандельброт *«Фрактальные объекты: форма, случайность и размерность»* (1955), *«Фракталы: форма, случайность и размерность»* (1977) ва *«Фрактальная геометрия природы»* (1982) асарларида фракталлик тушунчасини илмий талқин қилган. Олим бу хусусда ёзади: *«Нега геометрия кўпинча совуқ ва қуруқ фан сифатида тилга олинади? Бунинг асосий сабабларидан бири унда булут, тоғлар, қирғоқ (соҳил) чизиғи ёки дарахтлар шаклини тавсифлашнинг имконсизлигидир. Булут геометриядаги сфералар эмас, тоғлар конуслар эмас, соҳил чизиғи айлана эмас, чакмоқ тўғри чизиқ эмас... Табиат бизга нафақат юқори, балки мукамал даражадаги мураккабликларни намойиш этади».*

Тизим янги сифат босқичига ўтади ва навбатдаги бифуркация нуқтасига томон интилиш асосида ривожланишда давом этади. Системанинг ушбу ҳолатини боши берк кўчалари кўп бўлган лабиринтда адашиб юриш ҳолатига ўхшатиш мумкин. Ушбу даврий равишда такрорланувчи эволюция хусусида Г.Хакен ёзади: *«Тизимда мураккаблашиш жараёни чексиз, мукамалликнинг чегараси йўқ».*⁴¹

Синергетикада ҳар бир ҳодиса, жараён, ўзгаришлар систе-

⁴¹ Хакен Г. Синергетика. – М.: Мир, 1993. – С. 184.

ма билан узвий алоқадорликда ўрганилади. «Система» юнонча сўздан олинган бўлиб, «бутун», «қўшма», «бирлашма», «йиғма», «уюшма» маъноларини англатади. Бу оддий йиғинди эмас, балки ўзаро боғланишда ва ўзаро таъсирда бўлган қисмлардан, элементлардан ташкил топган мажмуадир. Масалан, дастурхондаги ноз-неъматлар йиғиндиси система эмас, ота, она ва фарзандлардан ташкил топган оила системадир, чунки улар орасида ўзаро таъсир ва боғланиш мавжуд. Одам мияси ҳам мураккаб система бўлиб, ўзаро боғланган миллиардлаб нерв ҳужайраларидан ташкил топган.

Синергетикага кўра, системанинг функционалпашуви система элементларининг биргаликдаги ҳаракатига боғлиқ ҳамда асимметрия, спонтанлик, тасодиф, мувозанатсизлик каби бир қатор детерминлашмаган ҳодисалар билан шартланган. Бунда дунё метасистема – системалар системаси сифатида талқин этилади. Шундай экан, борлиқни тизимсиз тарзда ўрганишни тарғиб этувчи ҳар қандай гипотеза текширилиши шарт эмас ва у итқитиб юборилиши керак.⁴²

Системани ҳар хил жиҳатдан таснифлаш мумкин. Масалан, статик ва динамик, жонли ва жонсиз, очиқ ва ёпиқ. Статик система вақт давомида мувозанатда, динамик система эса вақт ўтиши билан ўзгаришда бўлади. Масалан, тош, тоғ жинси, бино устунлари статик системалардир. Тирик организм, Қуёш системаси, чумолилар тўдаси, асаларилар ҳамжиҳатлиги, тил динамик системалардир.

М.С.Каган синергетика нуқтаи назаридан системанинг 4 синфини алоҳида ажратиб кўрсатади:

1. Оддий ёки механик системалар. Улар ноорганик табиатга ва техникага оид бўлади. Мазкур гуруҳ планеталар системасидан тортиб инсон қўли билан яратилган, ўрнатилган дастурий алгоритм бўйича ишлайдиган қурилмалар, машиналар, роботлар ва шу кабиларни ўз ичига олади. Ноорганик системаларнинг ҳар бир компоненти мустақил тарзда мавжуд бўлади; техник қурилмаларда қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг

⁴² Моисеев Н.Н. Универсальный эволюционизм (Позиция и следствия) // Вопросы философии. 1991. №3. – С.6.

ўрнига мос бошқа қисм билан алмаштирилганда ҳам ишлаш тизимига тўсқинлик қилмайди.

2. Мураккаб ёки органик системалар. Улар туғилишдан ўлимгача бўлган бир хил циклик тартибда биология қонунларига мувофиқ яшайдиган, қисмлари мустақил бўлмаган, балки ўзаро узвий алоқадор ўсимликлар, ҳайвонлар каби органик оламни ташкил этади.

3. Жуда мураккаб ёки антропо-социо-маданий системалар. Улар, гомоген (бир хил) хусусиятга эга биологик ва механик системалардан фарқли равишда, инсон фаолияти, табиат, жамият, маданиятга хос жиҳатлар уйғунлашган ҳолда гетероген (турфа хил) моҳиятга эга бўлади. Шунинг учун мазкур система қоришиқ бўлгани ҳолда жуда мураккаб система ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, миллатнинг асосий белгиси бўлган тил жуда мураккаб системага мансубдир.

4. Ўта мураккаб системалар. Бунга, бир сўз билан айтганда, серқирра шахс борлиғини киритиш мумкин. Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, шахснинг идиолекти, гапириш манераси, услуби, мимикаси, нутқий хулқ-атвори кабиларни таҳлил қилишда тилни ўта мураккаб система сирасига киритиш мумкин.⁴³

Г.Хакеннинг фикрича, синергетикада ўрганилаётган система қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- 1) турли хил ўзаро корпоратив таъсирлашувчи унсурлардан ташкил топади;
- 2) ночизиқли ҳисобланади;
- 3) ташқи муҳитдан ажралмаган ва очик бўлади;
- 4) беқарор бўлади;
- 5) ичида сифат ўзгаришлари юз беради;
- 6) ичида эмергент (қайта юз берадиган, кутилмаган) янги сифат ўзгаришлари рўй беради;
- 7) ички ва ташқи тебранишлар (флуктуациялар)га бой бўлади;
- 8) макон, замонга боғлиқ диссипатив структуралар ҳосил

⁴³ Каган М.С. О синергетическом подходе к построению современной онтологии // Синергетическая парадигма. Когнитивно-коммуникативные стратегии современного научного познания. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. – С.362.

бўлади, бунда диссипация ҳолатининг марказий нуқтадан чегара нуқтага томон силжиши кузатилади;

9) структуралар тартибли ёки тартибсиз бўлади;

10) ичида беқарорлик, хаос, мувозанатсизлик бирламчи аҳамията эга бўлади.⁴⁴

Оқорида таъкидланганидек, синергетикада очик тизимлар тадқиқ этилади. Очик тизимларда зарурий қонуниятлар билан бир қаторда тасодифий омиллар, флуктуацион жараёнлар асосий ўрин тутати, ҳатто бунда кўпроқ тасодифлар, флуктуациялар заруриятдан кўра ҳам кўпроқ ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлади.⁴⁵

И.Пригожиннинг таъкидлашича, ҳозирги замонда ижтимоий ўзгаришлар аввалгига қараганда кўпроқ тезланиш билан кечмоқда. Бунинг устига, Ер куррасининг ҳар хил жойларида қайноқ нуқталар, спид, бўрон, транспорт авариялари, кучли зилзилалар, тўфонлар, тошқинлар, қаҳратон совуқлар, жазирама иссиқлар, ёнгинлар, терактлар, «парранда гриппи», синергетика типи билан айтганда, флуктуациялар авж олмоқда. Натижада тартибсизлик кучаймоқда, беқарорлик ошмоқда, хуллас, воқеа ва ҳодисалар муносабатларининг чизиқсизлиги кўпаймоқда, озгина сабаб кўпроқ натижа бермоқда.

Беқарорлик синергетиканинг муҳим категорияларидан бири бўлиб, у динамик тараққиётнинг асоси ҳисобланади. И.Пригожиннинг фикрича, турғунликдан узоқ ва беқарор системалар спонтан шаклда ўзгариши мумкин. Беқарорлик маълум маънода детерминизмнинг ўрнини босади ва тараққиёт беқарорлик, тасодифий ўзгаришлар, бифуркация орқали ҳосил бўлади.⁴⁶

Оламдаги барча нарса, ҳодисалар турғун, барқарор кўрингани билан, бу барқарорлик нисбий бўлиб, тараққиётнинг маълум бир босқичини намоён этади. Турғунлик ва мутаносиблик

⁴⁴ Концепция самоорганизации: становление нового образа мышления. – М., 1994. – С.36.

⁴⁵ Моисеев Н.Н. Современный рационализм и мировоззренческие парадигмы. – М., 1994. – С.152.

⁴⁶ Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. – М.: Прогресс, 1986. – С.432.

(симметрия) беқарорлик оқибатида шаклланади, янги структураларнинг юзага келиши беқарорлик натижасидир.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, синергетикада беқарорлик тушунчасига икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув тарафдорлари беқарорлик категориясини мутлақлаштириб, уни диалектикадаги сабабиятга қарама-қарши қўядилар.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари фикрича, беқарорлик сабабият категориясининг ўрнини босмайди, балки уни тўлдиради. Беқарорликни ўрганиш инсоннинг шу даврга қадар эътибордан четда қолган кўп масалаларини тушунишга ёрдамлашиб, фандаги кўпгина муаммолар ечимини топишга имкон беради.

И.Пригожин «**Беқарорлик фалсафаси**» асарида беқарорликни борлиқнинг муҳим атрибути сифатида баҳолайди ва ёзади: *«Шу кунга қадар беқарорлик тушунчасига етарли эътибор берилмаган. Аслида, беқарорлик ва барқарорлик ёнма-ён яшайди. Масалан, маятник ҳаракатига эътибор берсак, унинг бир меъёрда тебранишини кузатиш мумкин. Агар маятникни тўхтатсак, у дастлабки барқарор ҳолатга қайтади. Мабодо тўхтатиб қўйсак, у ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради. Бу беқарорлик ҳолатидир»*.⁴⁷

Беқарорлик ҳодисасини ўрганиш инсоннинг шу даврга қадар билмаган кўп томонларни тушунишга, жумладан, фан имкониятларининг чекланганини англашга имкон яратди. Чунки фан шу вақтгача кўпроқ барқарорлик ҳодисасига эътибор бериб келган. Бунинг сабаби шундаки, барқарорлик детерминлашган дунёни инсон томонидан тўлиқ назорат этиши ва бошқариши учун имкон беради. Шу билан бирга, барқарорлик табиатдаги кўпгина ҳодисалар моҳиятига бир томонлама ёндашиш эканини кузатиш қийин эмас. Бироқ шунини доимо ёдда тутиш зарурки, табиат ва жамиятда беқарорлик ва барқарорлик ёнма-ён яшайди.

Оламнинг синергетик манзарасини тавсифлашда **ночизиқлилик** категорияси муҳим аҳамият касб этади. Синергетика

⁴⁷ Пригожин И. Философия нестабильности / Перевод с англ. Я.И.Свирицкого. – М., 1995. – С.3.

юзага келгунга қадар чизиқсизлик номуҳим категория сифатида баҳоланиб, у кўп ўрганилмаган.

Диалектикада ҳам чизиқлилиқ, соддадан мураккабга бориш тамойили устуворлик қилади. Чизиқлилиқ тенденциясига эътиборнинг кучайиши маълум муддат ривожланишнинг туб моҳиятини белгиловчи ночизиқлилиқ тушунчасининг эътироф этилишига соя солиб турди. Бу хусусда Н.Н.Моисеев шундай ёзади: «Чизиқлилиқ ривожланишнинг муқобилсизлиги (альтернативаларнинг йўқлиги), фақат олдинга, қуйидан юқорига ривожланиш ва барқарорлик каби тушунчаларнинг мутлақлашишига сабаб бўлди».⁴⁸

Аспида, борлиқда аксарият тизимлар очик тизим ҳисобланади ва бунда барқарорлик, чизиқлилиқ, мувозанат эмас, балки беқарорлик, ночизиқлилиқ ва мувозанатсизлик асосий ўрин тутади. Чизиқсизлик учун кескин сифат ўзгаришлари, сакрашлар хос бўлади.

Диссипативлик («сочилиш», «ёйилиш», «тарқалиш» маъноларини англатувчи инглизча «*dissipate*» сўзидан келиб чиққан) очик беқарор тизимларнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирлашуви жараёнида намоён бўлувчи уларнинг ўзига хос динамик ҳолатидир, у жараёнлардаги макроскопик даражада ўзгаришлар оқибати ўлароқ юзага чиқувчи сифатий ўзига хослик саналади.

Диссипативлик туфайли очик тизимларда спонтан тарзда янги типдаги структуралар юзага келади, хаосдан тартибга, тартибсизликдан (дезорганизациядан) ташкилланишга (ўз-ўзини ташкиллашга, организацияга) ўтиш жараёнлари юз беради, материянинг янги динамик ҳолати пайдо бўлади.⁴⁹ Бунда диссипатив тизимлар янги структурани шакллантириш учун ортиқча «унсур»ларнинг «улоқтирилиши» ҳисобига оптимал тараққиёт йўлини танлайди.

Диссипативлик турли шаклларда намоён бўлади: айрим ташқи таъсирлардан воз кечишда; микрожараёнлар тўплами орасидан мос тараққиёт тенденциясини танлаб олишда;

⁴⁸ Моисеев Н.Н. Алгоритмы развития. – М., 1987. – С.126.

⁴⁹ Девис П. Случайная Вселенная. – М.: Мир, 1989. – С.165.

микрожараёнларнинг когерентлигида (мувофиқлашганида) каби.

Борлиқнинг тизимли модели унинг дискретлигини кўрсатади. Олам бир-бири билан узвий боғлиқ микро ва макротизимлар йиғиндиси бўлиб, у узлуксиз тараққиёт ва ўзгаришдадир. Г.Хакен бу ҳақда шундай ёзади: «Олам «ҳамма нарса ҳамма нарса билан ўзаро таъсирлашадиган, ҳамма нарса ҳамма нарса билан бирга намоён бўладиган» очиқ динамик тизим ва табиатнинг фундаментал қонунларини (потенциал энергиянинг минимумлиги қонуни, масса-энергия, энтропия-информациянинг сақланиш қонуни кабиларни) бошқарувчи ўз-ўзини ташкилловчи тизим сифатида намоён бўлади».⁵⁰

Р.Е.Реванскийнинг ёзишича, борлиқни ўз-ўзини ташкилловчи жараёнларнинг детерминлашган тизими сифатида, ҳолатларнинг босқичма-босқич алмашилиб туриши сифатида, яралиш (мураккабпашиш, тадрижий тараққиёт, барқарорлик) ва вайронкорлик (деградация, беқарорлик)ка асосланган ўзгаришлар оқимининг даврий равишда такрорланиб туриши сифатида тасаввур қилиш мумкин.⁵¹

Тизимнинг спонтан (бирданига) ташкилланиши тизимнинг ичидаги қайта қуриш жараёнлари ва система элементларининг синхрон (муайян замонда) тарзда кооператив таъсирлашуви ҳисобига амалга ошади.

Ушбу ғоянинг илк куртаклари классик фанда XVIII – XIX асрларда Кант-Лапласнинг космогоник гипотезасида, А.Смитнинг бозор иқтисодиёти назариясида («Кўринмас қўл» назарияси) учрайди. Бироқ ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси том маънода XX асрнинг 70-йилларида синергетика билан боғлиқ ҳолда И.Пригожин, Д.Николис, Г.Хакен томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур назария табиат оламига янгича тус берди, инсон ва жамият муносабатларини чизиқсиз қонунларга асосан ривожланувчи очиқ тизимлар сифатида баҳолашга кенг йўл берди, хаос, беқарорлик ва тасодифларнинг икки томонлама табиатини – ҳам конструктив, ҳам деструктив моҳият касб этишини

⁵⁰ Хакен Г. Синергетика. – М.: Мир, 1993. – С.201.

⁵¹ Реванский Р.Е. Развивающаяся Вселенная. – М., 1995. – С.54.

англашга имкон берди, тараққиётнинг фундаментал тамойили тартиб ва хаоснинг алмашинуви билан узвий боғлиқлигини тушунишга йўл очди.

Синергетиканинг илмий манзара сифатида шаклланиши натижасида бир қатор методологик, идеологик, гносеологик ва онтологик талқинлар ҳам юзага келди. Айниқса, синергетика табиат ва инсон, тил ва тафаккур, тил ва нутқ дихотомияларига янгича ёндашув ҳамда илмий талқинларга олиб келмоқда.

Синергетик парадигмада табиат ва инсон дихотомияси, шунингдек, тил ва нутқ дихотомияси, гуманитар ва табиий фанлар дихотомияси, улар орасидаги кескин «хитой девори»нинг олиб ташланишига эришилади, уларнинг коэволюцион тараққиёти, синтезига кўпроқ эътибор қаратилади.

Бунда оламнинг классик илмий манзарасидан фарқли ўлароқ, борлиқ тараққиётининг имманент хоссалари сифатида космос ҳам, хаос ҳам; зарурият ҳам, тасодиф ҳам уйғунликда олиб текширилади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, синергетикага уч хил аспектда ёндашиш мумкин:

- оламнинг илмий манзараси сифатида;
- методология сифатида;
- фан сифатида.

Синергетика ўз моҳиятига кўра умумметодологик аҳамиятга эга бўлган, замонавий фан муаммоларига янгича ёндашувни киритаётган илмий парадигма ҳисобланади. У диалектика каби оламнинг илмий манзараси сифатида билиш жараёнида аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун синергетика билан деярли барча фан вакиллари, хусусан, физиклар, кимёгарлар, математиклар, биологлар, тарихчилар, тилшунослар, ҳуқуқшунослар, психологлар, педагоглар, сиёсатчилар, социологлар қизиқмоқдалар. Синергетиканинг шаклланиши ва ривожланиши фан тадқиқот усулларидаги турли даражадаги ажралишларга барҳам бермоқда.⁵²

Синергетика аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар

⁵² Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М.: Ижевск, 2003. – С.320.

ўртасида ўзига хос «кўприк» вазифасини бажариш билан бирга илмий тафаккурнинг янгилиги жараёнини ҳам кўрсатиб бермоқда. Бунда ночизиқли тафаккур ҳамма жараёнларга хос универсалликни топишга имкон бермоқда. Синергетикада тизимни чизиқли тафаккур тарзи билан, оддий сабаб-оқибат асосида тушунтириб бўлмайди, бунда плюрализмга, «демократик» тафаккурга асосланувчи ночизиқли тафаккур муҳимдир.

2003 йили Москвада Р.Г.Баранцевнинг «*Замонавий табиатшуносликда синергетика*», Кишиневда шунга ўхшаш Л.А.Мосионжникнинг «*Гуманитар фанлар учун синергетика*» номли монографиялар нашр этилди. Ҳар икки китобда ўз номидан ҳам кўриниб турганидек, синергетика барча фанлар учун янги методология сифатида хизмат қилиши, у табиат ҳодисаларини ўрганишда ҳам, гуманитар фанларнинг объектларини тадқиқ этишда ҳам муҳим методологик аҳамият касб этиши таъкидланган.⁵³

Демак, ҳозирги кунда синергетика тамойилларининг фақат табиий фанлардагина эмас, балки ижтимоий фанларда ҳам кенг қўлланилаётгани унинг методология сифатида зътироф этилганидан гувоҳлик беради.

Синергетика бугун фан сифатида ҳам турли йўналишларда ривожланмоқда. Г.Хакеннинг режасига мувофиқ синергетика «*метафан*» (юнонча *metha* – «*кейин*», «*барча фанлардан кейинги*») вазифасини бажариши лозим эди. Яъни ундаги қонуниятлар универсаллик касб этиб, барча фанлар «ўзиники» ҳисоблаб улардан фойдаланади.

⁵³ Қаранг: Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. – М., 2003. – С.12; Мосионжник Л.А. Синергетика для гуманитариев. – Кишинев, 2003.

1.3. Синергетика ва диалектика муносабати

Синергетика юзага келганига 40 йилдан зиёдроқ вақт бўлганига қарамай, уни турлича талқин қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. XX асрнинг 70-йилларида собиқ Иттифоқда диалектик материализмнинг мутлоқлиги – «методологик монополизм» туфайли синергетика кенг эътироф этилмади.

Унинг моҳияти мафкурага бўйсундирилиб, бузиб талқин қилинди, «буржуазия фани» сифатида баҳоланди, бир сўз билан айтганда, унинг диалектик материализмга муқобил бўлишига йўл кўйилмади. Кўпгина файласуфлар синергетикани «диалектиканинг бошқача ном билан қайта туғилиши» деб баҳолаб, уни тан олмадилар.

Бу хусусда О.Файзуллаевнинг куйидаги мулоҳазаси аҳамиятга молик: *«Диалектика эскирди, унинг ўрнини синергетика эгаллаб олди дегувчилар орасида, афсуски, файласуфлар ҳам бор. Аслида, бу нотўғри фикр. Ахир уч минг йиллар давомида фалсафанинг ўзга ҳисобланадиган диалектика, аввало, табиатда, жамиятда ва билиш назариясидаги зиддиятлар, ўзгаришлар, ривожланиш ва таназзуллар, дунёқарашлар, сабабият ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, қонуният ва тасодиф каби масалалар билан шуғулланиб келмоқда. Бу фалсафий масалалар билан синергетика шуғулланмайди-ку! Диалектика билан нисбийлик назарияси, квант механикаси, генетика орасидаги муносабат қандай бўлса, синергетика орасидаги муносабат ҳам шундайдир. Яъни диалектика табиатнинг ўзида ва табиат фанларида, жамият фанларида, техника фанларида, жумладан, синергетика фанида баб-баравар номён бўлади».*⁵⁴

Профессор Қ.Назаров ҳам синергетиканинг диалектика билан муносабати ҳақида худди шундай фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, синергетикани XX аср табиий фанларининг фалсафа соҳасига киритган энг катта услубий ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо бу унинг диалектикани фалсафадан бутунлай суриб чиқарди

⁵⁴ Файзуллаев О. Физика ва фалсафа // Маърифат. 2005 йил 16 апрель.

дегани эмас. Зеро, фалсафада ҳар бир таълимот, услуб ва методнинг ўз ўрни ва фаолият доираси бор. Диалектиканинг фалсафадаги аҳамиятига келганда эса унинг ижтимоий билимлар соҳасидаги ўрни, кадр-қиммати ниҳоятда катта ва фалсафанинг асосий қисмларидан бири бўлиб қолаверади. Синергетика ҳам фанларнинг охириги ва мутлоқ услуби эмас, балки тараққиёт натижасида ўзгарадиган ва такомиллашадиган тафаккур мевасидир.⁵⁵

Олимларнинг бир гуруҳи синергетикани қалбан тан олсалар ҳам, ўзлари эътиқод қилиб келган таълимотдан воз кечишни хоҳламадилар. Бундан фарқли равишда, яна бир гуруҳ олимлар синергетикани диалектикага қарама-қарши бўлмаган, уни маълум маънода тўлдирувчи янги илмий парадигма сифатида баҳоладилар. Хусусан, Н.В.Поддубнийнинг фикрича, диалектика ва синергетика ягона методологиянинг бир-бири билан узвий боғлиқ икки шохобчаси, тармоғидир. Синергетика диалектикани конкретлаштирувчи ва уни маълум маънода тўлдирувчи илмий билиш марказидаги иккинчи тармоқдир.

Синергетика диалектика билан ўзаро алоқадор ҳамда умумий диалектик қонунлар ва аниқ илмий билимларни мувофиқлаштирувчилик вазифасини бажаради. Бу анъанавий диалектик категориялар ва синергетик тушунчаларни бирлаштиришни тақозо этади: «материя – система», «бутунлик – система», «қисм – элемент», «форма – структура», «мазмун – функция», «турфа хиллик – информация», «имконият – эҳтимоллик» каби. Диалектика ва синергетикани бирлаштирувчи субстанциал тушунча «энергия» тушунчаси саналади.

Ҳозирги кунда ҳам синергетикага турли хил ёндашувлар мавжуд. Айримлар синергетикани «ҳеч бир янгилиги бўлмаган соҳа», «сохта фан», «постмодернизмнинг ўйинчоғи» деб унинг аҳамиятини нотўғри баҳоламоқдалар. Аслида, синергетика диалектикани инкор этмайдиган «учинчи мингйиллик фани», «метафан», «янги методология»,

⁵⁵ Билиш фалсафаси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б.236.

«универсал парадигма», «постноклассик тафаккур» ҳисобланади.

Шу муносабат билан синергетиканинг турли хил талқин этилишига оид Д.Бозоровнинг қуйидаги фикри алоҳида аҳамиятга молик: «Синергетика мураккаб характерга эга. Чунки унда ноилмий билимларни тадқиқ этишга доир ёндашувлар ҳам мавжуд. Жумладан, фан тараққиёти натижасида юзага келган ҳаётий реалликнинг мезони, инсонни англаш даражаси, ақл орқали энергия ва информацияларни бошқариш, сунъий интеллектнинг янги имкониятларини талқин қилиш, кинотдаги ҳамфикр дўстлар билан алоқа ўрнатиш, ғайришуурий онг, ҳиссиёт имкониятларини тўғри баҳолаш ва шу каби бошқа масалаларни киритиш мумкин. Лекин бундан синергетикани илмийлик талабларига жавоб бермас экан деган фикр туғилмаслиги керак. Чунки унинг илмий асослари И.Р.Пригожин (Брюссель мактаби), Г.Хакен (Назарий физика ва синергетика институти), С.П.Курдюмов, Г.Г.Малинецкий (Келдиш номидаги Амалий математика институти), А.А.Самарский (Москва давлат университети), Л.И.Мандельштам (ночиқиқли тебранишларни тадқиқ қилишга ихтисослашган мактаб) ва бошқа шу каби олимларнинг илмий фаолияти орқали қўлга киритаётган илмий натижаларда ўз исботини топган. Булардан келиб чиққан ҳолда биз синергетикани сермахсул илмий концепция дейишимиз мумкин. Бироқ синергетиканинг эътиборли жиҳати унинг экспериментал фанлар билан яқинлиги ёки машҳур олим ва файласуфларнинг ижод маҳсули эканлиги билан эмас, балки одам ва олам муносабатларидаги глобал муаммоларга жавоб излаш имкониятининг мавжудлиги ҳам аҳамиятлидир».⁵⁶

Тўғри, юқорида таъкидланганидек, синергетика барча фанлар учун тадқиқот парадигмасига айланди. Лекин бу синергетика илмий ҳақиқатга олиб борувчи ягона ва мутлақ йўл, усул, универсал методология дегани эмас. Синергетикани бугунги замонавий фан учун оптимал методологиялардан бири сифатида баҳолаш жоиз. Профессор Н.Маҳмудов синергетикани тилшуносликда

⁵⁶ Бозоров Д. Синергетик парадигма. – Тошкент, 2009. – Б.25.

мутлақлаштириш, уни бошқа лингвистик тадқиқот методларидан юқори қўйишга интилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини ҳақли равишда эътироф этган.⁵⁷

XX аср охирларида фан тараққиёти шу даражага бориб етдики, классик ва ноклассик фанлар ўз тадқиқот объектларининг янги қонуниятларини, ҳодиса ва жараёнлардаги трансформация, динамика ва эволюцияни тушунтириб беролмай қолди. Шунда кўпгина олимлар мазкур вазиятни «фан инқироз чегарасига келиб қолди» дея баҳолай бошладилар. Мазкур мураккаб вазиятда синергетика ушбу инқирозларни бартараф эта оладиган флуктуация, бифуркация, диссипация, аттрактор, эмергентлик, динамик хаос каби янги парадигмаларни тавсия қилди.⁵⁸

Натижада синергетика парадигмаларига асосланган замонавий илмий тафаккур шакллани бошлади. У ўзигача бўлган классик ва ноклассик фан эришган ютуқларни, мавжуд илмий парадигмаларни, хусусан, диалектикани мутлақо инкор этмайдди, балки улар эришган натижаларга таяниб янги илмий назарияларга асос бўлади.

Классик фан, хусусан, диалектика тартибдан хаоснинг юзга келишини, масалан, юлдузларнинг портлаши, организмнинг ўлиши ва қариши жараёнларини, цивилизацияларнинг таназзули каби ҳолатларни илмий ва фалсафий жиҳатдан тушунтириб бера олади. Лекин бунга тескари бўлган мураккаб жараённи, яъни хаосдан тартибнинг спонтан тарзда ҳосил бўлишини синергетика фалсафаси талқин эта олади. Демак, кўришиб турибдики, диалектика ҳам, синергетика ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда, худди магнит кутблари сингари бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди.

Диалектика сўзи юнонча «суҳбат», «мунозара қилиш» деган маъноларини англатиб, қадимда суҳбатлар, мунозаралар, баҳслашиш, ҳақиқатни очиш йўли ва усули тарзида талқин қи-

⁵⁷ Қаранг: Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. №5. – Б.3 – 16.

⁵⁸ Князева Е.Н. Законы эволюции и самоорганизации сложных систем. – М.: Наука, 1994. – С.65.

лингван. Диалектика ҳақидаги фалсафий билимлар ривожланиб бориши билан унинг мазмуни ҳам бойиб борди. Диалектика борлиқдаги барча нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар ўзаро алоқада, боғланишда, ўзгаришда ва ривожланишда деб талқин қилувчи таълимот сифатида эътироф этилди.

Диалектиканинг 3 тарихий шакли мавжуд: а) стихияли диалектика – антик даврдаги Суқрот, Зенон, Гераклитнинг фалсафий мулоҳазалари; б) Гегель диалектикаси; с) марксизм диалектикаси – диалектик материализм.

Диалектика атамасини Суқрот биринчи бор қўллаган. Суқротнинг фалсафий диалоглари диалектиканинг илк кўринишларидандир, у китоб ёзмади, лекин фалсафий суҳбатлар ва баҳслар асосида диалектикани ривожлантирди. Арситотел Зенонни айрим диалектик масалаларни ўртага ташлагани учун (бунда олим унинг апорияларини назарда тутган: ҳаракат тушунчаси зидлиги ва борлиқнинг алоҳида шакллари зидлиги) «диалектиканинг кашфиётчиси, яратувчиси» деб атаган. Қадимги Юнонистонда Гераклит диалектикани нисбатан жиддий асослаган файласуф саналади: «*Бир дарёга икки марта шўнғиб бўлмайди*», «*ҳеч нарса доимо бир хил турмайди, асрлар давомида барча нарсалар ўзгаради*», «*барча нарсалар зидлик ва мувофиқлик асосида ҳосил бўлади*».⁵⁹ Унинг мазкур мулоҳазаларида диалектиканинг дастлабки илдишларини кўриш мумкин.

Гегель диалектикани ўзининг «*Руҳ феноменологияси*» асарида тараққиётнинг умумий назарияси сифатида асослаб берган. К.Маркс ва Ф.Энгельс Гегель диалектикасига сунъий тарзда ғоявий материалистик руҳ берди ва ундан мафкуравий қурол сифатида фойдаланди. Н.А.Бердяевнинг ёзишича, *диалектика ва материализм худди сув ва ёғ каби бир-бирига мувофиқ келмайди*. Яна бир рус файласуфи С.Н.Булгаков ҳам шунга мос фикрни таъкидлайди: «*К.Маркс томонидан яратилган ғоявий тузилманинг диалектикага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Термометр шкаласидаги градус ге-*

⁵⁹ Фрагменты ранних греческих философов. Ч.1. – М., 1989. – С.203 – 212.

ографик картадаги градус билан ўхшаш деб чалкаш ҳисоблангани каби, Маркс ҳам ўзи яратган гоёни сунъий тарзда диалектика деб номлаган ва ҳақиқий диалектика билан аралаштириб юборган». Диалектик материализм, аслида, «диалектиканинг марксча-ленинча концепцияси» деб аталиши лозим эди. 1937 йили Янги Зеландияда бўлган фалсафий семинарда К.Поппер бу хусусда «What is Dialectics?» («Диалектика нима?») номли маъруза қилди. Унда олим К.Маркс асослаган диалектика фалсафий тафаккур ривожига эмас, балки сиёсий ва мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилганини таъкидлаган.⁶⁰

1960 йили Ж.П.Сартр «Метод муаммолари» номли рисо-ласида марксизмни қаттиқ танқид остига олди. Унинг фикрича, марксизм билим чегарасида намоён бўлган паразитча системадир. Бизнингча, бунда олим марксизмни диалектика қобиғига ўралган ҳолда маълум вақт фан оламида (биологиядаги паразитга хос тарзда текинхўрларча кун кечириш ҳолатига ўхшати-лган) яшаб турганига ишора қилган.

Ж.П.Сартр марксизмга танқидий баҳо берган ҳолда қатъий тарзда шундай фикрни илгари сурган: «Метод – бу ижтимоий ва сиёсий қуролдир».⁶¹ Бунда марксизм сингари сохта таълимотларнинг фан учун эмас, балки ғоявий ва сиёсий мақсадлар учун хизмат қилганига ҳавола мавжуд. Лекин бу фикр фан оламидаги айрим методларгагина тегишлидир.

Диалектика ўз қонун ва категорияларининг абстракт умумлаштирилган яхлит назарий системаси сифатида моддий ҳамда маънавий дунёнинг энг умумий универсал системали ривожланиш жараёнининг инсон тафаккуридаги яхлит инъикосидир. Диалектикада қонунлар икки гуруҳга ажратилади:

– тараққиёт механизмини, тараққиёт структурасини акс эттирувчи қонунлар: қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши (бу қонун тараққиёт жараёнининг манбасини тушунтиради); миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши (та-

⁶⁰ Поппер К. Что такое диалектика? // Вопросы философии. – М., 1995. №1. – С.118 – 138.

⁶¹ Сартр Ж.-П. Проблемы метода. – М., 1994. – С.5.

раққиёт жараёнининг механизмини очиб беради); инкорни инкор қонуни (тараққиёт йўналишини кўрсатади);

– тараққиёт структураси қисмини тушунтирувчи қонунлар: имконият ва воқелик; зарурият ва тасодиқ, шакл ва мазмун. Мазкур диалектик қонуниятлар синергетикада ҳам ўзига хос тарзда кузатилади: система ва структура, тартиб ва хаос, барқарорлик ва беқарорлик, симметрия ва асимметрия, мувозанат ва мувозанатсизлик каби.

Диалектик категорияларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бутун ва қисм, система, структура ва элемент, сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, умумийлик ва хусусийлик кабилар.

Диалектиканинг асосий тамойиллари эса қуйидагилар: абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги.

Синергетика ва диалектиканинг умумий ва муштарак томонлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Синергетика ҳам, диалектика ҳам тараққиётнинг универсал қонуниятини тушунтиришга йўналтирилган илмий парадигмалар ҳисобланади.

2. Диалектика ҳам, синергетика ҳам борлиқни тизим сифатида ўрганади. Лекин шу ўринда таъкидлаш зарурки, системанинг яхлитлигича талқини диалектикага хос. Тизим ичидаги тизимчаларнинг динамикаси тадқиқи эса синергетика учун хосдир.

3. Диалектика ҳам, синергетика ҳам оламни ўзига хос тараққиёт назарияси орқали ўрганади. Уларнинг ҳар иккиси статикага эмас, динамикага эътибор қаратади.

4. Диалектикадаги Гегель яратган машҳур триада – «тезис – антитезис – синтез» синергетик парадигма учун ҳам мувофиқ келади. «Хаос»нинг юзага келиши бу «тартиб»нинг антитезисидир. Сўнг системанинг янги динамик «тартиб»га ўтиши синтез сифатида баҳоланиши мумкин. Яъни синергетик триадани «тартиб – хаос – янги тартиб» тарзида белгилаш мумкин.

Қуйидаги жадвалда синергетика ва диалектика муносабати акс этган:

Тараққиёт (динамик жараён)	Диалектика	Синергетика
Сабаблар	Қарама-қаршиликлар кураши ва бирлиги; зиддият; инкорни инкор; миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига олиб келиши	Тартибсизлик; беқарорлик; бўҳронлар (кризислар); эволюция ва козволюция
Шакллар	Тадрижийликнинг узилиши; «сақрашлар»; «спиралсимон тараққиёт»; қуйдан юқорига, соддадан мураккабга қараб бориш	Флуктуацияларнинг тўпланиши, бифуркация; фазали ўтишлар; янги ҳолат тизимларининг беихтиёр (ўз-ўзидан) юз берувчи ўзгаришлари; ночизиқлилиқ, шиддатпи (тоғ кўчкиси каби ёпирилиб келувчи) жараёнлар; ўз-ўзини ташкип этиш
Хусусият	Детерминлашганлик; тасодиф-заруриятнинг намоён бўлиш шакли	Эҳтимолий тасодиф, детерминлашганлик
Омиллар	Объективлик; субъективлик; қонуниятлар; тенденциялар	Кичик таъсирлар; тасодифлар; аттракторлар; тартиб параметрлари; жараёнларнинг микродаражадан мезодаража орқали макродаражага таъсирлари
Натижалар	Зарурият; қайтарилувчи ҳаракат; ўзгариш	Янги номувозийлик; такрорланмаслик; мураккаблашиш
Билиш усуллари ва натижаларни текшириш	Мавҳумликдан (умумийликдан) аниқликка (хусусийликка) ёки аниқликдан мавҳумликка қараб бориш; амалиёт – ҳақиқат мезони	Рационализм; редуқционизм; козволюционизм; олдиндан билишнинг мумкин эмаслиги

Синергетика ва диалектиканинг фарқли томонлари қуйида-
гилар:

1. Диалектика, асосан, оламни барқарорлик категорияси орқали тавсифлайди, унда сакраш (бир сифатдан бошқа сифатга ўтиш жараёни) категорияси иккинчи даражали ҳисобланади. Синергетика эса оламни беқарорлик категорияси асосида ўрганади, бунда сакраш, ўз-ўзини ташкил этиш жараёни борлиқнинг муҳим атрибути сифатида таърифланади.

2. Диалектика тараққиёт жараёнини икки муҳим қарама-қаршилик (дихотомик зидланишлар – яхши-ёмон, иссиқ-совуқ каби) асосида тушунтиради. Синергетика эса тараққиёт имкониятларини кўпмуқобиллилик, ривожланиш жараёнида кўпвариантлик, қарама-қаршиликларнинг хилма-хиллиги асосида ночизикли тарзда тушунтиради, яъни синергетика тараққиёт жараёнида вариантлар сонини чекламайди.

3. Диалектикада зарурият категорияси тараққиётнинг туб моҳияти сифатида талқин этилиб, тасодиф категорияси тараққиёт тенденциясидан чекиниш, четлашиш сифатида моҳиятга алоқадор бўлмаган иккиламчи белги сифатида баҳоланган. Синергетика эса, бундан фарқли равишда, борлиқнинг кўп соҳаларида, аслида, тасодиф (эмержент ўзгаришлар ва флуктуациялар) муҳим аҳамиятга эга тараққиётнинг янги имкониятлари яширинган борлиқнинг муҳим атрибути сифатида талқин қилинади.

4. Диалектикада тараққиёт механизми миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ҳамда инкорни инкор қонунларида акс этади. Синергетикада эса тараққиёт механизми миқдордан сифатга ўтиш тизимининг нисбатан барқарор ҳолатга – бифуркация нуқтасига етиб бориши жараёнини тавсифловчи фазали ўтиш қонунида ифодаланади.

Бифуркация нуқтасида тизим барқарорликнинг янги сифат босқичига ўтади, бунда тасодиф ва зарурият тўқнаш келади. Синергетика ривожланишнинг мана шу моментдаги танглик ҳолатига асосий эътиборни қаратгани билан диалектикадан фарқланади.

Диалектика янги сифат босқичига ўтишни умумий тарзда таҳлил этган бўлса, синергетика айни янги сифат босқичига ўтиш momenti – бифуркация нуқтасини махсус ўрганади. Шу-

нингдек, диалектика кўпроқ бу жараёнда заруратнинг ролини кўрсатса, синергетика тасодифнинг аҳамиятини талқин этади ва тасодифнинг қонуниятга айланишини кўрсатади.

5. Гегель диалектикаси ҳам, диалектик материализм ҳам, асосан, ёпиқ системаларни текширади, бу, айниқса, жамият тараққиётини формацияларнинг алмашинуви тарзида талқин этилишида сезилади. Синергетика эса очик системаларни текширади, бунда у ядро ва периферия асосида модда, энергия ва информация алмашинувига асосий эътиборни қаратади.

6. Синергетика, диалектикадан фарқли равишда, бир бутун тизим қисмларининг ҳолатини тўла ифода этмай қолган тақдирда, қисмнинг бутун деб аталган жараёнда ажралиб чиқиши ва унинг мустақил тизим ҳосил қилишини ҳам кўрсатиб берди. Бунда у диссипатив структуралар назариясига асосланади.

7. Синергетика ва диалектика бир-биридан тамойиллари-га кўра ҳам фарқланади. Диалектиканинг асосий тамойиллари: дунёнинг объективлиги ва моддийлиги, инъикос тамойили, оламнинг моддий яхлитлиги, чизиқли прогрессив тараққиёт, детерминизм, диалектиканинг 3 қонуни. Синергетиканинг тамойиллари: моддий ва руҳий (маънавий) оламнинг яхлитлиги (синергизм), плюрализм, ночизиқлилиқ, спонтанлик, мувозанатсизлик, беқарорлик, детерминизм ва тасодифиятнинг бирлиги, узлуксиз ўзгариш, қайтарилмаслик.

С.П.Капица, С.П.Курдюмов ва Г.Г.Малинецкийнинг ёзишича, синергетика компьютер асрининг ўзига хос натурфалсафаси сифатида майдонга чиқмоқда ва у диалектиканинг ўрнини бошиши шарт эмас.⁶²

Бундан фарқли ўлароқ, В.С.Лутай синергетика ва диалектиканинг умумий ва муштарак жиҳатларини мувофиқлаштирган ҳолда «синергетик диалектика» методологиясини ишлаб чиқиш замонавий фалсафанинг долзарб муаммоси эканлигини таъкидлайди.⁶³ Е.Н.Князева синергетик фикрлаш бу диалектик

⁶² Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. – М., 1997. – С.13, 60.

⁶³ Лутай В.С. Основной вопрос современной философии. Синергетический подход. – Киев: Паралан, 2004.

фикрлаш демақдир дея таъкидлайди, бу билан синергетика ва диалектиканинг узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, синергетика диалектикани инкор этмайди, балки муайян ўринларда унга ҳамкорлик қилади ҳамда илмий ҳақиқатнинг кенг уфқларига йўл беради. Демак, синергетикани диалектикага бутунлай қарши қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки илм-фан тараққиётида диалектика ҳам, синергетика ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

II. ЛИНГВОСИНЕРГЕТИКА

2.1. Лингвосинергетиканинг назарий асослари

Маълумки, XX аср охирларида илм-фандаги кескин инқилобий ўзгаришлар тил ҳодисасига бўлган ёндашувлар ва талқинларнинг ҳам янгиланишига олиб келди. Бу жараёнда, айниқса, синергетика фалсафасининг тилшуносликка таъсири алоҳида ўрин тутди. Б.Гёрцелнинг ёзишича, *синергетика барча фанлар учун ўзига хос тадқиқот парадигмаси сифатида методологик аҳамият касб эта бошлади*.⁶⁴ Бугунги кунда синергетика ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида, хусусан, тилшунослик фанига ҳам илмий парадигма сифатида кириб келмоқда. Синергетика 30 йилдан бери турпи фан соҳаларида мураккаб тизимларда ўз-ўзини ташкилантириш жараёнларини ўрганишда асосий методология вазифасини ўтамоқда.

Тил ҳам мураккаб, динамик ва ўз-ўзини ташкил этувчи тизим ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда синергетика назарияси тил ва коммуникация соҳасига ҳам татбиқ этилмоқда.⁶⁵ Бунда синергетика методологияси асосида тилнинг тизимли табиати, системавийлик тушунчаси, тил тараққиёти ва эволюцияси қайта идрок қилиниб, янгича мазмун-мундарижа касб этмоқда.

Систем методология, асосан, тизимни статик аспектда тадқиқ этди, нутқий фаолиятнинг «тил» сатҳини кўпроқ ўрганишга, энг кичик бирликларнинг чегараланган миқдорини қидиришга⁶⁶ зътибор қаратди, «тил лингвистикаси» ривожланди. Тилни динамик аспектда тадқиқ этиш, яъни «нутқ лингвистикаси» бир оз назардан четда қолди.

Тил тизимининг динамик аспектдаги тадқиқи, нутқдаги асистем ҳолатлар, спонтан ўзгаришларни илмий асосда ўрганиш

⁶⁴ Қаранг: Goertzel B. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994. – P.6.

⁶⁵ Гузал С.К. Синергетика и лингвосинергетика // Вестник Томского государственного университета. 2007. №302. – С.7.

⁶⁶ Қаранг: Герман И.А., Пищальникова В.А. Введение в лингвосинергетику. – Барнаул, 1999.

учун синергетика ўзига хос методология вазифасини бажара олади. Шунинг учун бугунгача лингвосинергетика юзасидан амалга оширилган аксарият тадқиқотлар нутқ фаолияти ва дискурс билан боғлиқдир.

В.Н.Базылев XXI асрда тилшуносликнинг онтологик муаммоларини ҳал этишда синергетика муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ёзади: *«Европа илмий тафаккури тил тизимини тушунишда янги сифат босқичига ўтди. Механик сабаб-оқибат қонуниятига йўналтирилган ёндашувдан мувозанат ва мувозанатсизлик, системлик ва асистемлик асосида тилни гомеостатик организм сифатида талқин этишга ўтилди»*.⁶⁷

Тилнинг синергетик таҳлили тилшунослик фанини янги билимлар билан бойитади, шунингдек, тил ҳодисалари ва жараёнларини ўрганишда янги ёндашув ва талқинларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Синергетиканинг тилшунослик фани билан ижобий ҳамкорлиги натижасида психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика соҳалари каби лингвосинергетика номли янги илмий йўналиш шаклланмоқда.

Бу йўналишнинг юзага келишида нафақат синергетиканинг, балки тизимлар назарияси – системологиянинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бунда В.фон Гумбольдт, Бодуэн де Куртенэ, Ф.де Соссюр, А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, Ю.Д.Апресян, Н.Д.Арутюнова, В.А.Звегинцев, Б.А.Серебренников, Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева, Р.Расулов, О.Бозоров, А.Собиров, М.Қурбонова, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Б.Менглиев каби олимларнинг тил тадқиқидаги системали ёндашувлари лингвосинергетика учун ўзига хос импульс бўлганини таъкидлаш лозим.

Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, лингвосинерге-

⁶⁷ Базылев В.Н. Онтологические проблемы языкознания XX века: актуальные гипотезы о динамическом представлении синхронной системы // Лингвистика на исходе XX века: итоги и перспективы: тез. междунар. конф. Т.1. – М., 1995. – С.38.

тика «систем тилшунослик»нинг алоҳида янги тармоғидир. Ўзбек тилшунослигида тилни систем тадқиқ этишга бағишланган қатор фундаментал асарларда гарчи «лингвосинергетика» номи учрмаса-да, уларда лингвосинергетик таҳлилнинг излари кўринади. Бу эса ўзбек тилшунослиги учун лингвосинергетиканинг ёт эмаслигини кўрсатади.

Гарчи бу соҳага бағишланган бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса ҳам, лингвосинергетика фанда қатъий ўрин эгаллагани йўқ. Яъни том маънода синергетик тилшунослик ҳақида гапиришга ҳали бир оз эрта.

Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд. Биринчидан, лингвосинергетика ҳали тилшунослик учун энди кириб келаётган янги соҳа ҳисобланади. Иккинчидан, лингвосинергетиканинг тушунчавий аппарати, категориялари ва терминологик тизими ҳали қатъий шакллангани йўқ. Ундаги аксарият тушунчалар синергетика тўфони орқали тилшуносликка кириб келган, айрим тушунчалар тўлиқ ўзининг илмий талқинини топмаган. Учинчидан, тил ҳодисаларини тавсифлаш учун қўлланилаётган бир қатор категориялар (энергия, синергия, аттрактор, бифуркация, эмергентлик, фрактал кабилар) тилшуносликка табиий фанлардан, умумий система назарияси ва синергетикадан кириб келган бўлиб, лингвосинергетик терминология сифатида тилшунослар томонидан ҳали кенг эътироф этилгани йўқ.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, лингвосинергетика ҳозир мустақил тилшунослик соҳаси сифатида шаклланиш босқичида турибди.

Шу кунга қадар лингвосинергетикага оид бир қанча тадқиқотлар яратилган. Уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

I. Лингвосинергетиканинг концептуал асосларига бағишланган тадқиқотлар. Улар бевосита лингвосинергетикага бағишланмаган бўлса ҳам, ушбу йўналишнинг юзага келиши учун гоёвий-назарий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилган. Бу гуруҳга кирувчи асарлар қуйидагилардир:

1. Тилнинг динамик моҳияти ва *«яратувчилик кучи»* –

«*epegeia*» ҳақида В. фон Гумбольдт ғояси ва бу ғояни ифода-ловчи асарлар.⁶⁸

2. «Русларнинг Леонардо да Винчиси» номи билан машҳур бўлган П.А.Флоренскийнинг «*Тил антиномияси*» (1918), «*Термин*» (1917 – 1922), «*Сўз магииклиги*» (1920), «*Тил тузлиши*» (1922) каби асарлари.

Ушбу асарларда тилнинг фалсафий муаммолари чуқур таҳлил этилган. П.А.Флоренскийнинг лингвистик қарашларини тилнинг синергетик талқини хусусидаги дастлабки рационал мулоҳазалар сифатида баҳолаш мумкин.

Синергетиклик деганда олим сўзнинг мантиқий изчил тартибда семемаларнинг қатлам-қатлам бўлиши ва концентрацияга йўналганини назарда тутган.

У шундай ёзади: «*Сўзнинг таъсир кучи, бир томондан, унинг семемаларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, сўз тузлишининг спираллиги билан алоқадор. Сўз урода, диққат, умуман, барча руҳий ҳаётнинг конденсаторидир*».

П.А.Флоренский сўзни синергетик аспектга кўра «бутун инсон ҳаётининг фаолиятининг энг юксак шакли, унинг барча ҳаракатлари ва реакцияларининг синтези» сифатида таърифлаган.

Унинг фикрича, энергия сўзнинг шакли ёки мазмуни эмас, балки оламни билиш ақтидир. Икки энергия, яъни борлиқ ва уни идрок этувчи инсон бир-бирига яқин тушунчалар бўлса ҳам, улар яхлит бирликни юзага келтира олмайди.

Бунда бизнинг организмимизда стихияли тарзда кураш кетади. Энергияларни мувозанатга келтирувчи кучга эҳтиёж сезилади. Мувозанатни таъминловчи қудратли восита сўздир. Сўз энергияларни бирлаштиради, мувофиқлаштиради ҳамда ҳар икки энергияни ўзида мужассамлаган ҳолда улкан энергетик ҳодисага – дунёда янги реалликка айланади.⁶⁹ Демак, синергетика назариясининг ибтидоси маълум маънода П.А.Флоренскийнинг «синергия» ҳақидаги концепциясига бориб тақалади.

3. Тилнинг антропоцентриқ табиати ҳақидаги Г.Гийом, Е.Ку-

⁶⁸ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984; Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М., 1985.

⁶⁹ Флоренский П. А. Имена. – М., 1998. – С.255 – 284.

рилович, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Д.Худойберганава кабиларнинг тадқиқотлари. Бунда мазкур олимларнинг барчаси замонавий тилшуносликнинг таянч парадигмаларидан бири сифатида антропоцентризмни эътироф этганлар.⁷⁰

4. Лингвистик белгининг мувозанатсизлиги, асимметриклиги юзасидан С.О.Карцевский, Р.Будагов, Д.Арутюнова, Н.Маҳмудовнинг асарлари.⁷¹

5. Муайян тарихий шароитда тилларда намоён бўладиган, тилнинг ички тараққиёти ва ўз-ўзини ташкиллаштирувчилик хусусияти, тилнинг онтологик моҳияти билан узвий алоқадор ўзгаришлар ва мана шу тараққиёт тенденциясини ифодаловчи «*дрейф*» назариясини олға сурган Э.Сепир асарлари.⁷² Бошқачароқ айтганда, Э.Сепир назарда тутган «*дрейф*» «тилдаги синергетик ҳаракат» тушунчасига мувофиқ келади.

II. Лингвосинергетикага бағишланган асарлар. Мазкур тадқиқотлар бевосита лингвосинергетикага оид бўлиб, улар, асосан, мазкур йўналишнинг умумий муаммолари тадқиқини қамраб олган. Улар сирасига қуйидагилар киради:

1. Р.Келер, Г.Альтман каби олимларнинг синергетик лингвистика бўйича махсус тадқиқотлари.⁷³ Олимлар турли хил давр-

⁷⁰ Гийом П. Принципы теоретической лингвистики. – М., 1992; Курилович Е. Очерки по лингвистике: Сборник статей. – М.: ИЛ, 1962; Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №6. – Б.50 – 54; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. №5. – Б.3 – 16; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008, Худойберганава Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.

⁷¹ Карцевский С. О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. – М., 1965. 3-е изд. Ч.2. – С.85 – 93; Будагов Р.А. Человек и его язык. 2-изд. – М., 1976; Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М., 1976; Маҳмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автороф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1984.

⁷² Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс-Универс, 1993. – С.11 – 12.

⁷³ Kohler R. Zur linguistischen Synergetik. Struktur und Dynamik der Lexik. – Bochum: Brockmeyer, 1986.

ларда тил системаси эволюциясидаги жараёнлар ва ўзгаришларни математик асосда тадқиқ этдилар.

Р.Келернинг фикрича, тил системасидаги ўз-ўзини ташкиллантириш ва ўз-ўзини бошқариш механизмлари, айниқса, флуктуация ва танлов атроф-муҳит билан оптимал мослашиш ва барқарор ҳолатни таъминлайди. Бу жараёнда фақат тил муҳитининг барча талабларига мос келувчи структураларгина сақланиб қолади, бошқалар эса турли омиллар гирдобига тортилиб кетади.⁷⁴

2. Р.Г.Пиотровский германиялик олимлар изидан борган ҳолда тил системасининг ўз-ўзини ташкил этиши, тилдаги беқарорлик ва ўзгарувчанликнинг математик моделларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланди. Бунда олим квантитатив ва синергетик лингвистикани параллел равишда тадқиқ этиш лозимлигини таъкидлаган.⁷⁵⁷⁴

3. И.А.Герман, В.А.Пищальникова, В.Н.Базылев каби олимларнинг лингвосинергетиканинг фундаментал асосларига оид асарлари.⁷⁶

4. В.И.Аршинов, Я.И.Свирскийнинг тилдаги синергетик ҳаракат хусусидаги махсус асари.⁷⁷

5. Б.Гёрцелнинг тил системасида синергетик парадигманинг мавжудлигини тил ва мантиқ алоқадорлигида илмий асослаб берган тадқиқоти.⁷⁸

⁷⁴ Kohler R. Synergetic Linguistics // The Encyclopedia of Language and Linguistics / Ascher R.E. (Ed.). – Oxford: Pergamon Press, 1994. Vol.8. – P.4454 – 4455.

⁷⁵ Kohler R. Synergetic Linguistics / Kohler, Gabriel Altmann & Rajmund G. Piotrowski. Quantitative Linguistics. An International Handbook. – New-York: Walter de Gruyter, 2005. – P.760 – 775; Пиотровский Р.Г. Лингвистическая синергетика: исходные положения, первые результаты, перспективы. – СПб., 2006. – С. 160.

⁷⁶ Герман И.А., Пищальникова В.А. Введение в лингвосинергетику. – Барнаул, 1999; Базылев В.Н. Новая метафора языка (семиотико-синергетический аспект). – М., 1999; Герман И.А. Лингвосинергетика. – Барнаул: Алтайская академия экономики и права, 2000.

⁷⁷ Аршинов В.И., Свирский Я.И. Синергетическое движение в языке // Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. – М., 1994.

⁷⁸ Goertzel V. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994.

III. Лингвосинергетиканинг хусусий масалаларига бағишланган тадқиқотлар. Ушбу йўналишдаги изланишларга В.Н.Базылев, И.А.Герман, Г.Г.Москальчук, Н.Л.Мышкина, В.А.Пищальникова, К.И.Белоусов каби олимларнинг матн динамикасига доир махсус тадқиқотларини киритиш мумкин.

Хусусан, И.А.Герман «*Нутқий фаолият ўз-ўзини ташкил этувчи жараён сифатида*» номли тадқиқотида нутқ жараёнида лингвосинергетик парадигманинг амал қилиши ҳақида махсус тўхталган. Бунда олим нутқ жараёнидаги спонтан (тасодифий) ўзгаришларни, нутқнинг асистем табиатини аниқ ми-соллар таҳлили ёрдамида синергетик нуқтаи назардан талқин қилган.⁷⁹

Г.Г.Москальчук ўзининг «*Структур ташкилланиш ва матннинг ўз-ўзини ташкиллаши*», «*Матн тузилиши синергетик жараён сифатида*» номли монографияларида матн, уни ташкил этувчи унсурлар, матн ва дискурс муносабати, матн таркибини синергетик парадигма тамойиллари асосида ўрганган.⁸⁰

Н.Л.Мышкина «*Матн лингводиномикаси: контрадикт-синергетик ёндашув*» асарида синергетик парадигмани матнга татбиқ этган, бунда матн ўз-ўзини ташкил қилувчи ва ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим сифатида баҳолаган.⁸¹

Н.И.Бялоуснинг «*Бадий матн структурасида фракталлик тамойиллари*» номли асарида матн структурасидаги ўз-ўзини ташкиллантириш жараёни, симметрия ва аттракция чуқур таҳлил этилган.⁸²

К.И.Белоусов «*Синергетика текста: От структуры к*

⁷⁹ Герман И.А. Речевая деятельность как самоорганизующаяся система (к становлению лингвосинергетической парадигмы). – Барнаул, 1999.

⁸⁰ Москальчук Г.Г. Структурная организация и самоорганизация текста. – Барнаул, 1998; Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс. – Барнаул, 1999.

⁸¹ Мышкина Н.Л. Лингводиномика текста: контрадиктно-синергетический подход. – М., 1999.

⁸² Бялоус Н.И. Принципы фрактальности в структуре художественного текста // Лингвистические парадигмы и лингводидактика. – Иркутск, 1997.

форме» номли монографиясида «матн»ни тадқиқ этишда синергетика тамойилларини муваффақиятли қўллади.⁸³

Е.В.Пономаренко дискурс муаммоларини тадқиқ этишда синергетика тамойилларини муваффақиятли татбиқ этди. У инглиз тили материалида бизнес-мулоқотини синергетик парадигма асосида монографик асосда ўрганди.⁸⁴

Е.Ю.Муратова «Лингвосинергетика поэтического текста» номли монографияси орқали синергетик тамойиллар аниқ намоён бўладиган тилнинг ночизиқли мавжудлик шакли поэтик матнларни чуқур тадқиқ этди. Олима бунда Б.Ахмадулина, А.Вознесенский, Е.Евтушенко, Н.Заболоцкий, М.Цветаева каби ижодкорларнинг поэтик макроматнларини синергетик нуқтаи назардан таҳлил қилган. Бунда, асосан, поэтик тил системасида янги маъно ва мазмунларнинг юзага чиқиш механизмларини аниқлаган.⁸⁵

Е.В.Бондаренко «Диахронияда лисоний система эволюцияси (лингвосинергетик ва прогностик аспект)» (2007) номли докторлик диссертациясида лисоний тизим эволюциясининг кўпмуқобиллигини, кўпвариантлилигини рус ва инглиз тиллари мисолида диахроник аспектда тадқиқ этди.

Олим бунда синергетиканинг «бифуркация» категориясидан ўринли фойдаланган ҳолда шундай хулосага келади: «Диахрониядаги лисоний система синергетик ёндашув учун энг яхши эмпирик манбадир».⁸⁶

Дарҳақиқат, синхрония (тилнинг статик аспекти) синергетик ёндашув учун қимматли манба бўлмайди, чунки унда биз тилнинг ўз-ўзини ташкил этиш механизмларини, бифур-

⁸³ Белоусов К.И. Синергетика текста. От структуры к форме. – М.: ЛИБРОКОМ, 2008. – 248 с.

⁸⁴ Пономаренко Е.В. Лингвосинергетика бизнес-общения с позиций компетентностного подхода (на материале английского языка). – М.: МГИМО, 2010. – 151 с.

⁸⁵ Муратова Е.Ю. Лингвосинергетика поэтического текста. – М.: НИЦ-ИН-ФРА-М, 2013. – 220 с.

⁸⁶ Бондаренко Е.В. Эволюция языковой системы в диахронии (лингвосинергетический и прогностический аспект): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Белгород, 2007. – С.11 – 12.

кация, полифуркация, эмергентлик каби ҳолатларни сезмаймиз.

Бу ҳолатлар тилда фақат уни диахроник (динамик) аспектда ўрганилганда яққол кўринади. Ф.де Соссюр назарда тутган тилнинг тизимли табиати фақат синхрония нуқтаи назаридан асослидир. Диахрония нуқтаи назаридан эса тил ҳам систем, ҳам асистем табиатга эга.

Лингвосинергетика ёки синергетик лингвистика номи билан аталаётган тилшуносликнинг янги йўналиши турли ички тармоқлар асосида шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- дискурсив лингвосинергетика;
- диахрон лингвосинергетика;
- синхрон лингвосинергетика;
- когнитив лингвосинергетика;
- синергетик этнолингвистика;
- синергетик лингвопрогностика;
- поэтик матннинг лингвосинергетик тадқиқи.

Кўринадики, тил тузилишини синергетик тадқиқ этишга бағишланган қатор асарлар майдонга келди ва бу асарлар орқали лингвосинергетика тилшунослик йўналиши сифатида шаклланди. Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий қарашлари лингвосинергетиканинг назарий асослари ҳисобланади.

Демак, тилшунослик назарияси, психоллингвистика, когнитив лингвистика, матн ва дискурс лингвистикаси, диахрон лингвистика, лингвосемиотика соҳалари синергетик парадигма асосида тадқиқ этилмоқда. Бу эса синергетиканинг тилшуносликка фаол кириб келаётганини кўрсатувчи далиллардан биридир. Ушбу ва келажакда амалга ошириладиган тадқиқотлар натижа-сида аста-секинлик билан лингвосинергетика соҳаси ҳам фанда ўзинининг қатъий мақомини эгаллаши шубҳасиз.

2.2. Тилшунослик ва синергетика муносабати

Тил ҳам динамик диссипатив тизим саналади, у жамият билан параллел тарзда тараққий этади, даврий равишда айрим янги ўзгаришларга эга бўлади. Тил жамият тараққиётининг барометри сифатида замон, макон омилларига боғлиқ ҳолда ўз динамик мувозанатини сақлайди.

Тилнинг очиқ тизим сифатида ривожланиши унинг мавжудлик ва яшаш шаклини, жамиятдаги муҳим атрибутлар билан ўзаро таъсирлашувини ва корпорациясини белгилайди.

Бошқа ночизикли системалар каби тил тадрижий тараққиёти давомида ўз таркибини бойитиш, мукамаллаштириш йўли билан ўз-ўзини бошқариш ва ташкиллантириш хусусиятига эга. Фикримизни И.В.Арнольднинг қуйидаги мулоҳазаси тасдиқлайди: *«Тил ва тафаккур тараққиёти жамият, тил эгаси мансуб бўлган миллат тарихи билан узвий боғлиқдир. Биз тилда табиат ва жамиятдаги ҳодисалар умумий алоқаларининг хусусий кўринишлари билан ишлаймиз»*.⁸⁷

Жумладан, турли омиллар таъсирида тилларнинг ўлиши, синтактик бирликларда соддаликка томон ўзгариш, тилда фонетик иқтисод тамойилининг амал қилиши, мустақил сўзлардан ёрдамчи сўзларнинг ва грамматик шаклларнинг ҳосил бўлиши, яъни грамматикализациянинг рўй бериши (*дурур-турур-дир-тир; қараб-қарамай; сабабли (сифат); сабабли (кўмакчи)*) каби жараёнлар тилдаги диссипацияга яққол мисол бўла олади.

Синергетик парадигмага мувофиқ тизим ичида диссипация жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунга кўра, тизим очиқ ва ночизикли бўлиши лозим.

Синергетиканинг асосчилари бунга мисол тариқасида жонли организмларни киритган. Улар атроф-муҳит билан доимий модда, энергия ва информация алмашинуви ҳисобига динамик мувозанатни таъминлайди.

Аттрактор тизимнинг муайян якуний ҳолати ва тизимни янги

⁸⁷ Арнольд И.В. Современные лингвистические теории взаимодействия системы и среды // ВЯ. 1991. №3. – С.118 – 126.

тараққиёт йўналиши – «траектория» сари ўзига тортиш, жалб этиш ҳолатига нисбатан ишлатилади.⁸⁸

Кейинги пайтларда тилшунослиқда бу тушунча билан боғлиқ «*дискурснинг аттрактор модели*», «*лисоний аттракция феномени*», «*креатив аттрактор*», «*функционал аттрактор*» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Н.Ф.Алефиренко фразеологик тизим эволюциясини аттрактор асосида илмий талқин қилди.⁸⁹ Унинг ёзишича, тилда фразеологик неологизм юзага келиши жараёнининг якуний босқичи ва унинг тил системасида нисбатан барқарорлашуви аттрактор бўла олади.

В.А.Пищальникова лингвосинергетикага «*креатив аттрактор*» тушунчасини олиб кирди. Креатив аттрактор бу доминант мазмун бўлиб, у матннинг яхлит ва бир бутунлигини таъминловчи барча унсурларни ўзига тортувчи марказий зона саналади.⁹⁰

Ю.И.Леденевнинг тадқиқотларида «лисоний аттракция» тушунчаси алоҳида ўрин эгаллайди. У нутқнинг бир бутунлигини ва яхлитлигини таъминловчи механизм сифатида талқин қилинган.⁹¹

Геолингвистика соҳасида лисоний аттракцияга мувофиқ келувчи шундай бир қонуният мавжуд: «*Дунёда тилнинг таъсир кўрсатиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик кўп миқдорда у тил фойдаланувчилар (шу тилда гаплашувчилар)ни ўзига жалб қилади*».⁹²

Тилда аттракциянинг умумий моҳияти Р.К.Хартман ва

⁸⁸ Князева Е. Н. Одиссея научного разума. Синергетическое видение научного прогресса. – М., 1995. – С.52.

⁸⁹ Алефиренко Н.Ф. Когнитивно-синергетическое освещение процессов неофразеологизации // Фразеологизм и слово в национально-культурном дискурсе (лингвистический и лингвометодический аспекты). – М., 2008. – С.23 – 28.

⁹⁰ Герман И.А. Введение в лингвосинергетику. – Барнаул, 1999. – С.55.

⁹¹ Леденев Ю.И. Системность и синергетика как факторы устойчивости языка // Язык. Текст. Дискурс. – Ставрополь, 2007. – С.20.

⁹² Mackey, W. F. Geolinguistics: Its Scope and Principles // Language in Geographic Context. – London, 1988. – P.32.

Ф.С.Стокнинг луғатида бирмунча аниқ акс эттирилган: «*Аттракция лингвистик элементларнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатишидир*».⁹³

XX асрда тилшуносликда матн ва дискурс, нутқий акт назарияси (SAT – speech acts theory) кенг ўрганила бошланди, бунда синергетика методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айниқса, матн структураси ночизиқлилиқ тамойили асосида ўрганилса, янги илмий талқинларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Дискурс ночизиқли тараққиётга эга мураккаб жараён ва нутқнинг спонтан ўзгаришларга бой ҳодиса сифатида намоён бўлиши уларнинг синергетик ёндашув асосида ўрганилиши жоизлигини асослайди.

Бунда анъанавий, структур тилшунослик методлари ҳам ўз ўрнида ишлатилади, лекин айрим ўринларда синергетика методологиясига эҳтиёж сезилади.

Тил ва нутқни ночизиқли очиқ тизим сифатида тушуниш уларнинг кўпқирралилиги, коммуникатив очиқлиги, ички ва ташқи таъсирларга ҳамда флукутацияларга бойлиги, турли нутқий вазиятларда ва маданий контекстларда янги маъно, мазмун ва ифода шаклларининг спонтан равишда юзага чиқиши, динамик тараққиётга эгаллиги каби бир қатор синергетик хусусиятлари билан боғлиқдир.

Тил системаси ва коммуникатив муҳит ўзаро алоқада. Социомаданий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда маълум лексик ифодалар (архаизм ва историзмлар)нинг истеъмолдан чиқиб кетиши ва бунга тескари пропорционал ҳолат – илм-фан, техника тараққиёти билан боғлиқ кўплаб янги лексик birlikлар (неологизмлар)нинг тилимизга кириб келиши тил ва жамият «синергетика»сининг ёрқин мисоли бўла олади.

Айниқса, мазкур жарён бугунги глобаллашув жараёнида ва бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида янада яққол намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда маданий тараққиёт ва ижтимоий онгдаги қайта қуриш ҳолатлари билан узвий алоқадор бўлган тилдаги

⁹³ Hartmann R.R.K. Attraction // Dictionary of Language and Linguistics. – London, 1972. – P.23.

трансформация жараёнларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Хусусан, кейинги пайтларда тилимизга *компьютер технологиялари, интернет, оммавий ахборот воситалари, ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти ва илм-фан* билан боғлиқ жуда кўп терминлар кириб келди ва ҳамон бу сўзлар тилнинг лексик қатламини экспансия қилишда давом этмоқда, улар ночизиқлилиқ, флуктуация ва диссипация, когерентлик тамойиллари асосида тилимизда меъёрий лексик бирликларга айланмоқда.

Тил эволюциясининг шунга ўхшаш трансформацион ҳолатларини тадқиқ этишда, глобализация жараёнининг тилга таъсирини илмий жиҳатдан асослашда ва уларга тўғри баҳо беришда синергетика тилшунослиқ учун методологик асос вазифасини бажара олади.

Бунда мазкур ҳолатларнинг илмий талқинида бифуркация, полифуркация, диссипация каби категорияларга таянилади. Тил маданий-тарихий тажрибаларни ўтказувчи очиқ коммуникатив тизим сифатида намоён бўлади, унинг мавжудлигини таъминлайдиган муҳит эса узлуксиз (контекстли) ўзаро таъсирланишлар тизими саналади.

Тил учун системавийлик хос бўлса, нутқ учун асистемлик хосдир. Диахроник жараёнлар тилдаги системавийликни бузади. Тилда тизимлилиқ, асосан, синхрония учун хос. Шу маънода синергетиканинг тамойилларини бевосита кузатишда берилмаган тилнинг синхрон (статик) аспекти учун эмас, балки узоқ эволюцион ва сифат ўзгаришларини яққол кўрсатувчи тилнинг диахрон (динамик) аспекти учун татбиқ этиш самаралироқдир.

Тилдаги фонетик ўзгаришлар, товушлар миқдорининг камайиб бориши, конвергенция ва дивергенция жараёнлари, грамматикадаги ўзгаришлар таҳлилида синергетика таянч методология бўлиши лозим. Ўзбек тили фонетикаси, лексикаси ва грамматикасини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этган ўзбек тилшунослари: А.Ғулум, Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, Э.Фозилов, С.Муталлибов, Ҳ.Неъматов, Э.Умаров, Ҳ.Дадабоев, С.Аширбоев, У.Санақулов, Б.Тўйчибоев; рус тилшунослари: Е.Д.Поливанов, А.М.Шчербак, В.В.Решетов сингари олимлар

гарчи «синергетика» сўзини ишлатмаган бўлсалар-да, аслида, унинг таянч тамойилларига мувофиқ иш кўрганлар.

Тилнинг ички тараққиёти, турли тарихий даврларда юз берган турли хил сатҳлардаги ўзгаришлар, хусусан, сўз ясалиши тараққиёти, сўз туркумлари конверсияси (трансформацияси), полисемиянинг тармоқланиши, идиоматизация жараёнлари (барқарор бирикмаларнинг ҳосил бўлиши), сўз ўзлаштириш каби жараёнлар тил ҳаётидаги ўз-ўзини бошқариш ва ташкиллаш соҳасига бевосита ёки билвосита алоқадорлигини билдиради. Бу эса тилнинг диахрон (динамик) аспекти синергетик парадигма тамойилларига мувофиқ келишини тасдиқлайди.

Хусусан, ўзбек тилининг фонологик системасида конвергенция ва дивергенция жараёнлари асосида конвергент ва дивергентларнинг пайдо бўлиш илдиэларини очишга синергетика ёрдам беради. Чунки бу жараёнлар тил ички тузилишининг ўз-ўзидан ташкилланиш хусусиятини ўзида намоён қилади.

Н.С.Трубецкой дунёдаги турли тилларда хилма-хил вокал системанинг мавжудлиги ҳақида тўхталар экан, туркий тиллар икки босқичли, тўрт бурчакли ўзига хос вокал системага эга эканини кўрсатади. Бу системани у қуйидагича ифодалаган (транскрипция бизники)⁹⁴:

у	о	ы	а
у	ö	ı	а

А.М.Шчербак худди шу системанинг эски ўзбек тилида ҳам сақланганини таъкидлайди ва иккита дифференциал белги асосида 8 та унли фонемани ажратиб, уларни қуйидаги жадвал орқали ифодалайди⁹⁵:

Дифференциал белги	Лабланмаган	Лабланган
Орқа қатор	а, ы	о, у
Олд қатор	ä, i	ö, ü

⁹⁴ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960. – С. 122.

⁹⁵ Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М., 1962. – С. 71.

А.Рустамов, Ф.Абдуллаев сингари олимлар Алишер Навоий давридаёқ қатор белгиси кучсизлашгани, дивергент, ярим лабланган, кенг «о» ва лабланмаган ўрта кенг «э» унлиларининг пайдо бўлганини айтадилар.

Н.С.Трубецкой Е.Д.Поливановнинг 1922 йили ёзган «Тошкент шеvasи фонетикаси» асарига асосланган ҳолда ўзбек тилида икки синфли, тўрт бурчакли 6 та унли фонема мавжудлигини қайд қилади.⁹⁶

В.В.Решетов қадимги туркий ва эски ўзбек тилидаги қатор белгисини ўзида сақлаган 8-9 талик вокал системадан ҳозирги ўзбек тилининг қатор белгисини йўқотган 6 талик вокал системага ўтишини конвергенция ва дивергенция ҳодисалари орқали тил тузилишининг ўз-ўзидан ташкилланиш хусусияти амалга ошгани натижаси сифатида изоҳлайди.⁹⁷

Унинг фикрича, ўзбек тилининг ички тараққиёти натижасида орқа қатор, лабланмаган кенг унлидан қатор белгиси бўйича зидланиш хусусиятига эга бўлмаган ярим лабланган, кенг унлининг, шунингдек, олд қатор, лабланмаган кенг унлидан қатор белгиси бўйича зидланиш хусусиятига эга бўлмаган, лабланмаган, ўрта кенг «э» унлиларининг ажралиб чиқиши, яъни иккита унлининг қатор белгисини йўқотиши илгари қатъий амалда бўлган унлиларнинг қатор белгисига кўра зидланишига путур етказди. Системавийликдан асистем ҳолат юзага келди. Синергетика қонунига кўра флукутация жараёни рўй берди. Ушбу тартибсизлик илгари қатор белгисига кўра бинар оппозицияда бўлган «а-ā», «о-ō», «у-ū» жуфтликларининг нейтрализацияси туфайли бартараф қилинди. Тартибсизликдан тартиб майдонга келди.

Бу жараён В.Решетов томонидан синергетик тамойил асосида таҳлил этилмаган бўлса ҳам, лекин баён этилган фикрлар шунга ишора қилади. Хусусан, конвергент ва дивергентларнинг ҳосил бўлиши ҳақида шундай дейди: *«Конвергенция жараёни унли фонемаларнинг қисқаришига олиб келди. Ўзбек адабий тилидаги ҳозирги 3 та фонема умумтуркий 6 фонемалар-*

⁹⁶ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960. – С.111.

⁹⁷ Решетов В.В. Узбекский язык. Ч.1. – Ташкент. 1959. – С.118 – 119.

нинг ўриндошлари вазифасини бажарди. Иккинчи жараён орқа қатор [а] унлисидан конвергенция ҳодисаси натижасида [о] унлисининг ажралиб чиқиши ва бунинг натижасида унлилар миқдорининг кўпайишидир».⁹⁸

Флукуация, аттракция ва бифуркация жараёнларини тилнинг фақат фонологик сатҳидагина эмас, балки бошқа сатҳларида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, у лексик система динамикасида яққол кўзга ташланади. Хусусан, қадимги турк тилида *ўғил* сўзи «фарзанд», «авлод» маъноларида қўлланган. «Кул тегин» ёдномасида шундай сатрни учратамиз: «... Табғач будунқа баглик ури ўғлин кул бўлти, силиқ қиз ўғлин кунга бўлти» – «... Табғач элига бўйсуниб, эркаклари (ўғил фарзандлари) кул бўлди, чиройли аёллари (сулув қиз фарзандлари) чўри бўлдилар».

Кейинчалик эски ўзбек тилига форс-тожик тилидан *фарзанд* сўзининг ўзлашиши денотатив маъноси айнан бир хил бўлган икки сўзнинг майдонга чиқиши, бунинг натижасида лексик ортиқчаликнинг пайдо бўлиши, лексик системада асистемликнинг юзага келиши, тартибнинг вақтинча тартибсизлик ҳолатига олиб келди. Бу вақтинча беқарор ҳолат *ўғил* сўзида семантик силжиш ҳодисаси рўй бериши, «авлод», «фарзанд» маъносининг ўрнига «*эр жинси*» маъносини ифодалашга ўтиши туфайли тартибга тушди. Асистемлик ҳолатдан системавийлик майдонга чиқди. Тартибсизликдан тартиб сўзловчи субъектнинг аралашуви орқали эмас, балки тилнинг ички «ҳаракати» туфайли юзага келди.

Худди шундай фикрни *кўза* ва *офтоба* сўзларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

М.Кошғарий бошқа тиллардан сўз олиш ҳақида гапириб, маълум нарса ва ҳодисанинг муайян бир тилда номи бўлмаса, уларни номловчи сўзларни олиш фойдали, аксинча, уларнинг номловчи сўзлари бўла туриб яна худди шу маънодаги «офтоба» сўзи қабул қилинишининг зарурати йўқлигини таъкидлайди.⁹⁹

⁹⁸ Решетов В. В. Узбекский язык. Ч.1. – Ташкент, 1959. – С.118.

⁹⁹ Кошғарий М. Девону луғотит турк. I жилд. – Тошкент, 1960. – Б.21.

Демак, ўша давр лексик системасида **офтоба** сўзи барқарор ўрин эгалламаган. У окказионаллик, флуктуация ҳолатида бўлган. Кейинчалик тилнинг ички тузилиши ўз-ўзидан ташкилланиши натижасида **офтоба** сўзи ҳам уй-рўзгор анжомлари лексик-семантик парадигмасида ўз ўрнига эга бўлган. **Офтоба** лексемасининг семик мундарижасида ўзгариш рўй бериши лексик сатҳдаги асистемликдан системавийликнинг юзага чиқишига олиб келган.

Дастлаб **офтоба** сўзининг мазмуний мундарижаси **кўза** ва **қумғон** лексемалари мазмуний мундарижасига айнан мос тушиб, лексик ортиқчаликни, асистемликни, синергетика тили билан айтганда, флуктуацияни ҳосил қилган бўлса, кейинчалик тилнинг ички тараққиёти натижасида «офтоба» лексемаси семемасида махсуслашиш юз берди.

Кўза – сув сақлаш ва ташишга мўлжалланган сопол ва металл идиш, **офтоба** – қўлга сув қуйиш ва таҳорат учун мўлжалланган, **қумғондан** кичик металл идиш маъноларини ифодалади. Бунда **кўза** ва **офтоба** вазифасига кўра (сув сақлаш ва қуйиш) интеграл семага эга бўлса, нимадан ясалганлик белгисига кўра бир-биридан фарқ қилади. **Кўза** лексемаси семемаси учун сопол ёки металлдан ясалганлик белгиси нейтрал бўлса, **офтоба** фақат металлдан ясалганлиги билан фарқланади. Бу белги **офтоба** ва **қумғон** лексемалари учун интеграллик касб этиб, **кўза** лексемасига зидланса, функционал белгисига (сув қуйиш учун мўлжалланганлик – сув қайнатишга мўлжалланганлик) кўра **офтоба** лексемаси билан **кўза** лексемаси умумийликни, **қумғон** лексемаси ўзига хосликни ҳосил қилади. **Офтоба**, **кўза** ва **қумғон** лексемалари мазмуний мундарижасида семик ўзгаришларнинг рўй бериши асистемликдан системавийликка ўтишга имкон яратди. Ушбу лексик сатҳдаги динамикани баҳолашга синергетика парадигмаси ва тамойиллари ёрдамлашади.

Юқорида таъкидланганидек, тил ўз-ўзини назорат қилувчи тизимдир. Истиклолнинг дастлабки йилларида пуризм тенденцияси кучайди. Бунда *овознигор*, *кўпкурси*, *оромкурси*, *тайёра*, *тайёрагоҳ*, *ноҳия*, *олийгоҳ*, *қуллийёт* каби лексик бирлик-

лар юзага келди. Лекин мазкур сўзлар хаотик тарзда тил системасида маълум муддат яшади, лекин улар тилнинг ўз-ўзини тартибга солиш хусусияти асосида истеъмолдан чиқиб кетди, тилимизга сингмади.

Демак, мазкур жиҳатлар тилнинг ўз-ўзидан ташкилланувчи очиқ система эканлигидан гувоҳлик беради ва тил сатҳларида эволюцион ўзгаришларнинг мотивини тушунтириб бериш учун синергетика қўл келади.

Г.Хакеннинг фикрича, дунёнинг механик манзараси XX асрга қадар (квант механикаси ва синергетикага оид қарашлар юзага чиққунча) тартибли, «темир» қонунлар асосида юз беради деб тушунтириб келинган. XX асрда тадқиқотлар ва тажрибалар шуни кўрсатдики, дунёдаги ҳодисалар фақат космос (тартиб) асосида эмас, балки тартибсизлик (хаос) ва флуктуациялар (қонуниятдан четлашиш ҳолатлари) асосида ҳам ривожланади ва ўз-ўзини ташкил этади.

Бундан кўринадики, қадимги хитой файласуфлари, Г.Хакен ва И.Пригожин талқинича, космос ва хаос азалий ёнма-ён ҳодисалардир, улар бир-бирини тақозо қилади. Тадқиқотчилар фикрича, табиат ҳодисаларида, борлиқда тартибдан кўра тартибсизлик конструктив аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат тилшуносликда ҳам ўз аксини топган. Яъни тиллардаги доминант лисоний тип ўша тил типологияси учун космос (тартибли) ҳолат, унда бошқа системада доминант бўлган тилларнинг ҳам кузатилиши хаотик (тартибсиз) ҳолатдир. Хусусан, ўзбек тили учун агглютинация, синтетизм, суффиксация, реляция ҳодисалари барқарор ҳолат – космос, фузия, аналитизм, префиксация ҳодисалари эса беқарор ҳолат – хаос ҳисобланади. Тадрижий тараққиёт жараёнида муайян тил учун хаотик белгилар барқарорлик хусусиятига эга бўлиши ҳамда тил структурасига кескин таъсир қилиши мумкин.

Синергетика фалсафасига кўра, ижтимоий тизимнинг ҳар бир ҳолати бифуркация ҳолатидир. Бунини ижтимоий табиатга эга тил ҳодисасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Яъни ҳеч бир тилда маълум тип абадий яшамайди, балки тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир тилда муайян типологик ўзгаришлар юз беради.

Тилда бир тип унсурлари сусайиб, иккинчи бир тип кучайиб бориш тамойили кузатилган нуқта тил тизимидаги бифуркация ҳолатига мисол бўлади. Масалан, далиллар шуни кўрсатяптики, қадимги инглиз тилида (Old English) фузия тенденцияси устувор бўлган, лекин замонавий инглиз тилида (Modern English) агглютинация тенденцияси кучаймоқда.¹⁰⁰ Демак, инглиз тилидаги фузион – агглютинативлик белгиси унинг бифуркация босқичида эканлигини кўрсатади.

Хитой, мўғул ва араб тилларининг типологик белгиларида турли инновацияларнинг юзага келаётгани¹⁰¹ мазкур тиллар тараққиётининг ҳам бифуркация ҳолатида эканини, кейинроқ барқарор ривожланиш йўли – аттракция босқичига ўтишини белгилайди.

В.М.Солнцев эътирофича, хитой тили материалида изолятивликдан агглютинативликка ва қисман флективликка томон типологик силжиш кузатилмоқда. Бу шуни англатадики, хитой тили морфологик тизими ривожланишнинг бифуркация нуқтасида, унда агглютинация муваффақият билан изоляцияни батамом «синдирмасдан» ривожланмоқда, флукуация сифатида қисман фузион жараёнлар ҳам кузатилмоқда.

Синергетиканинг моҳиятини акс эттирувчи энг муҳим тушунчалардан яна бири флукуация саналади. Флукуация умумий ҳолдан, барқарор ҳолатдан четлашишни билдиради. Уларнинг икки катта туркуми ажратилади: а) ташқи муҳит яратадиган флукуациялар; б) тизимнинг ўзида вужудга келадиган флукуациялар.¹⁰²

Флукуациялар икки томонлама вазифа бажаради: 1) биринчидан, улар тизимда сезиларли ўзгариш ҳосил қилмайдиган нейтрал фон сифатида намоён бўлиши мумкин. Масалан, у ёки бу ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда нутқ жараёни-

¹⁰⁰ Қаранг: Good J. Linguistic Universals and Language Change. – Oxford: Oxford University Press, 1964. – P.54 – 57.

¹⁰¹ Қаранг: Солнцев В.М., Солнцева Н.В. Куда идёт китайский язык // Китайское языкознание: Изолирующие языки: IX международная конференция. – М., 1998. – С.15; Шарбатов Г.Ш. Соотношение арабского литературного языка и современных арабских диалектов. – М., 1966. – С.5 – 7.

¹⁰² <http://www.chaos.ssu.runnet.ru>

да даврий равишда окказионал сўз ва бирикмаларнинг юзага келиш ҳолати; 2) иккинчидан, флукутациялар жуда кучайиб, тизимни тўла эгаллаб олиши ва моҳият эътибори билан унинг мавжудлик тартибини ўзгартириб юбориши мумкин. Бунда улар тизимдаги критик ҳолатни «бифуркация нуқтаси» сари етаклаб, янги сифат босқичига олиб келади. Масалан, янги сўзларнинг ясалиши жараёни ва уларнинг узусда барқарорлашуви.

Тилшуносликда флукутацияга типик мисол сифатида сингармонизмнинг ўзбек тили материалида деярли йўқолиб бораётганини келтириш мумкин. Чунки сингармонизм туркий тиллар типи учун хос умумий қонуният ҳисобланади, лекин мазкур ҳодиса ўзбек тилида флукутацияга учрамоқда. Ёки ўзбек тилида бошқа типга хос белгилар – фузион жараёнларнинг учраши агглютинация типига нисбатан четлашиш ҳолат – флукутация саналади.

Фракталлик тилшуносликда матн структурасида яққол намоён бўлади. Хусусан, хиазм, мусовият тарафайн, тарди акс, тарсеъ, мукаррар каби бадиий санъатлар орқали юзага келган поэтик шакллар фракталликка мисол бўла олади. Масалан, Муҳаммадризо Огаҳийнинг қуйидаги шеъри сўзларнинг ўзига хос тартибда симметрик жойлашуви орқали матнда фракталликни ҳосил қилган:

Ул шўҳки	очилди	хату	рухсори
Очилди	раёҳинда	юзи	гулнори
Хату	юзи	бесабру қарори	ман ман
Рухсори	гулнори	ман ман	зори

Мазкур мисраларга эътибор берсак, ҳар бир мисранинг горизонтал жойлашуви унинг вертикал жойлашуви билан симметриклик ҳосил қилиши, шеър ҳар томонлама ўқилганда ҳам айни мисраларнинг бир хил такрорланиши гувоҳи бўламиз. Бу бадиият илмида «мусовият тарафайн» деб аталади. Худдий шундай поэтик шакллар матндаги фракталликни юзага келтиради. Аруз вазнидаги рукнларнинг бир хил тарзда симметрик такрорланиши натижасида яратилган ғазал, рубоий, туюқ,

фард, мураббаъ, мухаммас, мусаддас кабилар ҳам бадиий матндаги фракталликка ёрқин мисол бўла олади.

Бу каби мисолларни тил системасидан яна кўплаб топиш мумкин. Мазкур далиллар эса тилшунослик фанини янги парадигма ҳисобланган синергетика асосида методологик рефлексиядан ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Бу тилшуносликнинг янада ривожланишига кенг имкониятлар эшигини очиб беради ва янгича талқинларнинг юзага келишига туртки бўлади.

2.3. Тил ҳодисаларининг синергетик парадигма асосидаги талқини

Тил турли лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида ўз-ўзини ташкил этади, ўзининг серқирра функционал имкониятлари билан турли гавдаланиш ва қайта гавдаланишларни юзага чиқаради.

Тилда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнини ўрганишда қуйидаги параметрларни эътиборга олиш зарур: 1) географик омил – макон омили; 2) хронологик омил – замон, вақт ўқи; 3) социологик омил – ижтимоий муҳит, маданият, дин, миллат, ёш каби социал белгилар.

Тилдаги динамика ва ўз-ўзини ташкиллаштириш жарёни мана шу уч омил асосида рўй беради. Тил тизимида тартиб параметри нисбий белгиланади. Бу хусусда Г.Хакен ёзади: *«Тил-жамият тизимида тартиб параметри одамлар ҳисобланади. Чунки одамлар ўша тилнинг вакиллари саналади, одамлар тилни ўрганади, уни мукаммаллаштиради ва бошқа авлодларга етказилади. Индивидуум-жамият тизимида эса тартиб параметри тил ҳисобланади. Чунки тил шахс ва жамият ўртасида ўзига хос «олтин кўприк» вазифасини бажаради»*.¹⁰³

Энг сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, тил ҳам табиат ҳодисалари каби ўз-ўзини ташкил қилувчи, тадрижий тарзда янги структураларни ўзида намоён этувчи, синергетик парадигма асосида ривожланувчи мураккаб тизим ҳисобланади. Буни муайян тилларнинг морфологик қурилишидаги ўзгаришлар, бир ҳолатдан бошқа сифат босқичига ўтишга томон силжишлар, маълум тилларда ички ва ташқи таъсирлар натижасида турли хил белгиларнинг юзага келаётгани каби далиллар тасдиқлайди. Э.Сепирнинг фикрича, тилдаги мазкур ўзгаришлар тилнинг ички тузилиши билан узвий боғлиқ қандайдир механизм билан бошқарилади.¹⁰⁴ Олим синергетик парадигма тилда амал қили-

¹⁰³ Хакен Г. Можем ли применять синергетику в науках о человеке? // Синергетика и психология. Вып.2. – М.: ЯНУС-К, 1999. – С.15.

¹⁰⁴ Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс-Универс, 1993. – С.12.

шини шундай ифодалаган. У тилнинг мазкур табиатини, юқорида таъкидлаганимиздек, «дрейф» деб номлаганди. «Дрейф» инсон организмдаги генетик дастур каби тилнинг «ҳаракати» ва «ҳаёти»нинг туб моҳиятини ташкил этади.

Тил тизимида синергетик парадигманинг намоён бўлишини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

1. Синергетик парадигмага кўра, тизимнинг мунтазам ўзаро таъсирлашиб туриши, очиқ бўлиши талаб қилинади. Тил очиқ тизим сифатида ижтимоий муҳитда узлуксиз ўзаро таъсирлашув ҳисобига тараққий этади, янги лисоний структураларни яратади.

Бу жиҳатдан тил синергетик парадигма талабларига тўла мос келади. Тил тарихий тараққиёт жараёнида мавжуд белгиларни йўқотиши, янги хусусиятлар касб этиши, аввалги ҳолатдан тубдан фарқланувчи янги структуралар ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ҳинд-европа тилларининг бундан икки-уч минг йил олдинги келишиқ флексиялари, фузия билан характерланадиган мураккаб морфологияси, кучли синтетизм тенденцияси каби белгилари ўз ўрнини янги структураларга – агглютинация, аналитизм тенденцияларига бўшатиб бермоқда.

Ҳинд-европа тиллари морфологияси тизимида янги структураларнинг пайдо бўлаётгани тилларнинг диссипатив структуралар сифатида синергетик парадигма тамойилларига мувофиқ ривожланиш тенденциясига эгаллигини тасдиқлайди. Мазкур жараён қуйидаги хронологик жадвалда яққол кўрсатилган.

Ҳинд-европа тилларида келишиқлар миқдори динамикасини кўрсатувчи хронологик жадвал¹⁰⁵

Вақт оралиғи	Кельт. т.	Славян т.	Итальян т.	Ҳинд т.	Эрон т.	Грек т.
Мил. авв. 1000	6 – 7	8	7	8	7	7
Милодий I аср 1000	6	7	6	8	5	4 – 5
2000	5	5	7	3 – 5	2	4
2000	1 – 4	1 – 3	5 – 7	1 – 2	2 – 9	4

¹⁰⁵ <http://language.babayev.net/sinus.html>

Ушбу жадвалдаги миқдорий кўрсаткичлардан англаш мумкинки, тарихий тараққиёт жараёнида ҳинд-европа тилларида келишиклар тизими синергетик парадигмага асосан флуктуацияга учраб борган. Аста-секинлик билан флуктуация келишиклар тизимига таъсир қилган, натижада бифуркация механизми ишга тушган, флектив қурилмалар ўрнини аналитик шакллар эгаллаб, фузияга нисбатан агглютинация устуворлик қила бошлаган.

2. Тил контактлари таъсирида шаклландиган креол ва пижин тиллар типи (креоллашув ва пижинлашув жараёни) ҳам синергетик парадигма асосида юз беришини таъкидлаш лозим. Бунда янги креол ёки пижин тил диссипация (инглизча «dissipate» – «тарқалиш», «сочилиш» маъносини англатади; синергетиканинг асосий тамойилларидан бири, бунда бир структурадан янги структуранинг пайдо бўлиши тушунилади) қонуниятига мувофиқ шаклланади.

Креоллашув жараёнида тил янги типологик тизимга эга бўлади, флуктуация, бифуркация, диссипация асосида тил бир тартибдан бошқа бир тартибга ўтади, бунда икки ёки ундан ортиқ тилларнинг корпоратив таъсирлашуви муҳим аҳамият касб этади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, янги сифат босқичига ўтиш жараёнининг қачон юз беришини олдиндан айтиб бўлмайди.

Пижинлашув шартлари қуйидагилар билан боғлиқ:

– нисбатан кам сонли, лекин иқтисодий жиҳатдан кучли ижтимоий гуруҳлардан таркиб топган доминант этноснинг (босқинчи ёки мустамлакачи қатлам) мавжудлиги;

– доминант этносга тобе (улар плантациялардаги ёлланма ишчилар ёки хизматкорлар, қуллар бўлиши мумкин) икки ёки ундан ортиқ этноснинг мавжудлиги.

Пижинлашув жараёнида доминант этноснинг тили «асос-тил» ҳисобланади, у пижин тилнинг шалланиши учун лексика, фонетика ва айрим лексик birlikларнинг грамматикализацияси учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Пижинлашув мураккаб социолингвистик жараён бўлиб, бунда асос-тил тизимлари бошқа тил вакиллари томонидан сўзла-

ри нотўғри ишлатилиши натижасида унинг грамматик парадигмалари «бузилади», оқибатда асос-тип соддалашади, дегрэдацияга учрайди, амалиётда грамматик воситалардан фойдаланмаган ҳолда фақат маълум чекланган миқдордаги луғатга асосланган мулоқот воситасига айланади.¹⁰⁶

Лексификатор-тип (ЛТ) билан ўзаро таъсирлашаётган тиллар «субстрат тиллар» (СТ) деб номланади. ЛТ ва СТнинг ўзаро синергетик таъсирлашуви натижасида ўзига хос янги типдаги тил – «пижин тил» (ПТ) юзага келади. ПТга қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Турли тилларда гаплашувчи аҳоли учун оддий алоқа воситаси сифатида ривожланаётган ёрдамчи лингвистик тизимдир».¹⁰⁷

3. Тилшунослик тарихида тилнинг эволюцион тараққиёти ва динамикаси хусусида турли хил фикрлар, қарашлар, ёндашувлар мавжуд.

Дастлаб XIX асрда уч тараққиёт фазаси – аморфлик ⇒ агглютинативлик ⇒ флективлик босқичлари кўрсатилди.

XX асрга келиб тилларнинг стадиал тараққиёти флективлик ⇒ агглютинативлик ⇒ аморфлик тарзида юз беради деб белгиланди.¹⁰⁸ Ҳар икки қараш вакиллари ҳам ишонарли далиллар билан ўз фикрини исботлаган.

Шу ўринда айтиш зарурки, лисоний типларнинг стадиал тараққиёти йўналиши муайян тил мисолида текширилса, синхрон аспект ва диахрон аспектдаги ҳолат бир-биридан фарқланади. Мазкур масалага синергетик парадигма нуқтаи назаридан ёндашилса, унинг айрим муаммоли жиҳатларига ечим топилади.

Лисоний типларнинг тараққиётини соддадан мураккабга қараб борувчи «чизиқли» йўналишда деб талқин қилиш, бизнингча, бир томонлама ёндашув ҳисобланади. Лисоний тип-

¹⁰⁶ Kaye A.S., Tosco M. Pidgin and Creole Languages: A Basic Introduction. – Muenchen: Lincom Europa, 2003. – P.28.

¹⁰⁷ The Encyclopedia of language and linguistics / Ed.-in-chief: R.E. Asher. – Oxford etc.: Pergamon press, 1994. – P.3177.

¹⁰⁸ Қаранг: McMahon. Understanding of Language Change. – Cambridge: Cambridge University Press, 2001. – P.21.

лардаги ўзгаришларни кузатсак, уларнинг «ночизиқ» тараққиёт траекториясига эга бўлиши ойдинлашади.

Мазкур ҳолатни қийшиқ синусоидга ўхшатиш мумкин, яъни бир лисоний тип маълум вақт доминантлик қилади, тадрижий равишда у «эгри чизиқ» динамикаси бўйича тараққий этади. Бу эса у билан бир қаторда бошқа лисоний тип ривожланаётганини кўрсатади. Шу тарзда лисоний типлар барқарорлик-беқарорлик, устуворлик-ноустуворлик, тартиб-тартибсизлик каби синергетик парадигманинг бош тамойиллари асосида ривожланиш траекториясига эга бўлади.

4. Хитой, вьетнам тиллари морфологик таснифга кўра ўзакли тиллар сирасига киради, уларнинг асосий белгиси **моносиллабизм** (бу тилларнинг лексиконида бир бўғинли сўзлар етакчилик қилади) ҳисобланади. Шуниси қизиқи, мазкур тилларда ҳозирги кунда **полисиллабизм** унсурлари кўплаб кузатилмоқда¹⁰⁹, ясама сўзлар, қўшма сўзларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Бу эса Жануби-Шарқий Осиёдаги тиллар морфологиясида янги мураккаб структуралар юзага чиқишига олиб келмоқда. Ушбу тилларда айрим типологик ўзгаришларнинг юз бераётгани тилнинг синергетик парадигма асосида ривожланишини яна бир қарра исботлайди.

5. Фузия лисоний тили туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили учун ноустувор ҳолат саналади, лекин ушбу беқарорлик тил системаси учун аҳамиятсиз эмас. Чунки лингвосинергетик парадигмада айни шундай факультатив жараёнлар, беқарор ҳолатлар жуда муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади. уларни янги тартиб ва структураларнинг шаклланишига замин яратади дея ижобий баҳолаш мумкин.

Бу ҳақда Е.Н.Князева ёзади: *«Беқарорлик очик тизимларда тубдан янгиланишларга олиб келади. Умуман олганда, агар беқарорлик бўлмаса, демак, тараққиёт ҳам йўқ. Беқарорлик ривожланишни билдиради ёки бошқача айтганда, тараққиёт*

¹⁰⁹ Қаранг: Солнцев В.М. Типологические свойства изолирующих языков (на материале китайского и вьетнамского языков) // Языки Юго-Восточной Азии. Проблемы морфологии, фонетики и фонологии. – М., 1970. – С. 12.

беқарорлик, тасодифий ҳолатлар, флуктуациялар асосида амалга ошади».¹¹⁰ Табиийки, тизим ичида беқарорлик, флуктуация бўлмаса, унда ўзгариш динамикаси кузатилмайди, айнан флуктуациялар ўша тизимнинг тараққиётини таъминлайди. Шу маънода тилда ҳам лисоний тиллар узлуксиз тарзда барқарорликдан беқарорликка ёки аксинча алмашилиб туради.

6. Тил тизимида симметрия ва асимметрия ҳолати ҳам синергетик парадигма тамойилларига мувофиқ келади. С.Карцевский «Лисоний белги асимметрик дуализми хусусида» номли мақоласида илк бор симметрия ва асимметрияни тилга татбиқ этган.¹¹¹ Олим лингвистик асимметрияга полисемия ва синонимия ҳодисаларини яққол мисол қилиб келтиради, чунки тилда ушбу ҳодисалар ифода томони ва мазмун томони ўртасидаги номуносивлик асосида юзага чиқади.

Ф.де Соссюр асимметрияни «иррационаллик» сифатида баҳолаб шундай ёзади: «Агар тил механизми тўла рационал бўлганда эди, уни нарса ўзида каби ўрганиш мумкин бўлар эди».¹¹²

Албатта, тилнинг моҳияти ҳар қандай қолип, андаза ва қоидага нисбатан бой ва кўп қирралидир. Ҳар қандай қоида ва умумлашмалар энг типик боғланишларни акс эттиради. Ана шундай боғланишлар тил системасида амал қилувчи, ўз қонуний асосига эга бўлган асимметрик дуализм жараёни билан изоҳланади.

Ўзбек тилшунослигида ушбу жараёни изчил ўрганган олим Н.Маҳмудов саналади. Олим ярим предикативлик, полипредикативлик, эллиптик предикативлик каби ҳолатларни содда гаплардаги асимметрия сифатида изчил баҳолаган, чунки бу турдаги гапларда мазмун томони тўлиқ, шакл томони эса те-

¹¹⁰ Князева Е.Н. Случайность, которая творит мир // В поисках нового мировоззрение: И.Пригожин, Е.Н.Рерихи. – М.: Знание, 1991. – С.18.

¹¹¹ Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. – М., 1965. 3-е изд. Ч.2. – С.85 – 93.

¹¹² Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С.165.

жалган бўлади.¹¹³ Шакл ва мазмун ўртасидаги асимметрияга инсоннинг фонацион энергияни тежаш тамойили (Е.Д.Поливанов) хизмат қилади. Мазмуний тўлиқликни таъминлашда синтактик қуршов, имо-ишора, нутқ вазияти ва бошқа воситалар ёрдамга келади.

Симметрия объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг тартиблилиги, мунтазамлиги ва мутаносиблиги бўлиб, у синергетикадаги космос, барқарорлик, мувозанат ҳолатлари юзага чиқиши демакдир. Асимметрия бунга қарама-қарши тушунча бўлиб, у тартибсизлик, номунтазамлик, номутаносибликдир.

Асимметрия синергетикада система ичида хаос, беқарорлик, мувозанатсизлик (нормувозийлик) ҳолатларининг намоён бўлиши демакдир. Тизим асимметрияси қуйидаги омилларда кўринади: а) нотенг ривожланиш; б) тизимнинг нотўлиқлиги; в) бир синфга тегишли ҳодисалар орасида марказ ва чегаранинг мавжудлиги.

Асимметрия коммуникатив ниятга боғлиқ ҳолда нутқимиздаги информативлик даражасининг тилда ифодаланишида ҳам яққол кўзга ташланади. Диалогларда қисқа жавоблар (*Ҳа, Йўқ, Мен ҳам каби*), тўлиқсиз гаплар, эллиптик жумлалар, сўз-гаплардан фойдаланганимизда мазмун томони ва ифода томонида номутаносиблик ҳолати кўзга ташланади. Айниқса, нутқ вазиятидан келиб чиққан ҳолда информацияни сиқик ҳолда шаклантириш (**информацион компрессия**) ва уни тилда лаконик (**Юнонистондаги Лаконика вилояти номидан келиб чиққан, у ерликлар фикрни қисқа, ихчам, аниқ ва лўнда ифодалашга мойил эди**) тарзда ифодалаш (**лисоний компрессия**)¹¹⁴ ҳам асимметрик ҳолатга мисол бўла олади. Лаконизм информациянинг маълум қисмларини олиб ташлаш ҳисобига фикрни қисқартириб ифодалаш дегани эмас, бунда

¹¹³ Қаранг: Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автороф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1984.

¹¹⁴ Ордынская С.Н. Языковая компрессия: ее онтология, сущность и функции // III международные Бодуэновские чтения: И.А.Бодуэн де Куртена и современные проблемы теоретического и прикладного языкознания. – Казань, 2006. – С.67 – 78.

тўлиқ ҳажмли информацияни сақлаган ҳолда фикрни сиқик, ихчам, «минг маънони бир нуқтага жо этиб» ифодалаш назарда тутилади.

7. Лингвистик таржимашунослик соҳаси эпистемологик нуқтаи назардан изчил таҳлил этилса, таржима жараёни ҳам ўта мураккаб кўп босқичли жараён эканлиги ва бунда синергетик парадигма тамойиллари ҳам амал қилиши кўринади. Таржима энтропияларга бой коммуникатив фаолият саналгани боис, сўз маъноси, унинг контекстуал синонимлари, таржима трансформацияси билан боғлиқ муқобил вариантларни танлашдек мураккаб босқичнинг илмий талқинида бизга лингвосинергетикадаги бифуркация тушунчаси ёрдам беради. Бу мураккаб жараёнда турли хил муқобил вариантлар «аттрактор» сифатида баҳоланиши мумкин, таржимоннинг мазкур вариантлардан бирини танлаш учун қарор қабул қилиш олдидаги ҳолати эса бифуркацион ҳолат саналади.

8. Тилнинг ички структурасида ўз-ўзини ташкиллаш тизими имманент тарзда мавжуд бўлиб, уни диахроник аспектда лингвосинергетик нуқтаи назардан таҳлил қилиш жоиз. Тил ички қурилишидаги ўзаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, тил эволюцияси жараёнида юз берган ҳар қандай минимал ўзгариш занжирсимон таъсир кучига эга бўлади ва инновациянинг кенг тарқалишига, охир-оқибат бутун тизимнинг аввалги ҳолати бузилишига олиб келади.

Ж.Баган, Е.В.Бондаренконинг ёзишича, тил тизимидаги ўзгаришларга икки турли омил фаол таъсир кўрсатади: а) табиий ички омиллар – тил системаси ва ички структураси билан боғлиқ омиллар; б) ташқи тасодифий омиллар – инсон яшаб турган ижтимоий муҳит, географик шароит, этник ва маданий таъсирлар билан боғлиқ антропоген омиллар.¹¹⁵

Инглиз тилининг морфологик тизимидаги кескин ўзгаришларнинг юз бериши, хусусан, даврий равишда флексиянинг қисқариб борганлиги, қадимги инглиз тилида мавжуд бўлган 5 та келишкнинг 3 таси йўқолиб 2 тага тушиб қолиши каби ҳо-

¹¹⁵ Баган Ж., Бондаренко Е.В. К вопросу о саморегуляции языка // Вестник РУДН. №2. 2008. – С.11.

латлар сабаби таҳлил этилганда юқоридаги ҳар икки омилни ҳам назарда тутиш лозимдир.

Мазкур ўзгаришлар сабаби юзасидан тилшуносликда турли хил қарашлар мавжуд. Айрим олимлар буни, асосан, экстралингвистик омиллар билан боғлиқ деб ҳисоблайди, бунда улар контактлар назарияси (контактология) ва ареал тилшуносликдаги қонуниятларга асосан скандинав тилларининг ёки норманлар истилосидан сўнг норман субстратининг таъсирини асос қилиб келтирадилар.¹¹⁶

Тўғри, тил контактлари таъсирида тилда турли хил янги белгилар юзага келади, лекин улар, асосан, тилнинг очиқ сатҳларида, яъни лексик, қисман фонологик ва синтактик сатҳларида намоён бўлади, тилнинг ёпиқ сатҳи саналган морфологияда деярли кузатилмайди.

Инглиз тили луғатига норман ва викинглар тилига хос кўплаб сўзлар ўзлашган бўлиши мумкин, лекин инглиз тили морфологиясининг даврий қисқариш, грамматик маркерлар билан грамматик категорияларнинг камайиб бориш тенденциясини ҳам у тилларнинг таъсирига боғлаб тушунтириш, бизнингча, бир ёқлама ёндашув саналади.

Жуда кўп тилшунос олимлар морфологик сатҳда тиллараро таъсирланишнинг имконсизлиги ҳақида тўхталганлар. Жумладан, бу ҳақда Э.Сепир ёзади: *«Биз маълум бир тортишувли ҳолатларни истисно қилганда ҳеч қаерда тиллараро морфологик таъсирланишларни топа олмаймиз»*¹¹⁷

Демак, мазкур морфологик ўзгаришларнинг туб илдизиди тил системаси ва структурасининг ўз-ўзини ташкиллаши қонунияти ётганлиги яққол кўринади. Ушбу муаммо лингвосинергетик парадигма асосида таҳлил этилса, унинг ўзига хос ечими топилади.

9. Тилда узуаллик ва окказионалликнинг асосида ҳам синергетик қонуниятлар ётади. Яъни узуаллик (лотинча сўз бўлиб, *uzus* – «оддий», «меъёрий» маъноларини англатади) тил

¹¹⁶ Lehman W. Historical linguistics: An Introduction. – N.-Y, 1962, Geipel J. The Viking Legacy. – Newton Abot, 1971.

¹¹⁷ Sapir E. Language. – N.-Y, 1921. – P.93.

сатҳига хос барқарор белги ҳисобланади. У моҳиятан тартиб-лашган тил сатҳига хос систем-симметрик ва стандартлашганлик ва меъёрийлик ҳолатларини белгилайди.

Окказионаллик эса (лотинча сўз бўлиб, *occasius* – «фавқулоддалик», «тасодифий ҳолат» маъноларини билдиради) нутқ сатҳига хос хусусият саналади. У беқарор ўзгаришларга бой бўлган, хаотик нутқ сатҳига хос асистемлик, асимметрия ва мувозанатсизлик ҳолатларини намоён қилади. Масалан, тилимизда айрим сўз ва ифодаларнинг янги кўчма маъно (оказионал маъно) ҳосил қилиши, янги метафораларнинг юзага келиши, нутқий неологизмларнинг, меъёрий сўз яшаш моделлари асосида янги сўзларнинг (оказионал ясалиш жараёни) ясалиши каби ҳолатларнинг мавжудлиги, бу жараёнларда аста-секинлик билан окказионалликдан узуалликка томон силжишлар синергетиканинг хаосдан тартибнинг, беқарорликдан барқарорликнинг юзага келиши қонунияти билан мувофиқ. Масалан, «оқ ажал», «аср вабоси», «компьютерчи» каби сўз ва ифодалар тилимизда узуаллашиб, янги тил бирликлари сифатида ишлатилмоқда.

Окказионаллик, айниқса, поэтик тилда яққол намоён бўлади. Нобель мукофоти совриндори И. Бродский ёзади: «*Шоир тил мавжудлигининг воситасидир. Поэзия эса тил мавжудлигининг энг олий шаклидир*»¹¹⁸

Поэтик тил кутилмаган, тасодифий ва фавқулодда учрайдиган ташбеҳлар, образли ифодаларга бой. Шу жиҳатдан илмда идиостиль, поэтик тил, ижодий индивидуаллик, ёзувчи услуби каби тушунчалар мавжуд. Бу ҳодисалар лингвопоэтиканинг ўрганиш объектидир. Лингвопоэтикага доир ўзбек тилшунослигида бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса ҳам, лекин мазкур тадқиқотларда структурал ва герменевтик таҳлилдан кўп фойдаланилган. Поэтик тилни тадқиқ этишда синергетика тамойилларини ҳам мақсадли тарзда қўллаш ижобий натижалар бериши табиий. Бу йўналишда юқорида қайд этилган Е. Ю. Муратованинг «*Лингвосинергетика поэтического текста*» номли монографияси алоҳида аҳамиятга молик.

¹¹⁸ Бродский И. Нобелевская лекция // Бродский И. Форма времени. Стихотворения, эссе, пьесы. Т.2. – Минск, 1992. – С.461.

10. Кейинги пайтларда тилшунослик фанининг тараққиёти натижасида геоллингвистика ва эколлингвистика каби янги йўналишлар юзага келди. Ҳар икки соҳа ҳам тилларнинг яшаб қолиши ва истиқболи, тилларнинг ўлиш жараёни, йўқолиб бориш ва ўлим хавфи остида турган тиллар (**endangered languages**) каби муаммоларни ўрганади.

Мазкур жараёнларнинг илмий талқинида синергетика тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, субстрат ва суперстрат ҳолати тушунтиришда аттрактор тамойили қўл келади. 1066 йили норманлар Англияни босиб олгандан сўнг мамлакат ҳудудида 3 та тил – инглиз, француз ва лотин тиллари рақобатлашди. Бунда инглиз тили аттракторлик ролини бажариб «ғолиб» бўлди.

Ёки тарихда халқаро тил сифатида мусулмон оламида араб тили, христиан оламида лотин тилининг ишлатилганлиги, ҳозирги глобаллашув жараёнида эса бу мақомни ягона инглиз тили эгаллаганлиги, келажақда хитой тили мазкур мақомга эга бўлиши мумкинлиги ҳолатларини тўғри баҳолашда «аттрактор» тушунчаси ёрдам беради.

Дунёда 3000 дан ортиқ тиллар ичида муайян бир тилнинг «глобал алоқа воситаси» бўлишга интилиши ва бу жараёнда «аттракторлик» ролини ўйнаши (бошқа барча тилларни ўз таъсир доирасига олиши ва ўзига жалб этиши) синергетика қонунларининг амал қилишини тасдиқлайди. Мазкур жараён билан боғлиқ равишда мусулмон дунёсидаги тилларга араб тилининг (ўша тиллар луғатида арабизмларнинг кўплаб учраши), христиан дунёсидаги тилларга лотин тилининг (ўша тиллар луғатида лотинча сўзларнинг кўплиги) кучли таъсири, ҳозирги кунда эса барча тилларга инглиз тилининг таъсири (барча тилларнинг луғатига американизмларнинг фаол кириб келаётганлиги) сезилиб туради.

11. Аттрактор тизимнинг динамикасини белгиловчи ва тизим эволюциясини йўналтирувчи нуқта бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати тизим эволюциясининг барча траекториясини ўзига тортиши, жалб этишидир.

Ю.И.Леденевнинг фикрича, фонетик сатҳда унли товушлар

аттрактор вазифасини бажаради, чунки улар фонетик занжирни яратишда ундош товушларни ўзига тортади ва уларни бир-бирига улаган ҳолда бўғинларни ҳосил қилади.

Бўғинларда аттракция йўналишининг 3 тури фарқланади: а) регрессив аттракция – очиқ бўғинларни ҳосил қилади; б) прогрессив аттракция – ёпиқ бўғинларни ҳосил қилади; с) регрессив-прогрессив аттракция – беркитилган ёпиқ бўғинларни ҳосил қилади.

Фонетик сатҳда аттракция семантик омил эмас, балки фақат фонетик омил саналади.¹¹⁹

Морфем-морфологик сатҳда аттракция морфеманинг ўзакка бирикиши билан боғлиқ бўлади. Мазкур сатҳда прогрессив аттракция биринчи морфеманинг ўзакка бирикиши, регрессив аттракция эса охириги морфеманинг қўшилиши билан белгиланади.

Лексик-семантик сатҳда аттракция полисемия, омонимия, синонимия сифатида юзага чиқади. Полисемияда ички алоқадорликка, мантикий мотивацияга эга сўз маънолари бир лексемага тортилади. Масалан, «йўл» сўзининг 17 хил маъноси биргина шу сўз орқали ифодаланади.

Омонимияда ички алоқадорликка, мантикий мотивацияга эга бўлмаган бир нечта сўз (энг камида иккита) ягона шаклга тортилади.

Синонимияда бир умумий маъно турли хусусий оттенкаларни кўрсатувчи бир неча шакллар ёрдамида ифодаланади, бунда доминант сўз аттракторлик вазифасини бажаради.

Тил системасида лексик ва синтактик сатҳда валентлик аттрактор вазифасини бажаради, предикатив алоқа ва гап бўлаклари тизимида кесим барча гап бўлақларини уюштирувчи «стержень» вазифасини ўтайди ҳамда гап бўлақларини ўзига тортади.

12. В.А.Маслова «Синергетика ва лингвистика: модами ёки билишнинг янги парадигмаси?» номли мақоласида ёза-

¹¹⁹ Леденев Ю.И. Когнитивно-прагматическая аттракция в языке // Язык как воплощение культуры: лингвистическая, переводческая и дидактическая рефлексия. Ч.1. – Ставрополь: СГУ, 2006. – С.144 – 149.

ди: «Синергетика бугунги фан оламида ўзига хос воқеа бўлди, унинг барча соҳаларга кириб келаётганидан уни айрим олимлар «мода»га ўхшатмоқда. Аслида, синергетика мода эмас, балки у янги илмий парадигмадир.

Синергетиканинг тилшуносликка кириб келишини ижобий воқеа сифатида баҳолаш лозим. Синергетиканинг тилшуносликка татбиқ этилиши «**тилнинг ночизиқли назарияси**» каби янги назариянинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу назария ўзининг Пригожинлари ва Мандельштамларини кутмоқда.

Айниқса, синергетика поэтик тилни ўрганишда янги илмий талқинларга олиб келади. Поэтик тилнинг ранг-баранглиги, айниқса, поэтик матннинг прагматик ва окказионал маъноларга бойлиги уни ночизиқ динамик тизим сифатида таҳлил қилишга имкон беради». ¹²⁰

Дарҳақиқат, поэтик матннинг, айниқса, тил қонуниятларини бузишга мойил бўлган модерн, постмодерн шеърининг тил хусусиятлари таҳлилида синергетика методологик асос бўлиши мумкин.

Муайян шеърларда учрайдиган узул аспектдаги валентлик қонуниятининг (лексик ва грамматик валентлик) бузилиши, шеърда тиниш белгиларини ишлатмаслик, окказионал ясалмаларнинг мавжудлиги, шеърга хос ритмик симметриянинг бузилиши каби ҳолатларнинг илмий таҳлилида хаос, диссипация, флуктуация тамойилларига таяниш лозим.

Синергетика тилдаги аномалияларни тадқиқ этишга имкон берувчи илмий парадигмадир. Б.Рўзимуҳаммад, Фахриёр каби шоирлар яратган ижод намуналари синергетик парадигма асосида таҳлил қилиниши лозим. Масалан, «Гўрлар қисир – туғишдан қолган» сатрларини олайлик. Бу ўринда грамматик меъёр бузилмаган, лекин сўзларнинг бирикувчанлиги, лексик-семантик валентлик билан боглиқ номувофиқлик кўзга ташланади. Лекин шеърнинг мазмунини чуқурроқ мушоҳада қилсак, унинг

¹²⁰ Маслова В.А. Синергетика и лингвистика: мода или новая парадигма знания // Учёные записки Таврического национального университета. Серия «Филология». Т.20 (59). №1. 2007. – С.88.

асл мазмуни реаллашади. Яъни бунда шоир чуқур ижтимоий дардни шу тарзда ифодалаган.

Бу миллий қаҳрамон саналган Гўрўғлининг «*гўр фарзанди*» деган мифологик тасаввур билан боғлиқ бўлиб, мисра остида «бугунги кунда паҳлавонлар, Гўрўғлилар туғилмаётгани» билан боғлиқ миллат дарди ўзига хос тарзда тасвирланган.

13. Социолингвистика фанидаги билингвизм (икки тиллик), полилингвизм (кўп тиллик), диглоссия, кодлар алмашинуви (code-switching), тил интерференцияси каби ҳолатларни ўрганишда ҳам синергетика тамойилларидан фойдаланиш ўринлидир.

Швейцариядаги лисоний вазиятга кўра у ҳудудда 4 та тилдан фойдаланилиши, айрим давлатларда билингвизмнинг кузатилиши, тилда бир неча услубларнинг ишлатилиши, ҳар бир тил ташувчисининг нутқий вазиятга мос ҳолда тилнинг экзистенционал (яшаш) шаклларида бирини танлаши, кодлар алмашинувининг юз бериши, тил тизимида вульгаризм, варваризм, жаргонизм, арго ва сленгларнинг мавжудлиги қабилар тилдаги ўзига хос «синергетика»ни англатади.

14. Бобо тилнинг реконструкцияси билан шуғулланувчи **ностратик тилшунослик** муаммоларини ўрганишда, бобо тилдан тил оиалари ва туркумларининг тармоқланиши жараёнини тушунтиришда («босқичли ўтишлар»нинг талқинида), бунда аттракторларнинг ажралишида синергетика методологик асос бўла олади.

Бодуэннинг статика ва динамика ҳақидаги қарашлари, структурализм тарихидаги синхрония ва диахрония масаласида тилнинг динамик аспекти саналган диахрония синергетика механизмларига амал қилишини таъкидлаш лозим. Демак, асосан, диахроник аспектдаги тадқиқотларда синергетик ёндашувга кўпроқ эҳтиёж сезилади.

15. Компьютер лингвистикасида гипертекст технологияси, автоматик ўқитиш тизимлари, автоматик таржима, автоматик таҳрир муаммолари синергетик парадигма асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Матн структураси компьютер технологиялари вужудга кел-

гунга қадар чизиқли тизим сифатида ўрганилган. Интернет тизимининг юзага чиқиши билан матн структурасига бўлган ёндашув ҳам ўзгарди. Бу синергетик парадигмадаги нозиклик тараққиётга мос равишда матн структурасида гипертекст технологияси яратилди.

Кўпгина тадқиқотчилар гипертекст тизимини янги информация эрнинг бошланиши, виртуал оламга дастлабки қадам сифатида баҳоладилар. Чунки бу тизим янги турдаги матн структурасини вужудга келтирди.

Гипертекст тизими 1960 йили Т.Нелсон томонидан яратилган. Ушбу тизим матнларни ва унинг қисмларини турли хил усулларда, ҳар хил қаторда, ихтиёрий кетма-кетликда ўқишга имкон беради.¹²¹

Бу эса кўрилган матнларнинг ўрнини, кетма-кетлигини эслаб қолишга ва хоҳлаган вақтда фойдаланувчи учун керакли матнни танлаб олишга ва тезкор муружаат этишга ёрдам беради.

Гипертекст компьютерда бошқа матнларга гиперҳаволалар ёрдамида боғлашга, шунингдек, турли хил жадваллар, схемалар, расмлар, видеороликларда ҳам эркин навигация қилиш имконини беради.

Асосан, гипертекст World Wide Web (Жалқаро ўргимчак тўри), интернет тизими структурасини кўрсатувчи тушунча бўлиб, у орқали интернет тизимида информация тарқалишида қулайлик, осонлик, оптималлик таъминланади.

Интернет олами виртуал олам саналгани учун, биз ундаги биринчи оламдан иккинчи оламга ҳеч қандай тўсиқларсиз ўта оламиз. Мана шу виртуалликни бизга таъминлаб берувчи тизим гипертекстдир.

16. Тилшунослик тарихида тилларнинг қиёсий-тарихий ўрганилиши дастлаб тилларнинг софлиги ҳақидаги илмий фаразга, дунё тилларининг ҳаёти дастлабки таркиб ҳамда қурилишда турли йўналишларда абадий ва ўзгармас оқимда аралашмаган ҳолда кечади деган қарашга асосланган эди. Айни шундай мулоҳазалар йирик илмий тадқиқотларда ҳам айtilган. Олимлар-

¹²¹ Субботин М.М. Гипертекст. Новая форма письменной коммуникации. ВИНТИ. Сер. Информатика. 1994. – С.18.

дан К.Бругман ва А.Делбрюк ҳам ўз тадқиқотларида шу фикр-ни этимологик жиҳатдан яқин бўлган бир неча сўзлар асосида исботлашга ҳаракат қилганлар.

Таҳлилга тортилган мисоллар тилнинг бутун луғат бойлигини (лексиконини) қамраб олмаган. Ҳаммага маълумки, келиб чиқиши ва аслича ўша тилга мансуб сўзлар ҳар қандай тил луғатида учрайди, лекин фақат ўша сўзлардан келиб чиқиб тилнинг софлиги ҳақидаги таги пуч ғояларни илгари суриш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Далиллар дунё тилларининг ҳаммаси бир-бирига таъсир қилишини, доимо ўсиш ва ривожланишда эканлигини, узлуксиз тараққиётда бўлишини тасдиқлайди. Бошқа тилга мансуб бегона унсурларнинг муайян тилда кузатилиши, сўз ўзлаштириш жараёни, калькалар, ҳар қайси тилда варваризмларнинг мавжудлиги тилларнинг ўзгарувчан ва мураккаб динамик очиқ система (инерт ҳодисамаслигини) эканлигини билдиради.

Ўзбек тилида араб, форс-тожик, мўғул, рус, инглиз тилларидан ўзлашган сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу ўзбек тилининг лексикони ташқи омиллар ҳисобига бойишига олиб келган.

Гарчи ушбу ёт унсурлар ўзбек тилига ниҳоят даражада ассимиляциялашиб кетган бўлса ҳам, ўзлашмаларда бегона тиллар таъсири борлиги сезилиб туради. Умуман олганда, тилларнинг софлиги ҳақидаги ғоялар илмий жиҳатдан етарли асосга эга эмас.

Бугунги кунда тилшуносликда ҳеч қайси тилнинг соф эмаслиги, дунё тилларининг аралаш табиатга эгаллиги ҳақидаги илмий тезис олимлар томонидан кенг эътироф этилган.

Унгача тилшунос олим Гуго Шухардт 1885 йили «*О фонетических законах*» («*Фонетик қонуниятлар ҳақида*»), «*К вопросу о языковом смешении*» («*Тилларнинг аралашуви масаласи ҳақида*») номли тадқиқотларида, И.А.Бодуэн де Куртенэ 1901 йили эълон қилган «*О смешанном характере всех языков*» («*Барча тилларнинг аралаш табиатга эгаллиги тўғрисида*») мақоласида ҳар қандай тил ҳеч бўлмаганда минимал даражада аралаш табиатга эгаллиги ҳақида ягона хулосага келдилар.

17. Ареал тилшуносликдаги етакчи ғоялардан бири лингвистик узлуксизликдир. Яъни тил ёки шевалар ўртасида аниқ чегаралар мавжуд бўлмай, ҳар бир тил ёки шевани иккинчисига нисбатан оралиқ шева деб қабул қилиш мумкин. Лингвистик ҳодисалар аста-секинлик билан жойдан жойга ўзгаради.

Бу ғояни лисоний типларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Чунки лисоний тип ҳеч бир тилда соф ҳолатда кузатилмайди, улар бир-бирига ўтиб туради, узлуксиз тарзда типлар бир-бирида намоён бўлади. Бу типларнинг синергетик парадигма асосида ривожланишини кўрсатади. Лингвистик узлуксизлик назарияси буюк немис тилшуноси Иоганн Шмидтнинг «тўлқин назарияси»¹²² асосида шаклланганлиги шубҳасиздир.

Маълумки, И.Шмидтнинг тўлқин назарияси ҳинд-европа тилларининг келиб чиқишини тушунтирувчи жўн назарияга қарши ўлароқ майдонга келган эди. У Август Шлейхернинг бобо тил концепциясини инкор этади. Унинг талқинича, ҳар бир инновация марказдан тарқалаётганда, аввало, географик жиҳатдан яқин ҳудудларни (ядро), сўнгра чекка (периферия) ҳудудларни қамраб олади. Бу худди сувга тош ташлаганда ҳосил бўладиган ҳалқаларни эслатади. Шунга мувофиқ ўзбек тили учун агглютинация ядро нуқта ҳисобланса, фузия, инкорпорация типлари периферик нуқта сифатида баҳоланиши мумкин.

Тилга синергетика методологияси асосида ёндашиш тилшуносликда мавжуд назарияларга янгича қарашларни юзага келтирмоқда. Айниқса, тилдаги мавжуд қонуниятларнинг нисбийлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Тилдаги жуда кўп ҳодисалар учун барқарор ва ўзгармас «формула» яратиб бўлмайди. Чунки тилдаги ҳар қандай қонуният кўпроқ нисбийлик характериға эга. Шунинг учун тилшуносликнинг барча сатҳларида қонун-қоидадан ташқари бўлган тил «формуласи»га тушмайдиган истисно ҳолатлар кўп учрайди. Жумладан, бундай ҳолатни тилларнинг морфологик таснифида ҳам кўришимиз мумкин.

Морфологик таснифга асосланиб маълум бир тилни фақат

¹²² Қаранг: Серебренников Б.А. *Общезыковедческие аспекты теории волн Иоганна Шмидта // Ареальные исследования в языкознании и этнографии.* – Л., 1975. – С.5.

бир тип ичидагина, бир доирадагина ўрганмаслик керак. Бунда бир типдаги тилларнинг бошқа типдаги тиллар билан муносабати, баъзи бир истисно ҳолатларни ҳам эътиборга олиш зарур. Аниқ тиллар мисолида типларнинг учраш даражаси ҳар хил бўлади, аммо шуни айтиш керакки, барча лисоний типлар бир тил доирасида ҳам кузатилади. Фақат қайсидир тип кўпроқ кузатилса, қайсидир тип камроқ учрайди.

Морфологик таснифда энг марказий нуқталар ҳисобга олинган. Масалан, ўзбек тилидаги агглютинация барқарор ҳолат, ундаги фузион белгилар беқарор ҳолат ҳисобланади. Турли тизимга мансуб тиллардаги хусусиятлар бир-бирида намоён бўлади, яъни фузион тилларда агглютинатив тилларга хос, агглютинатив тилларда фузион тилларга хос, инкорпоратив тилларда агглютинатив ёки фузион тилларга хос унсурлар учрайди. Шунинг учун ҳеч қайси тилни мутлақ фузион, мутлақ агглютинатив ёки мутлақ инкорпоратив тил деб ҳисоблаб бўлмайди.

Типлар назариясига доир изланишлар шунга олиб келдики, ҳар қандай тилни ягона параметр асосида ўрганиш илмий ҳақиқатга эришиш учун тўғри ёндашув эмас. Бунда биз кўплаб параметрларни танлаб олишимиз ва тилларда уларнинг қай даражада учрашини аниқлашимиз лозим. Типлар назариясида бундай кўппараметрлилик асосида ёндашув илмий ҳақиқатнинг уфқларини кенг очиб берди. Яъни ҳар бир тилни монотипологик аспектда эмас, балки политипологик аспектда ўрганиш йўлига ўтиш методологик жиҳатдан муҳимдир.¹²³ Политипологик аспектда тадқиқотларни амалга оширишнинг натижалари шу бўлдики, дунёдаги исталган тил политипологик хусусиятга эга, унда танланган параметрларнинг деярли ҳаммаси у ёки бу даражада учрайди.

18. Синергетикага кўра, ҳар қандай жумла амфиболик функционаллашиш имкониятига эга. Амфиболия термини луғатларда (юнонча *amphibolia* – икки томонламалик, икки маънолилик) «икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги» тарзида изоҳланади.

¹²³ Қаранг: Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – М.: Просвещение, 1989. – С.31.

Мазкур ҳодиса ҳақида Аристотель ҳам ўзининг «Риторика» рисоласида махсус тўхталган: «Услубнинг аниқ ва равшанлиги риторикада ўта муҳимдир. Агар нутқ тушунарсиз бўлса, у ўз вазифасини бажармаган бўлади. Лекин шуни ҳам назарда тутиш зарурки, баъзан икки маъноли ифодалар мақсадли тарзда ишлатилиши мумкин. Айниқса, бундай ифодалар софистлар учун кўл келади».¹²⁴

Масалан, *Сиз аҳмоқ одам эмассиз* жумласининг мазмунини икки хил тапқин этиш мумкин: биринчиси, сиз аҳмоқ одамлардан эмассиз; иккинчиси, сиз – аҳмоқ, одам эмассиз. Бу амфиболиянинг энг содда кўринишидир. Бундай ифодалар тилимизда кўп учрайди. Демак, амфиболия (матн омонимияси, матн мазмунининг ҳар хиллиги), бир томондан, нутқнинг камчилиги, коммуникацияга тўсиқ бўлувчи нуқсон сифатида баҳоланса, бошқа томондан, у нотиқнинг маҳоратини кўрсатувчи риторик усул ҳамда сўзловчининг коммуникатив ниятини юзага чиқаришнинг прагматик омили ҳисобланади.

Аслида, моҳиятан олиб қараганда, амфиболия турли хил услубдаги ва жанрдаги матнлар учун хос мунтазам кузатиладиган ҳодиса саналади. Амфиболиянинг тил учун аҳамиятсиз ҳодиса эмаслигини писоний белги учун хос асимметрик дуализм (мазмуннинг чексизлиги ва уни ифодаловчи писоний воситаларнинг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик) билан асослаш мумкин.

С.Карцевскийнинг таъкидлашича, белги ва ифода (маъно) тўлиқ бир-бирини қоплай олмайди. Уларнинг чегаралари барча нуқталарда кесишавермайди: бир белги бир қанча вазифаларга эга бўлиши ёки бир маъно турли хил белгилар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Ҳар қандай белги бир вақтнинг ўзида «омоним» ва «синоним»лик имкониятига эгадир.¹²⁵

19. Тил эволюциясини тушунтиришда «экономия» принципи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг учун А.Мартине,

¹²⁴ Аристотель. Риторика. Поэтика. – М., 2000. – С.114.

¹²⁵ Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. Ч.2. – М., 1965. – С.85.

А. Нурмонов каби олимлар лингвистик эволюциянинг илмий-назарий талқинида, айниқса, фонетик ўзгаришларнинг сабабларини аниқлашда «экономия» принципига таянганлар.¹²⁶ Уларнинг фикрича, айнан «экономия» принципи фонологик системаларнинг функционаллашувини бошқариб, тартибга солиб туради. Шунга монанд фикрни Пол Пассида ҳам учратамиз: «*Тил ҳам-ма вақт ихчамликка, ортиқча нарсалардан соқит бўлишга ва лисоний эҳтиёждаги нарсаларга зришишга интилади*».

Ўзбек тилида фонетик тежаш принципига мувофиқ полисиллабик (кўп бўғинли) сўзларда айрим бўғинлар ва товушларнинг тушириб қолдирилиши, бу билан кам фонацион энергия сарфлаш, сўзнинг шаклий томонини тежашга интилиш ҳолатлари кўп учрайди. Масалан, *олиб бор – оббор – обор* (Андижон шеваси); *олиб бер – оббер – обер* (Тошкент шеваси); *олиб кел – обкел – обке* (Тошкент ва Андижон шеваси).¹²⁷ Ушбу сўзларни диққат билан кузатсак, борган сари уларда қисқаликка интилиш тенденциясини кузатамиз.

Ёки бегойим, бугун, нетай, найлай каби сўзларда ҳам ушбу тенденциянинг амал қилишини кузатиш мумкин.

Бегойим ⇒ бека + ойим. Бунда бегойим сўзида дастлаб биринчи компонент охиридаги «а» унлиси тушиб қолган, кейинчалик контакт ҳамда тўлиқсиз ассимиляция ҳодисаси юз берган, натижада сўз шундай ҳолга келган.

Бугун сўзи ⇒ бу + кун. Ушбу сўзнинг иккинчи компонентидаги «к» товуши интервокал ҳолатга тушиб жарангилашув ҳодисаси юз берган («г» га алмашган), оқибатда сўз ажралмас ҳолга келган. Бу сўздаги ўзгаришларни тилшунослиқда монументал китоб ҳисобланган «*Древнетюркский словарь*» луғатида шундай талқин билан изоҳ берилган: «*Бу равиш асли бу кўрсатиш олмоши ва бир кеча-кундуз маъносини англатиб*

¹²⁶ Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях. – М., 1960; Нурманов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973.

¹²⁷ Қаранг Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд: Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 273 – 274.

қатнашган *кўн* сўзларидан тузилган бирикмани (*бу кўн* ↔ *сегодн*) бир сўзга бирлаштириш билан ҳосил бўлган (*бўкўн*); *кўн* сўзи таркибидаги унлининг таъсири билан бу олмоши таркибидаги у унлиси ҳам юмшоқ талаффуз қилинган, кейинчалик *ў* унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган, бирикма яхлит талаффуз қилингани сабабли икки унли оралигидаги к ундоши ғ ундошига алмашган: *бу кўн* ⇒ *бўкўн* ⇒ *буkun* ⇒ *бугун*». ¹²⁸

Нетай ⇒ *не + тай*, *найлай* ⇒ *на + айлай* каби сўзларда синерезис ҳодисаси кузатилади. ¹²⁹ Яъни ёнма-ён келган икки унлидан бири тушиб қолган ва сўз яхлитланган. Ушбу сўзларда кам фонацион энергия сарфлаш учун бир бўғин тушиб қолганлиги кўриниб турибди. Р.Будагов бу хусусда ёзади: «*Бугунги кунда экономия принципи тил тараққиётини белгилайди, бунда фонацион энергия тежалади*». ¹³⁰

Плеоназм (ортиқчалик) тил системасида барқарорликнинг шарти сифатида мавжуд. У бир қарашда тил системасидаги аномалия, адабий тил меъёрлардан четлашишга ўхшаб кўрилади. Аслида, тилда ҳеч қандай ортиқча нарса мавжуд эмас. Инсон организмдаги «аппендицит» («кўричак») ҳеч қандай вазифа бажармайдиган ортиқча аъзодек кўринса ҳам, унинг ҳам организмдаги ўз-ўзини ташкиллаш жараёнидаги аҳамияти юқоридир. Бу тушунча остида ўзига хос парадоксни кузатиш мумкин. У юзаки қараганда тил системасидаги «флуктуация» сифатида баҳоланиши мумкин. Лекин ортиқчалик, аслида, тилдаги беқарорлик ёки асистемликнинг оқибати эмас, балки у тил эволюцияси давомида аттракциянинг маҳсулидир.

Плеоназм ва адабий меъёр муносабати ўзбек тилшунослигида Н.Маҳкамов томонидан махсус тадқиқ этилган. Олимнинг фикрича, тилдаги плеоназм қонуний ва табиий ҳодисасидир. У тил экономиясига зид ҳодиса бўлса-да, айти пайтда, диалектик ўзаро боғлиқдир. Бунда, асосан, шаклдаги ортиқчалик назарда тутилади, мазмун томондан барқарорлик таъминланади. Яъни

¹²⁸ Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С. 119.

¹²⁹ Қаранг: Нурмонов А. Синерезис // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. №2.

¹³⁰ Будагов Р. Человек и его язык. – М., Прогресс, 1976. – С. 141 – 142.

шаклий асимметрия натижасида юзага келган «мувозанатсизлик» (энтропия) мазмуний симметрия ҳисобига бартараф этилади. Масалан, *бош-оёқ сарпо* (*сарпо* сўзи форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, у «*бош-оёқ*» маъносини англатади, лекин бу ерда маънода силжиш рўй берган) деганда биз бирор кишига инъом этиладиган уст-бошларни, *лаҳм гўштда* (*лаҳм* сўзи араб тилидан ўзлашган бўлиб, «*гўшт*» маъносини англатади, лекин бу ўринда бошқача семантик юкка эга) суяксиз гўшт маъноларини англаймиз.¹³¹ Ваҳоланки, таҳлил этилган сўзларнинг мазмунига эмас, фақат шаклига (ифода томонига) эътибор қаратсак, бир сўзнинг икки марта ортиқча қўлланилишига гувоҳ бўламиз.

Демак, тил системасида плеоназм (ортиқчалик) ва экономия (тежаш, иқтисод) бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этувчи диалектик қонуниятлардир. Плеоназм ва экономия тил системасидаги динамик мувозанатни, тартибсизликдан тартибнинг, беқарорликдан барқарорликнинг юзага чиқишини, тилнинг ўз-ўзини ташкиллаши ва тартибга солиш механизмини, қисқасини айтганда, «тилдаги ҳаёт» ва «тадрижий тараққиёт»ни таъминлайди.

¹³¹ Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 11.

ХУЛОСА

1. Синергетика янги фан парадигмаси сифатида дунёнинг сирли манзарасини тушунтириб бериши мумкин. Хаос, диссипация, бифуркация, флуктуация, ночизиқ тараққиёт, козволюция каби тамойиллар ва категориялар мураккаб тизимларнинг, хусусан, тил системасининг яшаш ва ривожланиш қонуниятларини изоҳлашда қулай имконият яратиб беради.

2. Тилга синергетик методология асосида ёндашиш ва тадқиқ қилиш тилшунослик учун янги ҳодиса эмас. Чунки тилни узлуксиз тараққий этувчи ҳодиса сифатида талқин қилувчи мумтоз тилшуносликда ҳам, тилни система сифатида талқин қилувчи систем-структур тилшуносликда ҳам аллақачон тилнинг синергетик табиати хусусида муайян қарашлар айтиб ўтилган. Демак, синергетика мумтоз тилшуносликдаги қарашларни ва систем-структур методологияни инкор этмаган ҳолда уни тўлдирувчи ва тилнинг тизимли табиатини янги босқичда ўрганувчи, тилнинг динамик-систем хусусиятларини тадқиқ қилувчи методологиядир.

3. Тилда ҳар хил лисоний ва нолисоний таъсирларнинг тарқалиши натижасида янги белгилар, морфологик структуралар юзага келади. Хусусан, туркий тилларда фузия унсурларининг мавжудлиги, ҳинд-европа тилларида агглютинация, аналитизм тенденцияларининг учраши, хитой, вьетнам тилларида изоляция билан ёнма-ён агглютинация тенденциясининг ривожланаётгани, икки ёки ундан ортиқ тилларнинг корпоратив таъсирлашуви натижасида креол ва пижин тилларнинг шаклланаётгани каби далиллар тилнинг диссипатив тизим эканини, ҳар хил эффе́ктлар ҳисобига синергетик парадигма асосида тараққий этишини кўрсатади. Буни ўзига хос лингвосинергетик парадигма деб номлаш мумкин.

4. Тилда лисоний типларнинг стадиал тараққиёти «ночиқиқ» тараққиёт траекториясига эга бўлади, яъни бир лисо-

ний тип маълум вақт доминантлик қилади, тарихий тараққиёт жараёнида у синергетиканинг флуктуация, бифуркация, полифуркация қонунлари асосида «эгри чизиқ» динамикаси бўйича ривожланади. Шу тарзда лисоний типлар барқарорлик-беқарорлик, устуворлик-ноустуворлик, тартиб-тартибсизлик каби синергетик парадигманинг асосий тамойиллари асосида ривожланиш траекториясига эга бўлади.

5. Тилнинг тизимли табиати ҳақидаги талқин замонавий тилшунослиқда кенг эътироф этилди. Лекин кўпгина далиллар баъзан тилнинг асистем моҳияти ҳақида ҳам мулоҳаза юритиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Асли системадек кўринган ҳодисалар кўпроқ асистемлик, беқарорлик, ночизиқли ривожланиш босқичларини босиб ўтган бўлади. Бу эса тил системасининг динамикасида яққол кўзга ташланади. Демак, синергетика тил системасини тушунишда ҳам мавжуд қарашларни янги талқинлар ва ёндашувлар билан бойитади.

6. Синергетика асистем ҳодисаларни типнинг функционаллашуви билан асосланадиган қонуний жараёнлар сифатида баҳолашга имкон беради. Тил меъёрларидан четлашиш ҳолатларини тавсифлашда синергетикага таяниш мақсадга мувофиқ.

Синергетика тилдаги аномалиялар, тил сатҳларидаги асистемлик, аграмматикализмлар, лингвистик парадоксларни тушунтириб берувчи методология бўла олади.

7. Тиллар ўртасидаги рақобат, тилларнинг ўлиши, кўп маъноли сўзлар тараққиёти, метафораларнинг юзага келиши, кўп маъноли сўзлардаги ички мотивациянинг йўқолиши натижасида омоним сўзларнинг ҳосил бўлиши, маъно тораиши, маъно кенгайиши, архаиклашув ва ренеологизация, адабий норманинг бузилиши, тилдаги ортиқчалик ва иқтисод тенденцияси, грамматикализация (мустақил маъноли лексемаларнинг грамматик шаклларга айланиш жараёни), гап структурасидаги ўзгаришлар, эллиптик қурилмалар, окказионализмлар (окказионал сўзлар, окказионал

ясалмалар, окказионал сўз бирикмалари) сингари ҳодисалар синергетик ёндашув асосида тўғри ва объектив баҳосини топиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 327 б.

2. Каримов И. Ўзбекистон ХХI асрга интиломқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.238.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Абдуллаева М.Н. Синергетика – новые возможности познания и действия // Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2009.

6. Абдуллаева М.Н. Философия случайности / Синергетика: ривожланиши ва истиқболари. – Наманган, 2010. – Б.49.

7. Алефиренко Н.Ф. Когнитивно-синергетическое освещение процессов неолфразеологизации // Фразеологизм и слово в национально-культурном дискурсе (лингвистический и лингвометодический аспекты). – М., 2008. – С.23 – 28.

8. Аристотель. Риторика. Поэтика. – М., 2000. – С.114.

9. Арнольд И.В. Современные лингвистические теории взаимодействия системы и среды // ВЯ. 1991. №3. – С.118 – 126.

10. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М., 1976.

11. Аршинов В.И., Свирский Я.И. Синергетическое движение в языке // Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. – М., 1994. – С.36.

12. Баган Ж., Бондаренко Е.В. К вопросу о саморегуляции языка // Вестник РУДН. №2. 2008. – С.11.

13. Базылев В.Н. Онтологические проблемы языкознания ХХ века: актуальные гипотезы о динамическом представле-

нии синхронной системы // Лингвистика на исходе XX века: итоги и перспективы: тез. междунар. конф. Т.1. – М., 1995. – С.38.

14. Базылев В.Н. Новая метафора языка (семиотико-синергетический аспект). – М., 1999.

15. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1965. – С.29.

16. Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. – М., 2003. – С.12.

17. Белоусов К.И. Синергетика текста: От структуры к форме. – М.: ЛИБРОКОМ, 2008. – 248 с.

18. Билиш фалсафаси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б.236.

19. Бозоров Д. Синергетик парадигма. – Тошкент, 2009.

20. Бозоров Д. Синергетика парадигмасининг фалсафий-методологик таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б.4.

21. Бондаренко Е.В. Эволюция языковой системы в диахронии (лингвосинергетический и прогностический аспект): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Белгород, 2007. – С.11 – 12.

22. Бродский И. Нобелевская лекция // Форма времени. Стихотворения, эссе, пьесы. Т.2. – Минск, 1992. – С.461.

23. Будагов Р. А. Человек и его язык. 2-е изд. – М., 1976.

24. Бялоус Н.И. Принципы фрактальности в структуре художественного текста // Лингвистические парадигмы и лингводидактика. – Иркутск, 1997.

25. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – М.: Просвещение, 1989. – С.31.

26. Герман И.А., Пищальникова В.А. Введение в лингвосинергетику. – Барнаул, 1999.

27. Герман И.А. Речевая деятельность как самоорганизующаяся система (к становлению лингвосинергетической парадигмы). – Барнаул, 1999.

28. Герман И.А. Лингвосинергетика. – Барнаул: Алтайская академия экономики и права, 2000.
29. Гийом Г. Принципы теоретической лингвистики. – М., 1992.
30. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.
31. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М., 1985.
32. Гурал С.К. Синергетика и лингвосинергетика // Вестник Томского государственного университета. 2007. №302. – С.7.
33. Данилов Ю.А., Кадомцев Б.Б. Что такое синергетика? // Нелинейные волны. Самоорганизация. – М.: Наука, 1983. – С.3 – 4.
34. Девис П. Случайная Вселенная. – М.: Мир, 1989. – С.165.
35. Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С.119.
36. Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. – М.: Комкнига, 2006. – С.31 – 32.
37. Каган М.С. О синергетическом подходе к построению современной онтологии / Синергетическая парадигма. Когнитивно-коммуникативные стратегии современного научного познания. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. – С.362.
38. Капица С., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. – М.: Рипол, 1997. – С.5.
39. Каримов Б.Р. Синергетика ва звристиканинг илмий библиш жараёнидаги ўрни // Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). – Тошкент, 2013. – Б.62 – 63.
40. Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. – М., 1965. 3-е изд. Ч. 2. – С.85 – 93.
41. Касериу Э. Синхрония, диахрония и история // Новое в лингвистике. Вып.III. – М., 1963. – С.220.
42. Климонтович Ю.Л. Введение в физику открытых систем // Соросовский образовательный журнал. 1991. №8. – С.111.

43. Князева Е.Н. Случайность, которая творит мир // В поисках нового мировоззрение. – М.: Знание, 1991. – С.18.
44. Князева Е.Н. Законы эволюции и самоорганизации сложных систем. – М.: Наука, 1994. – С.65.
45. Князева Е.Н. Одиссея научного разума. Синергетическое видение научного прогресса. – М., 1995. – С.52.
46. Князева Е.Н. Саморефлективная синергетика // Вопросы философии. – М., 2001. №10. – С.106 – 107.
47. Концепция самоорганизации: становление нового образа мышления. – М., 1994. – С.36.
48. Курилович Е. Очерки по лингвистике: Сборник статей. – М.: ИЛ, 1962.
49. Ласло Э. Век бифуркации: постижение изменяющегося мира // Путь. 1995. №1. – С.3 – 129.
50. Леденев Ю.И. Когнитивно-прагматическая аттракция в языке // Язык как воплощение культуры: лингвистическая, переводческая и дидактическая рефлексия. Ч.1. – Ставрополь, 2006. – С.144 – 149.
51. Леденев Ю.И. Системность и синергетика как факторы устойчивости языка // Язык. Текст. Дискурс. – Ставрополь, 2007. – С.20.
52. Лутай В.С. Основной вопрос современной философии. Синергетический подход. – Киев: Парапан, 2004.
53. Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях. – М., 1960.
54. Маслова В.А. Синергетика и лингвистика: мода или новая парадигма знания // Учёные записки Таврического национального университета. Серия «Филология». Т.20 (59). №1. 2007. – С.88.
55. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.11.
56. Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автороф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1984.

57. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. №5. – Б.3 – 16.
58. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент, 2012. – Б.10.
59. Моисеев Н.Н. Алгоритмы развития. – М., 1987. – С.126.
60. Моисеев Н.Н. Универсальный эволюционизм (Позиция и следствия) // Вопросы философии. 1991. №3. – С.6.
61. Моисеев Н.Н. Современный рационализм и мировоззренческие парадигмы. – М., 1994. – С.152.
62. Мосионжик Л.А. Синергетика для гуманитариев. – Кишинев, 2003.
63. Москальчук Г.Г. Структурная организация и самоорганизация текста. – Барнаул, 1998.
64. Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс. – Барнаул, 1999.
65. Мышкина Н.Л. Лингводиномика текста: контрадиктно-синергетический подход. – М., 1999.
66. Муратова Е.Ю. Лингвосинергетика поэтического текста. – М.: НИЦ-ИНФРА-М, 2013. – 220 с.
67. Негматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII вв. – Ташкент, 1989. – С.7.
68. Нурманов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973.
69. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
70. Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №6. – Б.50 – 54.
71. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. – Toshkent: Akademnashr, 2010.
72. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. – Тошкент: Akademnashr, 2012.
73. Ордынская С.Н. Языковая компрессия: ее онтология,

сущность и функции // III международные Бодуэновские чтения: И.А.Бодуэн де Куртенэ и современные проблемы теоретического и прикладного языкознания. – Казань, 2006. – С.67 – 78.

74. Пиотровский Р.Г. Лингвистическая синергетика: исходные положения, первые результаты, перспективы. – СПб., 2006. – 160 с.

75. Пономаренко Е.В. Лингвосинергетика бизнес-общения с позиций компетентностного подхода (на материале английского языка). – М.: МГИМО, 2010. – 151 с.

76. Поппер К. Что такое диалектика? // Вопросы философии. – М., 1995. №1. – С.118 – 138.

77. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. – М.: Прогресс, 1986. – С.432.

78. Пригожин И. Философия нестабильности / Перевод с англ. Я.И.Свирского. – М., 1995. – С.3.

79. Раҳимов А.У. Фузия лисоний типини квантитатив ва синергетик ёндашув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.13.

80. Раҳимов И., Ўтамуродов А. Синергетика – ўз-ўзини ташкил қилиш тўғрисидаги назария // Синергетиканинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет, 2005.

81. Реванский Р.Е. Развивающаяся Вселенная. – М., 1995. – С.54.

82. Решетов В.В. Узбекский язык. Ч.1. – Ташкент, 1959. – С.118 – 119.

83. Сартр Ж.-П. Проблемы метода. – М., 1994. – С.5.

84. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006.

85. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008.

86. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент, 2013. – Б.70.

87. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс-Универс, 1993.

88. Серебренников Б.А. Общеязыковедческие аспекты тео-

рии волн Иоганна Шмидта // *Ареальные исследования в языкознании и этнографии.* – Л., 1975. – С. 5.

89. Синергетическая парадигма. Многообразие поисков и подходов. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. I.

90. Синергетическая парадигма. Нелинейное мышление в науке и искусстве. – М.: Прогресс-Традиция, 2002. II.

91. Синергетическая парадигма. Человек и общество в условиях нестабильности. – М.: Прогресс-Традиция, 2003. III.

92. Синергетическая парадигма. Когнитивно-коммуникативные стратегии современного научного познания. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. IV.

93. Синергетиканинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет, 2005.

94. Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2009.

95. Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари: илмий анжуман (илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2010.

96. Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). – Тошкент, 2013.

97. Солнцев В.М. Типологические свойства изолирующих языков (на материале китайского и вьетнамского языков) // *Языки Юго-Восточной Азии. Проблемы морфологии, фонетики и фонологии.* – М., 1970. – С.12.

98. Солнцев В.М., Солнцева Н.В. Куда идёт китайский язык // *Китайское языкознание: Изолирующие языки: IX международная конференция.* – М., 1998. – С.15.

99. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977.

100. Субботин М.М. Гипертекст. Новая форма письменной коммуникации. ВИНТИ. Сер. Информатика. 1994. – С.18.

101. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960. – С.122.

102. Уорф. Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // *Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч.II.* – М., 1960. – С.198.

103. Файзуллаев А.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент, 2006.
104. Файзуллаев О. Физика ва фалсафа // Маърифат. 2005 йил 16 апрель.
105. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.284.
106. Флоренский П.А. Имена. – М., 1998. – С.255 – 284.
107. Фрагменты ранних греческих философов. Ч.1. – М., 1989. – С.203 – 212.
108. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. – М., 1991. – С.170.
109. Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М.: Мир, 1985.
110. Хакен Г. Синергетика как мост между естественными и социальными науками // Синергетическая парадигма. Человек и общество в условиях нестабильности. – М.: Прогресс-Традиция, 2003.
111. Хакен Г. Принципы работы головного мозга: Синергетический подход к активности мозга, поведению и когнитивной деятельности. – М.: ПЕР СЭ, 2001.
112. Хакен Г. Можем ли мы применять синергетику в науках о человеке? // Синергетика и психология. Тексты. Вып.2: Социальные процессы. – М., 2000.
113. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М., 2003.
114. Худойберганаева Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.
115. Шарбатов Г.Ш. Соотношение арабского литературного языка и современных арабских диалектов. – М., 1966. – С.5 – 7.
116. Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент, 2005. – Б.181.
117. Шермухаммедова Н.А. Дунёнинг постноклассик манзараси ва синергетика // Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари. – Наманган, 2010. – Б.61.

118. Щчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М., 1962. – С.71.
119. Кошғарий М. Девону луғотит турк. I жилд. – Тошкент, 1960. – Б.21.
120. Glansdorff P., Prigogine I. Thermodynamics of Structure, Stability, and Fluctuations. – New-York: John Wiley and Sons, 1971.
121. Goertzel B. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994. – P.6.
122. Good J. Linguistic Universals and Language Change. – Oxford: Oxford University Press, 1964. – P.54 – 57.
123. Haken H. Synergetics. – Berlin: Springer, 1978.
124. Haken H., Knyazeva H. Arbitrariness in Nature: Synergetics and Evolutionary Laws of Prohibition // Journal for General Philosophy of Science. 2000. Vol.31. №1. – P.57 – 73.
125. Hartmann R.R.K. Attraction // Dictionary of Language and Linguistics. – London, 1972. – P.23.
126. Kaye A.S., Tosco M. Pidgin and Creole Languages: A Basic Introduction. – Muenchen: Lincom Europa, 2003. – P.28.
127. Kuhn T. The Structure of Scientific Revolution. – Chicago: University of Chicago Press, 1970. – P.11.
- Köhler R. Zur linguistischen Synergetik. Struktur und Dynamik der Lexik. – Bochum: Brockmeyer, 1986.
- Kohler R. Synergetic Linguistics / Kohler, Gabriel Altmann & Rajmund G. Piotrowski. Quantitative Linguistics. An International Handbook. – New-York: Walter de Gruyter, 2005. – P.760 – 775.
- Lehman W. Historical linguistics: An Introduction. – N.-Y. 1962.
- Geipel J. The Viking Legacy. – Newton Abot, 1971.
- Levin A. Complexity: Life at the Edge of Chaos. – N.-Y., 1992.
- Mackey W.F. Geolinguistics: Its Scope and Principles // Language in Geographic Context. – London, 1988. – P.32.
- McMahon. Understanding of Language Change. – Cambridge: Cambridge University Press, 2001. – P.21.
- Nicolis G., Prigogine I. Self-Organization in No Equilibrium Systems. – New-York: Wiley-interscience, 1977.

128. Prigogine I., Stengers I. Order out of Chaos: Man's New Dialogue with Nature. – New-York: Bantam Books, 1984.

129. Rakhimov A.U. Synergetics as a new methodology in linguistics // International Scientific and Practical Conference: Science and Society Proceedings. – London, 2013. – P.310 – 313.

130. Sapir E. Language. – N.-Y, 1921. – P.93.

131. The Encyclopedia of language and linguistics / Ed.-in-chief R.E.Asher. – Oxford: Pergamon press, 1994. – P.3177.

132. Waldrop M. Complexity: The Emerging Science at the Edge of Order and Chaos. – N.-Y., 1992.

СИНЕРГЕТИКАГА ДОИР ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР РЎЙХАТИ

<http://www.chaos.ssu.runnet.ru>

<http://www.russian.iztok.net>

<http://www.nostratic.ru>

<http://www.synergetic.ru>

<http://spkurdyumov.narod.ru>

ГЛОССАРИЙ

Амфиболия (юнонча *amphibolia* – «икки томонламалик», «икки маънолилик») – икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги.

Антропоцентризм (юнонча *anthropos* – «инсон», *centrum* – «марказ») – ҳозирги кунда тилшунослик фанида олиб борилатган тадқиқотларнинг марказида «инсон» омилининг бош мезон сифатида белгиланиши.

Аттрактор (инглизча «*attract*» – «ўзига жалб этмоқ», «ўзига тортмоқ» маъноларини англатади) – динамик тизимлар фаза-ли нуқталарининг кўплиги билан характерланадиган, вақт ўқи давомида динамик тизим траекториясига тортилувчи ривожланишнинг барқарор ҳолати.

Бифуркация (лотинча *bifurcus* – «иккиланган», «бўлинган») – ривожланишнинг иккига айрилиши, ривожланиш давомининг ҳар хиллиги. Бифуркацияни қуйидаги аниқ мисол билан тушунтириш мумкин: биз тошни болға билан урайлик. Бунда ҳар бир зарбадан тош деформацияга учрайди, биз ҳар бир деформациянинг характерини олдиндан айта оламиз, лекин тошнинг иккига бўлиниши қанча тош парчалари ажралганининг оқибати эканини аниқ айтиб беролмаймиз. Шу ўринда бу ҳолатни тушуниш учун бизга бифуркация ёрдам беради. Яъни бутун тошни болға билан уриш давомида шундай бир пайт келадики, у бошқа сифат босқичига ўтаётган бўлади, худди шу пайтдаги тошнинг ҳолати бифуркацияга мисол бўла олади. Ёки эртақ қаҳрамони йўллар бўлиниб кетган жойга келиб йўл танлаётган сюжет, қайси йўлни танласа ҳам, унинг келажагини белгилайди. Буни биз инсон ҳаётидаги бифуркацияга кўрсатмали намуна дейишимиз мумкин.

Гипертекст – компьютерда, интернет тизимида бошқа матнлар, жадваллар, расмлар, видеороликларга гиперҳаволалар ёрдамида боғлашга имкон берувчи матн структураси бўлиб, у синергетикадаги ночизиқлилиқ, фракталлик тамойилларини ўзида намоён этади.

Диссипация (инглизча «*dissipate*» – «тарқалиш», «сочилиш» маъносини англатади) – синергетиканинг асосий тамоийилларидан бири, бунда бир структурадан янги структуранинг пайдо бўлиши, таъсирларнинг тарқалиши ва бунинг натижасида беқарорлик, мувозанатсизлик ҳолатининг юзага келиши тушунилади.

Динамик тизимлар – қандайдир оний (кўз очиб юмгунча, бир онда содир бўладиган) ҳолатларни тавсифлаш мумкин бўлган ҳар қандай жараёнлар. Динамик тизимларга *маятникнинг эркин тебранишини* мисол сифатида келтириш мумкин.

Дрейф – муайян тарихий шароитда тилларда намоён бўладиган, тилнинг ички тараққиёти ва ўз-ўзини ташкиллаштирувчилик хусусияти, тилнинг онтологик моҳияти билан узвий алоқадор бўлган ўзгаришлар ва мана шу тараққиёт тенденциясини ифодаловчи тушунча. Бошқачароқ айтганда, Э.Сепир назарда тутган «дрейф» «тилдаги синергетик ҳаракат» тушунчасига мувофиқ келади.

Когерентлик (лотинча *cohaerentia* – «алоқа», «боғланиш» дегани) – турли тебранишли жараёнларнинг босқичлари ўртасидаги муносабатларнинг сақланиши ҳодисаси бўлиб, у кичик, лекин ҳамкорликдаги кучсиз ўзаро таъсирланишларга ва жараёнлар оқимига минимал аралашиш.

Козволюция – глобал эволюционизмнинг туб негизи бўлиб, у табиат ва жамиятдаги мавжуд системаларнинг биргаликда яшаши, ривожланиши, тизимнинг ўзаро келишилган ўзгариши ёки бутунликнинг ички бўлаклари ғоясидир.

Креатив аттрактор – лингвосинергетикада матн структураси таркибини ифодаловчи тушунча бўлиб, у, аввало, матннинг ўзи, унинг ижодий фаолият маҳсули экани билан боғлиқ. Креатив аттрактор матнда кучли позиция вазифасини бажаради ҳамда муаллифнинг барча ижодий ўзига хосликларини, асосий мазмунни умумлаштирувчи матн фрагментидир.

Метафан (юнонча *metapha* – «кейин», «барча фанлардан

кейинги») – Г.Хакен томонидан синергетикага нисбатан ишлатилган термин. Яъни бунга кўра ундаги тамойиллар ва қонуниятлар универсаллик касб этиб, барча фанлар «ўзиники» ҳисоблаб, улардан фойдаланади, методологик асос вазифасини бажаради.

Ночизиқлилиқ – синергетикадаги таянч тушунчалардан бири бўлиб, у дастлаб математикада бир неча ечимларга эга тенгламаларга нисбатан ишлатилди. Шунга мос ҳолда оламнинг синергетик манзараси, эволюция йўлларининг кўпвариантлилиги «ночизиқлилиқ» тушунчасини келтириб чиқарди. У чизиқлилиқ тушунчасига зид ўлароқ номунтазамлик, беқарорлик, тасодиф, ривожланишнинг кўпмуқобиллилиги, бифуркация каби онтологик категориялар билан узвий боғлиқ.

Окказионаллик (лотинча сўз бўлиб, *occasius* – «фавқулоддалик», «тасодифий ҳолат» маъноларини билдиради) – нутқ сатҳининг моҳиятини белгиловчи мезонлардан биридир. У жонли нутқ, шевага хос меъёрий бўлмаган ҳолат, адабий тил стандартига мос келмаслик ҳолати каби маъноларга эга.

Очиқ система – ташқи муҳит билан узлуксиз ўзаро таъсирлашадиган, модда, энергия ва информация алмашинуви билан шартланган система. Очиқ система синергетиканинг таянч тушунчаларидан биридир. Тил ҳам очиқ система сифатида жамият билан ўзаро таъсирда бўлади.

Парадигма – фан фалсафаси ва методологиянинг таянч тушунчаларидан бири бўлиб, у (юнонча «намуна», «андаза» маъноларини англатади) қуйидаги маъноларда талқин этилади: 1) маънавий ва моддий олам ўртасидаги муносабатни билдирувчи тушунча; 2) илмий тадқиқот муаммоларини ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган назария.

Полифуркация – ривожланиш динамикасидаги бир неча тармоқларга бўлиниш нуқталари, тараққиётнинг кўпмуқобиллигини ифодаловчи тушунча.

Синергетика (юнонча *synergieia* – «ҳамкорлик», «ҳамжиҳат-

лик» маъноларини англатади) – системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш назарияси, но-чизиқли ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби. Синергетика табиатдаги мураккаб тизимларда ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнини, эволюциянинг қай босқичида хаос (тартибсиз ҳолат) ижобий роль ўйнаши, хаосдан тартибнинг пайдо бўлиши, қонуниятдан четлашиш ҳолатлари (флуктуация), беқарор ва барқарор ҳолат, чизиқли тараққиёт ва чизиқсиз тараққиёт, ҳозирги замон дунё манзарасининг янги устуворликларини – мувозанатсиз беқарор дунё концепциясини, ривожланишнинг но-чизиқчилиги ва кўпмуқобиллилиги каби масалаларни ўрганади.

Тасодиф – синергетикага кўра, янги структуранинг юзага келиши ва эволюция учун зарурий шарт бўлган категориядир. Илгари оламнинг механик манзарасида тасодиф тушунчаси «нофаол», нозарурий унсур сифатида бир томонлама ёндашилганди. Синергетикада эса «тасодиф» борлиқнинг зарурий қисми сифатида баҳоланиб, у янгича онтологик мазмун касб этди. Аслида, табиатнинг туб моҳияти, унда янги сифат ўзгаришлари юз бериши каби жараёнлар замири «тасодиф» билан шартланган. Оламнинг янги манзараси «тасодиф» категорияси билан бойитилиши лозим. Чунки борлиқ ўз-ўзидан ташкилланивчи очиқ система экан, уни тушунтиришда «тасодиф» категорияси бирламчи аҳамият касб этади.

Узуаллик (лотинча сўз бўлиб, *uzus* – «оддий», «меъёрий» маъноларини англатади) – лисон сатҳига хос специфик белги ҳисобланади. У моҳиятан тил учун меъёрийлик, стандартлашганлик, фаол қўлланиш маъноларида ишпатади.

Флуктуация (лотинча «*fluctuatio*» сўзидан олинган бўлиб, «тебраниш» маъносини англатади) – системаларнинг барқарор ҳолатидан фавқулудда четлашиши демақдир. У мумтоз фалсафадаги «тасодиф» тушунчасига яқин келади.

Фрактал (лотинча «*fractus*» – «бўлинган», «парча» маъно-

ларини англатади) – масштабни инвариантликни ифодалайди. У моддий ва ижтимоий тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллашида кейинги шакллар тузилишига кўра олдингисини эслатувчи макроструктуралар. Бундай ҳодисани биз кўпроқ табиатда учратамиз, бунда фигуралар ўз қисмига ўхшаш ва симметрик бўлади.

Хаос (юнонча *chaos* – «тартибсизлик» деган маънони англатади) – синергетика фалсафасининг таянч тушунчаларидан бўлиб, нодаврий тарзда такрорланиб турадиган, беқарор траекторияларга эга, замон ва макон кўрсаткичларининг корреляциясига тасодифий тақсимланиш хос бўлган номунтазам ҳаракат. Хаос ночизиқ тараққиётнинг устувор белгисидир, у деструкция манбаи сифатида эмас, балки моддий ўзаро таъсирларнинг дастлабки беқарорлиги ҳосиласи бўлган ҳолат деб тушунтирилади. Мазкур ҳолат спонтан структурогенезнинг, системанинг янги сифат босқичига ўтишининг сабаби бўлиши мумкин. Буни образли тарзда шундай тушунтириш мумкин: *«Маълум бир тошнинг тоғдан тушиши ҳеч нарсага таъсир кўрсатмаслиги, бошқа бирининг тушиши эса қор кўчкисига сабаб бўлиши мумкин»*. Синергетика учун кўчкини келтириб чиқарган тош муҳим, у тизимнинг эволюциясини кескин ўзгартириб юборади.

Изоҳ ва қайдлар учун

Илмий нашр

Абдулхамид НУРМОНОВ

Азаматжон РАҲИМОВ

ЛИНГВОСИНЕРГЕТИКАГА КИРИШ

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадий муҳаррир: Хуршид ИБРОҲИМОВ

Техник муҳаррир: Алимардон АҚИЛОВ

Мусаҳҳиҳ: Отабек БОҶИЕВ

Нашриёт лицензияси: АИ № 134, 27.04.2009
Теришга берилди: 01.11.2013 й.
Босишга рухсат этилди: 04.12.2013 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Arial гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Ҳисоб-нашриёт т.: 4,66. Шартли б.т.: 6,51.
Адади: 500 нусха.
Буюртма № 85

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871)217-16-77
e-mail: akademnashr@mail.ru
www.akademnashr.uz